

Фикҳ

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

Байъ – савдо китоби

Таржимон: Ислом нури веб саифаси

www.Islamnuri.com

2013 - 1434

MyIslamicBooks.tk

1. Байъга доир аҳкомлар ҳақидаги боб
2. Ман қилинган байълар баёни ҳақидаги боб
3. Байъдаги шартларга доир ҳукмлар ҳақидаги боб
4. Байъда хиёр-ихтиёрли бўлиш ҳукмлари ҳақидаги боб
5. Сотиб олинган нарсани ҳали қўлига етиб келмасидан туриб тасарруф қилишга ва иқолага доир аҳкомлар ҳақидаги боб
6. Рибо ва унинг ҳукми баёнидаги боб
7. Асллар (кўчмас мулк) байъига доир аҳкомлар ҳақидаги боб
8. Мева ҳосили савдосига тегишли ҳукмлар ҳақидаги боб
9. Офат етган ҳосилнинг байъини бекор қилиш ҳақидаги боб
10. Сотилган товарга тобеъ бўладиган ва тобеъ бўлмайдиган нарсаларга доир боб
11. Саламга доир ҳукмлар ҳақидаги боб
12. Қарзга доир аҳкомлар ҳақидаги боб
13. Гаровга доир аҳкомлар ҳақидаги боб
14. Кафолатга доир аҳкомлар ҳақидаги боб
15. Ҳаволага доир аҳкомлар ҳақидаги боб
16. Ваколатга доир аҳкомлар ҳақидаги боб
17. Ҳажрга оид аҳкомлар ҳақидаги боб
18. Сулҳга доир аҳкомлар ҳақидаги боб
19. Қўшничилик ва йўлларга доир аҳкомлар ҳақидаги боб
20. Шафеъликка оид ҳукмлар ҳақидаги боб

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Байъга доир аҳкомлар ҳақидаги боб

Одамларнинг муомалотга (олди-сотди каби) доир аҳкомларга эҳтиёжлари бўлгани туфайли, баданларини қувватлантирадиган озуқага, кийим-кечак, уй-жой, от-улов ва бошқа ҳаётий заруратларга эҳтиёжлари туфайли Аллоҳ таоло Ўзининг улуғ китобида ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларининг покиза суннатларида муомалотга доир аҳкомларни баён қилиб қўйдилар.

Байъ Қуръон, Суннат, ижмоъ ва қиёс билан жоиздир:

چ ت ت ط ف ف البقرة: ۲۷۵

Аллоҳ таоло айтади: «Ҳолбуки, Аллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган» (Бақара: 275).

چ چ چ چ چ چ البقرة: ۱۹۸

Аллоҳ таоло айтади: «(Ҳаж сафарида тижорат қилиш билан) Парвардигорингиздан фазлу карам исташингиздан сизлар учун ҳеч қандай гуноҳ йўқдир» (Бақара: 198).

عَنْ حَكِيمِ بْنِ جِرَامٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ «الْبَيْعَانِ بِالْخِيَارِ مَا لَمْ يَتَفَرَّقَا فَإِنْ صَدَقَا وَبَيَّنَّا بُورِكَ لَهُمَا فِي بَيْعِهِمَا وَإِنْ كَذَبَا وَكَتَمَا مُحِقَتْ بَرَكَةُ بَيْعِهِمَا». رواه البخاري ومسلم

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Олувчи билан сотувчи модомики бир-биридан ажралмаган бўлса, (савдони бузиш-бузмасликда) ихтиёрлидирлар. Агар

рўйи-рост сўзласалар ва (молнинг ёки тўлов ҳақининг камчилигини) очик айтсалар, байъларига барака берилади. Агар ёлғон гапирсалар ва ҳақни яширсалар, байъларининг баракаси ўчирилади» (Бухорий (2079) ва Муслим (1532) Ҳаким ибн Ҳизом розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Уламолар бунга мутлақ ижмоъ қилганлар.

Қиёс шу жиҳатданки, байънинг бўлишини одамларнинг эҳтиёжлари ҳам тақозо қилади. Чунки, инсоннинг ҳожати бошқа бир инсон қўлидаги пул ёки савдо молига боғланган бўлиб, у ўша нарсани бир эваз орқалигина қўлга киритиши мумкин. Демак, талаб қилинган ғаразга етиш учун байъ жоиз бўлишини ҳикмат ҳам тақозо қилади.

Байъ оғзаки ёки амалий сийғада (кўринишда) амалга ошади.

Оғзаки сийға: ийжобдан, яъни, сотувчи тарафидан айтилувчи «сотдим» деганга ўхшаш сўздан ва қабулдан, яъни, сотиб олувчи тарафидан айтилган «олдим» деганга ўхшаш сўздан ташкил топади.

Амалий сийға эса олди-берди билан ҳосил бўладиган муомаладир, яъни, бирови молни топшириши, иккинчиси эса унинг пулини тўлашидир.

Гоҳида байъ сийғаси бир вақтнинг ўзида ҳам оғзаки, ҳам амалий сийғадан ташкил топади.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Муъотот

(олди-берди) байъининг бир неча суратлари мавжуд:

Биринчиси: Сотувчи тарафидан фақат оғзаки ийжоб, харидор тарафидан эса олишнинг содир бўлиши. Масалан: «Мана бу матони бир динорга ол», дейди ва у ўшани олади. Шунингдек, товарнинг муайян баҳода бўлиши. Масалан: «Мана бу матони сенинг матоҳинг эвазига ол», дейди ва у ўша матони олади.

Иккинчиси: Харидордан лафз, сотувчидан эса бериш содир бўлиши, баҳоси муайян бўладими, бошқача бўладими, фарқсиз.

Учинчиси: Ҳар иккисидан бирор лафз содир бўлмаслиги, балки бу ерда баҳо қўйиш ва матони олишнинг (ҳаммага маълум) урфи бўлиши» (Мажмуъул-фатава: 29/7-8).

Байъ саҳиҳ-яроқли бўлиши учун бир неча шартларни шарт қилинади, улардан баъзилари иккала ақд (савдо битими) тузувчига (сотувчи ва харидорга) тегишли шартлар бўлса, баъзилари ақд тузилаётган нарсага (товарга) тегишли шартлардир. Агар шулардан битта шарт топилмаса ҳам байъ саҳиҳ бўлмайди.

Иккала ақд тузувчи ҳаққида қуйидагилар шарт қилинади:

1) Икковлари тарафидан ўзаро розилик. Агар олди-сотди қилаётган икки кишининг бири ноҳақ мажбурланаётган бўлса, байъ яроқли бўлмайди. Чунки,

چ ج ج ج ج ج ج ج ج النساء: ۲۹

Аллоҳ таоло: «Балки ўзаро ризолик билан бўлган савдо-сотик орқали мол-дунё касб қилингиз», дейди (Нисо: 29).

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّمَا «الْبَيْعُ عَنْ تَرَاضٍ».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Байъ фақат ўзаро розилик билангина (амалга ошади)», деганлар (Ибн Можа (2185), Ибн Ҳиббон (11/340, №4967) Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Агар мажбурлаш ҳақ билан бўлса, байъ дуруст саналади. Масалан, ҳоким бир кишини қарзини тўлаши учун молини сотишга мажбур қилса, бу ҳақ билан мажбурлаш бўлади.

2) Ҳар иккови ҳам тасарруф қилиш (молиявий фаолият юритиш)га ҳақли бўлиши, яъни, озод, эс-ҳуши жойида, мукаллаф (балоғатга етган) бўлиши. Гўдак боланинг, ақлсиз кишининг, мажнуннинг, саййидининг изнисиз мамлукнинг (кулнинг) қилган олди-сотдиси яроқли саналмайди.

3) Ақд (савдо битими) тузилаётган нарсага молик (эгадор) бўлиши ёки унинг эгаси мақомида бўлиши.

عَنْ حَكِيمِ بْنِ جِرَامٍ قَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ يَا تَيْبِي الرَّجُلُ فَيُرِيدُ مِذَى الْبَيْعِ لَيْسَ عِنْدِي أَفَأَتْبَاعُهُ لَهُ مِنْ السُّوقِ فَقَالَ « لَا تَبِعْ مَا لَيْسَ عِنْدَكَ

Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳаким ибн

Ҳизом розияллоҳу анҳуга: «Ҳузурингда бўлмаган нарсани сотма», деганлар (Абу Довуд (3503), Термизий (1232), Насоий (4613), Ибн Можа (2187) ривоятлари). Яъни, ўзинг эгадор бўлмаган нарсани сотма, деганлар.

Ал-Вазир раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ўзининг олдида ва ўз мулкида бўлмаган нарсани сотиш сўнгра бориб у учун сотиб олишининг жоиз эмаслиги ва у ботил эканига (уламолар) ижмоъ қилганлар» (Ихтилафу аймматил-уламаъ: 1/406).

Савдо битими тузилаётган нарса (товар ва пул) ҳақида учта шартни шарт қилинади:

1) Фойдаланиш мутлақ мубоҳ нарса бўлиши. Фойдаланиш ҳаром бўлган ароқ, тўнғиз, мусиқа асбоби, ўлимтик кабилар савдоси дуруст эмас. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Албатта Аллоҳ ва Расули маст қилувчи ичимлик, ўлимтик, тўнғиз ва бут-санамлар савдосини ҳаром қилди», деганлар (Бухорий (2236) ва Муслим (1581) Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар). Бошқа бир ҳадисда: «Маст қилувчи ичимликни ва унинг пулини ҳаром қилди, ўлимтикни ва унинг пулини ҳаром қилди, тўнғизни ва унинг пулини ҳаром қилди», деганлар (Абу Довуд (3485) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).

Нажас ёки нажасга айланган ёғ-мой савдоси ҳам дуруст эмас. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ таоло агар бир нарсани ҳаром қилса, унинг пулини ҳам

ҳаром қилган», деганлар (Абу Довуд (3488), Аҳмад (1/322, №2961), Ибн Ҳиббон (11/312, №4938) Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадис борки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Ўлимтикнинг мойи билан кемаларни мойланса, териларни ёғланса ва одамлар уни чирокмойи қилсалар, бўладими?», деб сўралганда у зот: «Йўқ, у ҳаром», деганлар (юқоридаги Жобир розияллоҳу анҳу ҳадисининг давоми).

2) Топшириш ва қўлга етказиш имкони бўлган нарса бўлиши. Чунки, қўлга етказиш мумкин бўлмаган нарса йўққа ўхшаш бўлиб, унинг савдоси дуруст бўлмайди. Масалан, қочиб кетган қулни сотиш, йўқолиб қолган туяни сотиш, осмондаги қушни сотиш, бошқа биров тортиб олиб кетган нарсани сотиш дуруст эмас.

3) Товар ҳам, унга тўланадиган ҳақ ҳам ҳар икки савдо битими тузаётган одамга маълум бўлиши. Чунки, номаълум нарсанинг савдосидан қайтарилган. Ўзи кўрмаган ёки кўрса ҳам билмаган нарсани савдо қилиш, ҳайвоннинг қорнидаги боласини ёки елиндаги сутни сотиш дуруст бўлмайди.

Муломаса байъи, яъни: «Қайси нарсага қўл теккизсанг, ўша сенга фалон пулга», деб савдо қилиш дуруст эмас.

Мунобаза байъи (икки киши бир-бирининг товарини текшириб кўрмасдан бир-бирининг олдига ирғитиб қўйиб

савдо қилишлари), яъни: «Қай бир матони менга улоқтирсанг, ўшанинг нархи фалонча», деб савдо қилиш ҳам дуруст эмас. Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтилганидек: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам муломаса ва мунобазадан қайтарганлар» (Бухорий (2146) ва Муслим (1511) ривоятлари).

Тош отиб, байъ қилиш, яъни: «Мана бу тошни от, қайси матога тегса, сенга унинг нархи шунча» деб савдо қилиш ҳам дуруст бўлмайди. Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам тош отиб савдо қилишдан ва ғарар (номаълум нарса) савдосидан қайтарганлар» (Муслим (1513) ривояти).

Ман қилинган байълар баёни ҳақидаги боб

Аллоҳ таоло бандаларига олди-сотдини ҳалол қилди, бироқ, шарти шуки, олди-сотди билан банд бўлиш ундан кўра фойдалироқ ва муҳимроқ нарсадан қолиб кетишга, яъни масалан, фарз ибодатни адо этишдан тўсишига ёки бировларга зарар келтиришига сабаб бўлмасин.

Зиммасига жумъа намози фарз бўлган киши иккинчи азондан кейин олди-сотди билан шуғулланиши дуруст бўлмайди. Чунки, Аллоҳ таоло: «Эй мўминлар, қачон Жумъа кунидаги намозга чорланса (яъни азон айтилса), дарҳол Аллоҳнинг зикрига боринглар ва олди-сотдини тарк

килинглар! Агар биладиган бўлсангизлар мана шу (яъни Аллоҳнинг зикрига — Жумъа намозини ўқишга шошилиш) ўзларингиз учун яхшироқдир», деган (Жумъа: 9). Тижорат билан машғуллик намозга ҳозир бўлмасликка восита бўлиб қолмасин деб Аллоҳ таоло жумъа намозига азон айтилгандан сўнг савдо қилишдан қайтарди ва бу ерда хоссатан байъни келтиришига сабаб – тижорат ва савдо-сотик кишининг энг муҳим тирикчилик воситаларидан саналади. Қайтариқ ҳаромликни ва байънинг дуруст бўлмаслигини тақозо қилади. Шунингдек, савдо-сотикдан бошқа нарса сабабли намоздан машғул бўлиб қолиш ҳам ҳаромдир.

Шунингдек, азон айтилганидан сўнг олди-сотди ва бошқа ишлар билан бўлиб, бошқа фарз намозларни ҳам масжидларда жамоат бўлиб ўқишдан қолиб кетиш жоиз эмас. Аллоҳ таоло айтади: «(У чироқ) бир уйларда (яъни масжидларда ёқилурки), Аллоҳ уларни баланд кўтариб (бино) қилинишига ва уларда Ўзининг номи зикр қилинишига изн берган (яъни амр қилган) эди. У (масжидларда) эртаю кеч У зотни поклайдиган кишилар бордирки, уларни на тижорат ва на олди-сотди Аллоҳни зикр қилишдан, намозни тўқис адо этишдан ва закотни (ҳақдорларга) ато этишдан машғул қила олмас. Улар диллар ва кўзлар изтиробга тушиб қоладиган (қиёмат) кунидан кўрқурлар. Улар Аллоҳ ўзларини қилган амалларининг энг гўзаллари сабабли мукофотлаши ва яна уларга Ўз

фазлу-карами билан зиёда (савоблар ато) қилиши учун (эртаю кеч Аллоҳни поклаб ибодат қилурлар). Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларга беҳисоб ризқ берур» (Нур: 36-38).

Шунингдек, бирон нарсани у билан Аллоҳнинг маъсиятига ёрдамланадиган ва уни Аллоҳ ҳаром қилган йўлларда ишлатадиган кишига сотиш дуруст бўлмайди.

Бинобарин, шарбатни (яъни, меванинг сувини) ундан ароқ тайёрлайдиган одамга сотиш дуруст эмас. Аллоҳ таоло: «Гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз!», дейди (Моида: 2). Ундай қилиш ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилиш бўлиб қолади.

Шунингдек, мусулмонлар ўртасида фитна кўзғолиб турган пайтда қурол сотиш мумкин эмас, чунки, у билан бир мусулмоннинг қони тўкилиши мумкин. Бундай пайтларда умуман қурол-яроғ сифатида ишлатиш мумкин бўлган ҳар қандай асбобни сотиш жоиз бўлмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундан қайтарганлар (Табароний «Ал-кабир»да (18/136, №286) Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳудан ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фитна пайтида силоҳ савдосидан қайтарганлар. Бухорий «Саҳиҳ»да (415-с): «Фитна пайтида қурол сотиш ҳақидаги боб» деб таълик қилиб, «Имрон ибн Ҳусойн фитна пайтида қурол сотишни макруҳ санаган», деди). Чунки, Аллоҳ таоло: «Гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз!», дейди

(Моида: 2).

Ибнул Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Бир-бирини қувватлаб келган шариат далилларига кўра, савдода қасд-ниятлар эътиборга олинади ва улар савдонинг дуруст ё фосид бўлишига таъсир кўрсатади... Бир кишига шу билан мусулмон кишини ўлдиришини билиб туриб, қурол сотиш харом ва ботилдир. Чунки, бу гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик бўлади. Агар бир кишига қуролни у билан Аллоҳ йўлида жиҳод қилишини билиб туриб, сотса, бу тоат ва ибодат бўлади» (Иъламул-муваққиъийн: 3/109-110).

Шунингдек, мусулмонларга қарши урушадиган ва уларнинг йўлларини тўсиб, қароқчилик қиладиган кимсаларга ҳам қурол сотиш жоиз бўлмайди.

Мусулмон қулни кофирга сотиш мумкин эмас, чунки, бунда мусулмоннинг кофир қўлида хорланиши ҳосил бўлади. Аллоҳ таоло: «Аллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермагай», деди (Нисо: 141). Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: Ислом олий бўлади, унга олий бўлинмайди», деганлар (Дорақутний (3/252, №30), Байҳақий (6/205) Оиз ибн Амр ал-Музаний розияллоху анхудан ривоят қилганлар).

Бир мусулмон биродарнинг савдоси устига савдо қилиш, яъни, бир киши бир матони ўн динорга сотиб олаётган бўлса: «Мен сенга худди шундай матони тўққизга бераман» ёки «Мен сенга шу пулга бундан яхшироғини бераман»

дейиш ҳаромдир.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бирингиз бошқа бирингизнинг байъи устига байъ қилмасин», деганлар (Бухорий (2139) ва Муслим (1412) Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар).

Бошқа бир ҳадисда: «Бир киши биродарининг байъи устига байъ қилмасин», деганлар (Бухорий (2140) ва Муслим (1413) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Худди шу каби, биров сотиб олаётган нарсани стиб олиш, яъни, бировга бир матони тўққиз динорга сотаётган одамга: «Мен шу матони ўнга сотиб оламан» дейиш ҳаромдир.

Бугунги кунда мусулмонларнинг бозорларида шу каби ҳаром муомалотлар нақадар авж олган! Мусулмон киши бундан сақланиши ва бошқаларни ҳам бундан қайтариши лозим.

Шаҳар ёки қишлоқ аҳлидан бўлган кишининг бадавийга (яъни, дашту саҳродан келган кишига) нарса сотиши ҳам ҳаром қилинган байълар жумласига киради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳозир бодийга (яъни, шаҳарлик бадавийга) сотмасин», деганлар (юқоридаги Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ҳадиси давоми).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан: «Ҳозир бодийга (яъни, шаҳарлик бадавийга) сотмасин», деганларини қандай тушуниш керак?» деб сўралганда: «Унга даллол бўлмайди»,

яъни, сотувчи билан олувчи ўртасида даллоллик ҳам қилмайди, деб жавоб берганлар (Бухорий (2158) ва Муслим (1521) ривоят қилганлар).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамларни Аллоҳ таоло баъзиларини баъзилари билан ризқлантиришига қўйиб қўйинглар» деганлар (Муслим (1522) Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).

Шунингдек, шаҳарлик бадавийнинг нарсасини сотиб бериши ва унга нарса олиб бериши ҳам жоиз эмас. Яъни, шаҳарлик бадавийга бориб: «Мен сенга нарсангни сотиб бераман ёки нарса харид қилиб бераман» дейиши жоиз эмас. Аммо, агар бадавий шаҳарликка келиб, ундан нарсасини сотиб беришини ёки нарса харид қилиб беришини сўраса, бунга ҳеч қандай монеълик йўқдир.

Ийна (яъни, рибонинг бир тури) байъи ҳам ҳаром қилинган байълардан биридир. Бунинг кўриниши шундай бўладики, бир киши бировга насияга товар сотади, сўнг уни арзонроқ нархда нақд пулга сотиб олади. Масалан, бировга насияга 20.000га автомашина сотади, сўнг уни 15.000 нақд бериб, ўзи қайта сотиб олади. Тўлов вақти келгунича сотиб олган одамнинг зиммасида 20.000 қолаверади. Мана шу байъ тури ҳаромдир. Чунки, бу рибога эришиш учун қилинадиган бир ҳийла деб саналади. Гўё насия пулни нақд пул муқобилига ўртада ортиқчаси билан сотди ва матони ҳийла сифатида аралаштирди, холос.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Агар ийна (рибо) билан савдо-сотик қилсангиз, сигирларнинг думини тутсангиз ва фақат экин-тикин билан машғул бўлиб, жиҳодни тарк қилсангиз, Аллоҳ сизларга хорликни келтириб кўяди ва то динингизга қайтмагунларингизча, уни устингиздан кўтармайди» (Абу Довуд (4362), Аҳмад (2/42, №5007) Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Одамларга бир замон келадики, байъда рибони ҳалол санайдилар» (Хаттобий «Ғарибул-ҳадис»да Авзоъий орқали келтирган. Ибнул Қаййим «Таҳзибус-сунан»да бу ҳадисни зикр қилиб: «Бу агарчи мурсал бўлсада, у билан қувватланишга яроқлидир. Хусусан, уни қувватловчи марфуъ ҳадис ҳам келган», дейди).

Байъдаги шартларга доир ҳукмлар ҳақидаги боб

Байъда шартлар кўп содир бўлади, олди-сотди қилувчилар ҳар иккиси ёки улардан бири бир ёки бир неча шартга зарурат ҳис қилади. Бу эса шартлар мавзусида баҳс юритишни, улардан дуруст ва нодурустларини баён қилиб беришни тақозо этади.

Фуқаҳолар – раҳимаҳумуллоҳ – таърифларига кўра, байъдаги шарт: олди-сотди қилувчилардан бири

иккинчисининг зиммасига шу савдо ақди (битими) сабабли ўзи учун манфаатли бўлган бир нарсани лозим қилишидир. Уларга кўра, байъдаги шарт қачонки, ўша битимнинг ичида шарт қилинса ўтади, битимдан олдин ё кейин қилинган шарт саҳиҳ саналмайди.

Байъдаги шартлар икки қисмга: саҳиҳ (яроқли) ва фосид (яроқсиз) шартларга бўлинади.

Биринчиси: Саҳиҳ шартлар:

Улар ақд талабларига зид келмайдиган шартлар бўлиб, улар тақозосига кўра амал қилиш лозим бўлади. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмонлар ўз шартлари устидадирлар», деганлар (Абу Довуд (3594) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан, Термизий (1352) Амр ибн Авф розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар). Чунки, шартлардаги асл-асос саҳиҳликдир, шариат соҳиби ботил санаган ва қайтарган шартларгина бундан мустасно.

Саҳиҳ шартлар ўзи икки қисмга бўлинади:

1) Ақднинг фойдасини кўзлаб, шу билан ақд қувватланиши учун қилинган ва унинг фойдаси шарт қилувчига келадиган шарт.

Гаров билан ишончли қилиб қўйишни шарт қилиш ёки кафолатни шарт қилишга ўхшаш. Бу шарт сотувчини хотиржам қилади.

Ёки пулини кейинроқ беришни ёки бир қисмини кейинроқ,

маълум муддатда беришни шарт қилишга ўхшаш. Бу шарт харидорнинг фойдасига хизмат қилади. Агар мана шу шартга вафо қилса, байъ лозим бўлади.

Шунингдек, агар харидор савдо қилинаётган товарнинг маълум бир сифатда бўлишини шарт қилса, яъни, яхши навли бўлишини ёки фалон завод-фабриканинг ё фалон ширкатнинг моли бўлишини шарт қилса – чунки, буларнинг фарқли бўлишига қараб рағбатлар ҳам фарқли бўлади – агар товар шарт қилинган сифатдагидек келса, байъ лозим бўлади. Бироқ, товар айтилган сифатдагидан бошқача бўлса, харидор байъни бузишга ёки шарт бажарилмаганига эваз-бадал олиб, яъни, шарт қилинган сифатдаги товарнинг нархи билан унинг ўрнига келган ўша бошқа товарнинг нархини таққослаб, ўртадаги тафовутни қайтариб олиб, байъни қолдиришга ҳақли бўлади.

2) Савдо ақди тузаётган икки киши (яъни, сотувчи ва харидор) бири иккинчисига сотилаётган товарда мубоҳ бўлган фойдаланишни шарт қилиши. Яъни, масалан, сотувчи сотилган ҳовли-жойда маълум муддат яшаб туришни шарт қилиши ёки сотилган от-улов ёки автомашинада маълум бир жойгача бориб олишни шарт қилиши каби. Чунки, Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (сафарда эканларида) унинг туясини сотиб олдилар, у туясида Мадинага етиб олишни шарт қилди (Бухорий (2718) ва Муслим (160) ривоятлари). Ушбу ҳадис от-уловни

муайян ўрингача миниб боришни истисно қилиб, сотиш жоизлигига далил бўлади. Бошқа нарсалар ҳам шунга қиёс қилинади.

Шунингдек, харидор сотилаётган товар устида бирор иш-хизматни шарт қилиши, яъни, масалан, ўтин сотиб олиб, уни маълум бир ўринга кўтариб олиб бориб беришни шарт қилиши ёки кийимлик сотиб олиб, уни тиктириб беришни шарт қилиши каби.

Иккинчиси: Фосид шартлар:

Бу қисм бир неча турлидир:

1) Ақдни таг-тугидан ботил қиладиган фосид шарт. Бунинг мисоли шуки, бирови иккинчисига бутунлай бошқа бир ақдни шарт қилади, яъни, масалан: «Сенга шу товарни сотдим, фақат шарти шуки, сен менга ҳовлингни ижарага берасан», дейди. Ёки: «Бу матони сенга мени фалон ишингда ёки уйингда шерик қилишинг шарти билан сотдим», дейди. Ёки: «Сенга бу матони менга фалон миқдордаги пулни қарз бериб туришинг шарти билан сотдим», дейди. Бундай шарт фосиддир, у ақдни таг-тугидан ботил қилади. Чунки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир байъ ичида иккита байъдан қайтарганлар (Термизий (1234), Насоий (4632) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар). Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ ушбу ҳадисни биз юқорида айтганимиз каби тафсир қилган.

2) Ўзи фосид бўлгани ҳолда байъни ботил қилмайдиган шарт. Масалан, харидор сотувчига агар товарда зиён кўрса, уни қайтариб беришини шарт қилиши ёки сотувчи харидорга шу матони сотиб юбормаслигини шарт қилиши каби ва ҳоказо.

Бу шарт фосид шартдир. Чунки, бу байънинг тақозосига зиддир. Байънинг тақозоси шуки, сотиб олган киши товарни ўзи истаганидек тасарруф қилишга ҳақли бўлиши керак. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ким Аллоҳнинг Китобида бўлмаган бир шартни шарт қилса, гарчи юзта шарт бўлса-да, ботилдир» (Бухорий (2155) ва Муслим (1504) Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилганлар). Бу ерда Аллоҳнинг китобидан мурод – Унинг ҳукмидир, бу эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини ҳам ўз ичига олади.

Ушбу шарт ботил бўлгани билан байъ ботил бўлмайди. Чунки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Барира қиссасида уни сотаётган эгаси агар озод этилса, унинг валийлигини ўзида сақлаб қолишни шарт қилганида ушбу шартни ботил санаганлар, лекин, ақдни ботил санамаганлар ва: «Валийлик фақат озод қилган кишига бўлади», деганлар (юқоридаги ҳадиснинг давоми).

Олди-сотди билан шуғулланувчи мусулмон киши байъга доир ҳукмларни ўрганиши, қандай шартлар дуруст, қандай шартлар нодуруст эканини билиб олиши, ўзи юритадиган

барча муомалотлар хусусида билимга эга бўлиши лозим. Шунда мусулмонлар ўртасидаги жанжал ва тортишувлар барҳам топади. Чунки, аксарият келишмовчиликлар сотувчи ё харидор олди-сотдига доир ҳукмларни билмаслигидан ва фосид шартларни шарт қилишидан келиб чиқади.

Байъда хиёр-ихтиёрли бўлиш ҳукмлари ҳақидаги боб

Ислом дини ҳамма нарсани ўз ичига олган, олийжаноб дин, у шарт-шароит ва манфаатларни ҳисобга олади, умматдан қийинчилик ва машаққатни кўтаради. Байъ қилувчи кишига ихтиёр берилишини машруъ қилганлиги унинг айни олийжаноблик кўринишларидан биридир. Чунки, бу билан байъ қилаётган нарсасини яхшироқ ўрганиши ва бу байъ ортидан келадиган манфаатларини ҳисоб-китоб қилиб олишига имконият туғилади, ўзи учун фойдали деб кўрган ишига қадам кўяди, фойдали деб билмаган ишидан четланади.

Байъдаги хиёр маъноси – икки ишдан бирини, яъни, байъда давом этиш ёки уни бузиш ўртасида ўзи учун яхши бўлганини ихтиёр қилиш ва танлаш имконияти демакдир.

Байъдаги хиёр саккиз қисмга бўлинади:

1) Мажлисдаги хиёр:

Яъни, олди-сотди бўлиб ўтган макондаги ихтиёр бўлиб, ҳар иккала байъ қилувчи (яъни, сотувчи ҳам, харидор ҳам) модомики, ўша ўринда турган бўлсалар ва ҳали ажрашиб кетмаган бўлсалар, савдони бузиш ёки қолдиришда ихтиёрли бўладилар. Бунга далил Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги ҳадисларидир:

عَنْ ابْنِ عُمَرَ ، رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا ، قَالَ : قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «الْبَيْعَانِ بِالْخِيَارِ مَا لَمْ يَنْفَرَا» .

«Агар икки киши байъ қилса, модомики ажрашмаган бўлсалар ва бирга турган бўлсалар, улардан ҳар бири ихтиёрлидир» (Бухорий (2112) ва Муслим (1531) Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар).

Аллома Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Шариат соҳибининг байъда мажлис хиёрини беришида байъ қилувчи ҳар икки томон учун манфаат ва ҳикмат бордир. Бундай қилиш билан Аллоҳ таоло: «Балки ўзаро ризолик билан бўлган савдо-сотик орқали мол-дунё касб қилингиз» (Нисо: 29) деган сўзлари билан шарт қилган ўзаро розилик ҳосил бўлади. Чунки, ақд бирданига, чуқур ўйламасдан ва қиймати ҳақида яхшироқ мулоҳаза қилмасдан воқеъ бўлади. Шундай экан, ушбу комил шариат тақозо қиладики, байъ ақди учун бир фурсат берилиши керакки, ҳар икки томон ушбу фурсат ичида яхшироқ ўйлаб олиши ва мулоҳаза қилиб олиши мумкин бўлади» (Иъламул-муваққиъийн:

3/164).

Ушбу ҳадис тақозосига кўра, байъ қилаётган ҳар икки томон модомики, шу ўринда турган бўлсалар ва байъ қилинган жойдан тарқалиб кетмаган бўлсалар, ҳар иккаласи ихтиёрли бўлади. Агар хиёрни соқит қилган бўлсалар, яъни, ихтиёр қилиш йўқ деб байъ қилган бўлсалар, ёки фақат улардан бири хиёрни соқит қилган бўлса, ҳар иккиси учун ёки хиёрни ўзидан соқит қилган киши учун байъда қолиш лозим келади. Чунки, хиёр байъ қилувчининг ҳаққи бўлиб, унинг соқит қилиши билан соқит бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «... модомики ажралмаган бўлсалар ёки бири иккинчисига ихтиёр берган бўлса», деганлар. Байъ қилувчилардан бири иккинчисидан хиёрни соқит қилиш қасдида тезроқ ажрашиб кетиши ҳаром бўлади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ «... وَلَا يَجِلُّ لَهُ أَنْ يُفَارِقَ صَاحِبَهُ خَشْيَةً أَنْ يَسْتَقْبِلَهُ».

Амр ибн Шуайб отасидан, у бобосидан (яъни, Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан) ривоят қилган ҳадисда борки: «(Байъни) бекор қилишидан кўрқиб, уни ташлаб кетиши унга ҳалол бўлмайди» (Абу Довуд (3456), Термизий (1247), Насоий (4483) ривоятлари).

2) Шарт хиёри:

Савдо ақди қилаётганда – ақднинг ичида ёки ақддан кейин

мажлис хиёри муддати ичида – маълум бир муддатни шарт қилиши. Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмонлар шартлари устидадирлар», деганлар (Абу Довуд (3594) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан, Термизий (1352) Амр ибн Авф розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар). Ундан ташқари бу Аллоҳ таолонинг: «Эй мўминлар, аҳдларга (ўзаро келишган битимларга) вафо қилингиз!» (Моида: 1) оятига дохил бўлади.

Байъ қилаётган икки кишининг фақат биттаси шарт қилиши ҳам дуруст бўлади. Чунки, ҳақ иккисиники, қандай келишиб олсалар жоиз бўлаверади.

3) Ғабн (алдов) хиёри:

Агар байъда одатдан ташқари алдов бўлган бўлса, сотувчи ёки олувчидан қай бири алданган бўлса, у байъни рад қилиш ёки қолдиришда ихтиёрли бўлади. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Бировга) зарар етказиш ҳам, (бир-бирига) зарар бериш ҳам йўқдир», деганлар (Ибн Можа (2340), Аҳмад (5/326, №22778) Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Яна у зот: «Мусулмон кишининг моли фақат унинг кўнгил хушлиги (розилиги) билангина ҳалол бўлади», деганлар (Аҳмад (5/73, №20695), Абу Яъло (3/140), №1570) Абу Ҳарра ар-Риқошийнинг амакиси розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар). Алданган одам ҳеч қачон алдангани сабабли кўнгли хуш бўлмайди. Агар алдов одатда қилинадиган

енгил алдовлардан бўлса, унда хиёр бўлмайди.

Алдов хиёри уч кўринишда бўлади:

Биринчи кўриниши: Карвонни кутиб олиш, яъни шаҳарга молини сотгани келаётган кишиларни йўлда кутиб олиш. Уларни кутиб олиб, молларини сотиб олса ва кейин уларни ортиқ даражада алдаб қўйгани маълум бўлса, улар учун хиёр (байни бузиш ёки қолдириш ихтиёри) бўлади. Чунки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Четдан келаётган молни кутиб олманглар. Ким уни кутиб олиб, ундан сотиб олса, унинг эгаси бозорга келгач, ихтиёрлидир», деганлар (Муслим (1519) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).

Демак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам четдан келтирилаётган товарни у сотиладиган бозор ташқарисида кутиб олишдан қайтардилар, мол эгаси бозорга келиб, молининг қийматини аниқлагач, байъни қолдириш ёки бузишда ихтиёрли бўлиши ҳақида амр қилдилар.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам карвон аҳлига, агар йўлда кутиб олинган бўлсалар, хиёрни собит қилдилар, чунки, бунда тадлис ва ғишш (алдов) тури бордир» (Мажмуъул-фатава: 20/557).

Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бу нарсани унда сотувчини алдаш борлиги туфайли ман қилдилар. Чунки,

сотувчи нархни билмагани ҳолда харидор ундан арзонгаровга сотиб олиши мумкин. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга бозорга кирганидан кейин хиёрни собит қилдилар.

Алдов содир бўлган ҳолда хиёрнинг собит бўлишида хилоф йўқ. Чунки, четдан мол келтираётган киши нархни билмагани учун харидор уни алдаб қўяди.

Шунингдек, сотувчи уларга (бозорга тушмасларидан туриб) бирон нарсани сотган бўлса, бозорга тушганларидан сўнг ўзларининг одатдан ташқари даражада алданганларини билишса, (бунда ҳам ихтиёрли бўладилар)» (Ат-турукул-ҳикамия: 352, 382-с).

Алдовдаги хиёрнинг иккинчи кўриниши:

Ножиш товарнинг нархини кўтариб қўйиши сабабли юзага келадиган алдов сурати. Ножиш – сотиб олиш мақсади бўлмагани ҳолда, бошқа бир киши қимматроқ нархда сотиб олиши учун товар нархини кўтариб сўрайдиган одамдир. Бундай қилиш ҳаромдир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Таножуш қилманглар» (яъни, сотиб олиш қасди бўлмаган ҳолда бошқа бировни қизиқтириш учун бирингиз бошқа бирингизнинг молини ошиқ нархда сўрамасин), деб бундай қилишдан қайтарганлар. Чунки, бунда харидорни алдаш ҳосил бўлади.

Ҳаром бўлган ножиш кўринишларидан яна бири – сотувчи:

«Бу молимни фалон нархга сўрадилар» ёки «буни ўзим фалон нархга олганман», деб ёлғон айтишидир.

Ҳаром бўлган ножишлик кўринишларидан яна бири – сотувчи харидор унинг айтганига яқинроқ нархда сотиб олсин деган мақсадда: «Буни фалон нархдан камига сотмайман», дейишидир. Масалан, беш сўмлик матосини саккиз-тўққизга сотиш мақсадида ўн сўмга сотаман, деб айтади.

У билан хиёр собит бўладиган алдов кўринишларидан учинчиси: мустарсил (яъни, нарх-навони ва савдолашишни билмайдиган одам)ни алдашдир.

Имом Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ҳадисда келганки:

«عَنْ جَابِرٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «غَبْنُ الْمُسْتَرْسِلِ رِيًّا».

«Мустарсилни алдаш рибодир» (Байхақий (5/439) Жобир, Анас, Алий розияллоҳу анҳумдан ривоят қилган). Мустарсил – нарх-навони билмайдиган ва савдолашишни эплай олмайдиган» (Ат-туруқул-ҳикамия: 353-с), балки кўнгли тозалигидан сотувчининг гапи ростлигига ишониб қоладиган одамдир. Агар ҳаддан ортиқ алданган бўлса, унга хиёр ҳаққи собит бўлади.

Ғабн ҳаром, чунки бунда харидорни алдаш бор.

Мусулмонларнинг бозорларида жорий бўлган ҳаром ишлардан бири шуки, баъзи одамларнинг бозорга мол

келтиришаётганидан хабар топган бозор аҳли уларнинг молини сўрамасликка келишиб оладилар ва ичларидан фақат бир кишини ўша молни савдолашиб олишга тайин қиладилар. Мол эгаси молига ортиқча нарх сўрайдиган одамни топмагач, уни ўша арзон нархда сотишга мажбур бўлади. Шундан сўнг бозор аҳли ўша товарни бўлишиб оладилар.

Бу – харом қилинган алдов ва зулмдир, мол эгаси буни билиб қолса, молини улардан қайтариб олишда ихтиёрли ва ҳақлидир.

Бу каби алдов ишларга қўл урадиган кишилар уни тарк қилишлари ва ундан тавба қилишлари лозим. Уларнинг бу қилмишидан хабардор бўлганлар буни инкор қилишлари ва масъул шахсларга етказиб, уларни бундан тийиб қўйишлари лозим бўлади.

4) Тадлис (айбни яшириш)даги хиёр:

Тадлис сабабли ҳам хиёр собит бўлади. Тадлис – айбли молни айбсиз қилиб кўрсатишдир. У «қоронғулик» маъносидаги «дулса» сўзидан олинган бўлиб, гўё сотувчи тадлис қилиш билан харидорни қоронғуликка киритиб қўйгандек бўлади ва харидор молни яхшироқ кўриб ололмайди. У икки хил кўринишда бўлади:

Биринчиси: Молнинг айбини яшириш.

Иккинчиси: Нархини ошириш учун уни чиройлироқ қилиб,

зийнатлаб кўрсатиш.

Тадлис харомдир, шариат харидорга молни қайтариб бериш ҳаққини берган. Чунки, харидор молни сотувчи унга қайси ҳолда кўрсатган бўлса, ўша ҳолича қабул қилиб сотиб олган бўлади. Молнинг унга айтилганидан бошқачалигини билганида эди, уни сотиб олмаган бўларди.

Тадлисга бир мисол – кўй-эчки, сигир ва туяни сотишга олиб чиқишдан олдин елинига сут тўплаш ва соғмаслик. Шунда харидор уни доим шундай серсут деб ўйлаб, сотиб олади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Туя ва кўйларнинг елинига сут тўпламанглар! Ким уларни сотиб олган бўлса, соғиб кўрганидан сўнг ихтиёрли бўлади, истаса олиб қолади, истаса бир соғ хурмо кўшиб қайтариб беради», деганлар (Бухорий (2148) ва Муслим (1515) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Харидор ва ижарачини алдаш учун айбли уйларни безаб, чиройли қилиб кўрсатиш, харидорни алдаш мақсадида минилган автоуловларни минилмаган, янгидек қилиб кўрсатиш ҳам тадлисга мисол бўлади.

Мусулмон киши рост сўзлаши ва ҳақиқатни очиқ айтиши лозим.

عَنْ حَكِيمِ بْنِ جَرَّامٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ- قَالَ «الْبَيْعَانِ بِالْخِيَارِ مَا لَمْ يَتَّفِقَا قَبْلَ أَنْ يَبَيَّنَا بُورِكَ لَهُمَا فِي بَيْعِهِمَا وَإِنْ كَذَبَا وَكُنَّا مُحِقَّتْ بِرَكَّةٍ».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Олувчи билан сотувчи модомики бир-биридан ажралмаган бўлса, (савдони бузиш-бузмасликда) ихтиёрлидирлар. Агар рўйи-рост сўзласалар ва (молнинг ёки тўлов ҳақининг камчилигини) очик айтсалар, байъларига барака берилади. Агар ёлғон гапирсалар ва ҳақни яширсалар, байъларининг баракаси ўчирилади», деганлар (Бухорий (2079) ва Муслим (1532) Ҳаким ибн Ҳизом розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар). У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам олди-сотдида рост сўзлаш барака сабаби эканини, ёлғон сўзлаш эса бараканинг ўчиши сабаби эканини хабар бердилар. Ростлик билан топилган пул оз бўлса-да, Аллоҳ таоло унга барака ато этади. Ёлғон билан топилган пул эса ҳар қанча кўп бўлмасин, баракаси ва яхшилиги бўлмайди.

5) Айб сабабли хиёр:

Яъни, сотувчи аввалдан айтмаган ёки сотувчининг ўзи ҳам билмаган, лекин товарда байъдан олдин мавжуд бўлгани аниқ бўлган бирон айб сабабли харидорга собит бўладиган ихтиёр.

Хиёр собит бўлиши учун сотилган молнинг баҳоси ўша айб сабабли пасайиб кетадиган ёки унинг ўзи нуқсонли бўлиб қоладиган бўлиши керак.

Буни билишда эътиборли тожирларга мурожаат қилинади.

Улар айб деб санасалар, хиёр собит бўлади, агар молнинг

бахосига ёки ўзига таъсир кўрсатадиган айб деб санамасалар, хиёр собит бўлмайди. Харидор савдодан кейин айбни билиб қолса, айб учун эваз олиб, яъни товарнинг айбсиз ҳолидаги баҳоси билан айбли ҳолидаги баҳоси ўртасидаги тафовутни қайтариб олиб, байъни давом эттириш ёки байъни бузиб, товарни қайтариб бериш ва тўлаган пулини қайтариб олиш ўртасида ихтиёрли бўлади.

б) Баҳосини айтиш сабабли ҳосил бўладиган хиёр:

Яъни, агар товарни ўзи сотиб олган баҳосида сотса ва унинг қанчалигини айтган бўлса, сўнг унинг нотўғри айтганлиги маълум бўлса, яъни унинг баҳоси у айтгандан кўра ошиқроқ ёки камроқ экани маълум бўлса;

Ёки: «Сени мана шу товарда ўзимга дастмоям билан шерик қилдим», деса;

Ёки: «Сенга шу товарни дастмоям устига шунча фойда билан сотдим», деса;

Ёки: «Сенга шу товарни ўзим сотиб олган нархидан шунча зиёнига сотдим», деса.

Мана шу тўрт ҳолатда агар дастмоя у айтганидан бошқача экани маълум бўлса, мазҳабдаги бир қавлга кўра, (харидор) байъда давом этиш ёки қайтариш ўртасида ихтиёрли бўлади.

Иккинчи қавлга кўра, бу ҳолатда харидорда ихтиёр бўлмайди ва ҳукм молнинг ҳақиқий баҳосига жорий бўлиб,

ортиқчаси ундан соқит бўлади, валлоҳу аълам.

7) Сотувчи билан харидор баъзи ишларда ихтилоф қилиб қолишлари сабабли собит бўладиган хиёр:

Яъни, масалан, нархнинг миқдорида ёки сотилган товарнинг ўзи ёки миқдорида ихтилоф пайдо бўлса;

Ёки унинг сифатида ихтилоф қилиб қолсалар ва ҳар иккисида ҳам ҳужжат бўлмаса, у ҳолда иккаласи бир-бирига қасам ичади, ҳар иккиси ўзининг даъвоси устида қасам ичади, шундан сўнг бири иккинчисининг сўзига рози бўлмаса, байъни бузишда ихтиёрли бўладилар.

8) Харидор товарни у ҳақда аввал билган маълумотига кўра сотиб олса-ю, кейин унинг сифати ўзгариб қолганини кўрса, собит бўладиган хиёр:

Бу ҳолда байъни қолдириш ёки бузишда ихтиёрли бўлади, валлоҳу аълам.

**Сотиб олинган нарсани ҳали қўлига етиб
келмасидан туриб тасарруф қилишга ва иқолага
доир аҳкомлар ҳақидаги боб**

Бу бобда – иншоаллоҳ – байъ қилинган товарни ҳали қўлга тегмасидан туриб тасарруф қилишнинг дуруст ва нодуруст жиҳатлари ҳақида баҳс юритамиз, сотиб олинган нарсанинг қабзи (яъни, қўлга етиб келиши) нима билан ҳосил бўлади

ва қачон саҳиҳ қабз, қачон носаҳиҳ қабз ҳисобланади, шуларни баён қиламиз.

Билингки, уламолар иттифоқиға кўра, байъ қилинган нарсани – агар у кайл (сиғим) билан ўлчанадиган бўлса, кайл билан ўлчаб, вазн билан ўлчанадиган нарса бўлса, тарозида тортиб, саналадиган нарса бўлса, санаб, зироъ (газ, метр) билан ўлчанадиган нарса бўлса газлаб ўлчаб олмагунча – тасарруф қилиш (яъни, сотиш, ҳадя қилиш ва ҳоказо) дуруст бўлмайди. Чунки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ «مَنْ اِتْبَاعَ طَعَامًا فَلَا يَبِغُهُ حَتَّى يَسْتَوْفِيَهُ».

«Ким бир егулик сотиб олган бўлса, уни тўла қилиб олмагунича сотмасин», деганлар (Бухорий (2126) ва Муслим (1525) Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар). Бир лафзда:

«حَتَّى يَقْبِضَهُ...».

«... ҳатто уни кўлиға олмагунича» (Бухорий (2136) ва Муслим (30/1525) ривоятлари), имом Муслимда:

«... حَتَّى يَكْتَالَهُ...».

«... ҳатто ўлчаб олмагунича» (31/1525).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо:

قَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ وَأَحْسِبُ كُلَّ شَيْءٍ مِثْلَهُ

«Ундан (яъни, егуликдан) бошқасини ҳам худди шундай деб ўйлайман», деганлар (Бухорий (2135) ва Муслим (1525) ривоятлари). Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда бу аниқ-тиник қилиб айтиб ҳам қўйилган:

فَإِذَا اشْتَرَيْتَ بَيْعًا ، فَلَا تَبِعْهُ حَتَّى تَقْبِضَهُ

«Агар бир байъни сотиб олсанг, то қўлингга келмагунича уни сотма» (Муснад Аҳмад (3/402, №15316), Ҳаким ибн Ҳизом розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган). Абу Довуд ривоят қилишича: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (сотиб олинган) матоларни тожирлар ўз яшаш жойларига келтирмасдан туриб, сотиб олинган ўрнида сотиб юборишдан қайтарганлар» (Абу Довуд (3499) Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган).

Шайхулислом Ибн Таймия ва у кишининг шогирдлари Ибнул Қаййим раҳимаҳумаллоҳ айтадилар: «Қўлга келмаган нарсани сотишдан қайтаришдаги иллат (сабаб) шуки, харидор уни қабул қилиб ололмай қолади. Чунки, сотувчи харидорнинг қўлига топшириши ҳам, топширолмаслиги ҳам мумкин. Айниқса, (сотувчи) агар харидорнинг бундан яхшигина фойда кўришини билса, у байъни ё инкор қилиш билан, ё бирон ҳийла билан бекор қилишга ҳаракат қилиб қолади. Бу эса кишининг ўз кафолати остига ўтмаган нарсани сотиб фойда қилишидан қайтарган ҳадис билан яна-да таъкидланди» (Мазкур

ҳадисни Абу Довуд (3504), Термизий (1237), Насоий (4630), Ибн Можа (2187) Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар, «Ал-фатавал-кубро: 5/390, «Таҳзибус-сунан: 9/281).

Мусулмонлар бу айтилганларга риоя қилишлари фарз бўлади. Агар мусулмон киши бирон матони сотиб олса, то кўлига тўла ўтмагунича уни сотиш ё бошқа тасарруфларни қилишга қўл урмасин. Бунга жуда кўп одамлар бепарволик қилишади ёки ўзларини билмагандек тутишади, товарларни сотиб олиб, ҳали қўлларига етмай туриб, сотиб юборишади. Ёки қўлларига етиши ҳақиқий қабз (қўлга тегиш) ҳисобланмайдиган нуқсонли ҳолда бўлади. Яъни, моллар ҳали сотиб олинган жойда тургани ҳолда уларнинг қопларини ёки қутиларини санаб оладилар-да, бориб, бошқа бировга сотиб юборадилар. Бу саҳиҳ қабз саналмайди ва харидор бу ҳолда молни тасарруф қилишга ҳақли бўлмайди.

Агар сиз: «Харидорга молни тасарруф қилишига имкон берадиган саҳиҳ қабз қандай бўлади?» деб сўрасангиз, бунга қуйидагича жавоб берамиз:

Молни қабул қилиб олиш унинг нави турлича бўлишига қараб фарқланади, ҳар бир нави ўзига муносиб келадиган кўринишда қабз (қабул) қилинади.

Агар мол кайл (сиғим ўлчов бирлиги) билан ўлчанадиган бўлса, уни кайл билан ўлчаб, вазн билан ўлчанадиган бўлса,

тарозида тортиб, зироъ (газ – узунлик ўлчов бирлиги) билан ўлчанадиган бўлса, газ билан ўлчаб олиш билан ҳамда ушбу молни харидорнинг жойига етказиш билан бўлади.

Агар кийим-кечак, ҳайвонлар, автомашиналар бўлса, уларни харидорнинг маконига келтириш билан бўлади.

Агар мол қўлга тегиши керак бўлган, жавоҳирлар, китоблар ва шу каби нарсалар бўлса, унинг қабзи харидорнинг қўлига тегиши билан бўлади.

Агар мол жойидан жилиши имконсиз бўлган, уй-жой, ер-мулк ва дарахтидан узилмаган мева каби нарса бўлса, унинг қабзи бўшатиб қўйиш билан, яъни, харидор уни тўла тасарруф қила оладиган даражада унга ўша нарсанинг йўлини бўшатиб қўйиш билан бўлади.

Уй-жойни топшириш унинг эшигини очиб қўйиш ёки калитини топшириш билан бўлади.

Юқорида сотиб олинган молни шариатда мўътабар бўлган кўринишда қўлга тегмасидан туриб тасарруф қилишдан қайтарувчи ҳадислар ўтди. Чунки, бунда сотувчининг ҳам, харидорнинг ҳам манфаати бор бўлиб, одамлар ўртасида келиб чиқаётган кўпгина келишмовчиликлар ва жанжалларнинг олдини олади. Бундай келишмовчиликлар одатда қабзга бепарво қараш, харидор сотиб олган моли ҳақида қайғурмаслиги ва уни аввал тўла қабул қилиб олиб, сотувчининг қўлидан тамомила ажратиб олиб, кейин

тасарруф қилишга қасд қилмаслиги орқасидан келиб чиқади. Мусулмон киши бу борада хушёр бўлиши ва шариат кўрсатмаларига риоя қилиши зарур.

Жуда кўпчилик одамлар ҳозирда сотиб олинган молларнинг қабзи ҳақида бепарволик қилишади ва ҳали қўлга тегмасидан туриб тасарруф қилишга киришадилар, бу билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қайтарган ишни қилган бўладилар. Охир-оқибат, жанжал ва хусуматларга тушиб қолишади, мол улар айтганидан бошқача чиқиб қолганидан сўнг уни тасарруф қилиб қўйишганига надомат қилишга бошлайдилар. Ишлари чигаллашиб, ундан қутулиб чиқиб кетолмай қоладилар, бир-бирини қозима-қози судраб юрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқларига хилоф қилган кишининг иши ана шундай бўлади, бундай ишнинг охири пушаймонлик билан тугайди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундаган ва тарғиб қилган ишлардан яна бири – олди-сотди қилган кишилардан бирлари қилган байъидан пушаймон бўлган ёки ўша сотиб олган нарсасига эҳтиёжи йўқ экани маълум бўлиб қолган ёки унинг пулига қийналиб қолган пайтда иккинчилари унга иқола қилиши – яъни, байъни бузишига рухсат ва имконият беришидир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ، قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : مَنْ أَقَالَ مُسْلِمًا

، أَقَالَهُ اللَّهُ عَشْرَتَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ

«Ким бир мусулмонга иқола қилса (яъни, унга сотган нарсасини қайтариб олса), Аллоҳ таоло қиёмат куни унинг гуноҳини иқола қилади (яъни, кечади)» (Абу Довуд (3460), Ибн Можа (2199) Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилганлар).

Иқоланинг маъноси – савдо ақдини бекор қилиш ва ҳар икки тараф ҳам байъдан бирон зиёдалик ёки нуқсонсиз (яъни, мол эгаси ўз молини, харидор эса пулини ўз ҳолида олиб) қайтишларидир. Зарурат пайтидаги иқола – мусулмон кишининг мусулмон биродари устидаги ҳақларидандир. Шу билан бирга у гўзал муомала турларидан ва иймоний биродарлик тақозоларидан саналади.

Рибо ва унинг ҳукми баёнидаги боб

Рибо, яъни судхўрлик – барча шариатлар унинг ҳаромлигига ижмоъ қилган ва Аллоҳ таоло у билан шуғулланувчига қаттиқ азоб ваъдасини берган бир ишдир.

Аллоҳ таоло айтади: «Судхўр бўлган кимсалар (Қиёмат Кунида қабрларидан) турмайдилар, магар жин чалган мажнун каби турадилар» (Бақара: 275). Уларнинг қиёмат куни қабрларидан тутқаноқ тутгандай бир ҳолда туришларига сабаб дунёда еган риболари сабабли қоринлари шишиб кетгани учундир.

Аллоҳ таоло рибонинг ҳаромлигини билганидан кейин ҳам яна уни ейишга қайтадиган кимсаларни дўзахда абадий қоладиган кимсалар бўлиши хабарини берди: «Ва ким (судхўрликка) қайтса, ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажаклар» (Бақара: 275).

Аллоҳ таоло судхўрликнинг баракасини ўчириб юборишини ҳам хабар берди: «Аллоҳ судхўрликнинг (фойдасини) йўқ қилади» (Бақара: 276). Яъни, Аллоҳ таоло рибо аралашган молнинг баракасини ўчиради, судхўрнинг моли ҳар қанча кўпаймасин, унда барака ва яхшилик бўлмайди, балки у ўз эгаси учун бало бўлади, дунёда машаққат, охиратда азоб келтиради.

Аллоҳ таоло судхўрни кўрнамак ва жинойтчи деб таърифлади: «Аллоҳ ҳар қандай (судхўрликни ҳалол деб биладиган) кўрнамакни ва (судхўрлик қиладиган) жинойтчини севмайди» (Бақара: 276). У судхўрни яхши кўрмаслигини айтди. Аллоҳ таолонинг муҳаббатидан маҳрумлик Унинг ғазаби ва азобига лойиқликни билдиради.

Биз «кўрнамак» деб келтирган сўз оятда «каффор» лафзи билан келган. Каффор – ҳаддан ташқари куфрони неъмат қилувчи маъносида бўлиб, рибо кишини диндан чиқариб юбормайдиган даражадаги куфрдир. Судхўр Аллоҳнинг неъматига куфр келтирувчи кўрнамакдир. Чунки, у ожизга раҳм қилмайди, фақирга ёрдам кўрсатмайди, қийналиб қолган одамга фурсат ва имконият бермайди.

Ёки каффордан мурод – агар бундай кимса рибони ҳалол санаса, диндан чиқарувчи куфрдир.

Аллоҳ таоло мазкур оятда уни жинойтчи деб атади. Чунки, судхўр моддий ва ахлоқий жинойтларга ботган жинойтчидир.

Аллоҳ таоло судхўрга Ўзи ва Пайғамбари томонидан уруш эълон қилди. Чунки, у судхўрликни тарк қилмаса, Аллоҳ ва Расулининг душмани бўлиб қолади. Шунингдек, Аллоҳ уни золим деб сифатлади: «Эй мўминлар, Аллоҳдан кўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангизлар, судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз. (Яъни одамларга берган қарзларингиздан чиқадиган фойдани олмангиз.) Энди агар (фармонимизни) қилмасангиз, у ҳолда Аллоҳ ва пайғамбари томонидан бўлган урушни билиб қўйинг! Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга — золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз (Бақара: 278, 279).

Ҳадисларда ҳам судхўрга нисбатан қаттиқ огоҳлантирувлар келган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам рибони еттита ҳалок қилувчи катта гуноҳлар қаторида санаганлар (ушбу маънодаги ҳадисни Бухорий (2766) ва Муслим (89) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рибо егувчини ҳам, унга рибо берувчини ҳам, котибини ҳам, гувоҳларини

ҳам лаънатлаганлар ва: «Улар барчаси (гуноҳда) баробардир», деганлар (Муслим (1598) Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).

У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Киши билиб туриб ейдиган бир дирҳам рибо Аллоҳ наздида ўттиз учта зинодан – бир ривоятда: ўттиз олтита зинодан – қаттиқроқдир», деганлар (Аҳмад (5/225, №21957, 21958), Дорақутний (3/16), Табароний «Ал-авсат»да (3/124, №2682) Абдуллоҳ ибн Ҳанзаладан ривоят қилганлар).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна айтганлар: «Судхўрликнинг етмиш икки даражаси бор бўлиб, энг пасти Исломда бўла туриб ўз онасининг номусига тажовуз қилган кабидир» (Ибн Можа (2274) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).

Шайхулислов Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Рибонинг ҳаромлиги қиморнинг ҳаромлигидан қаттиқроқ. Чунки, судхўр кимса муҳтож одамдан зиёда пулни аниқ олади, аммо қиморбозга бу нарса баъзан ҳосил бўлади, баъзан ҳосил бўлмайди» (Мажмуъул-фатава: 20/341).

Сўнг у рибонинг муҳаққақ зулм эканини, сабаби, бунда қиморнинг зидди ўлароқ, бойнинг камбағал устидан ҳукмронлик қилиши борлигини, чунки рибода камбағал бойдан қарз олишини, қиморда эса ҳар икки қиморбоз бой-камбағалликда баробар ҳам бўлиши мумкинлигини баён қилиб, сўзининг давомида шундай дейди: «У молни

ботил йўл билан ейишдир, шу боис Аллоҳ уни ҳаром қилди. Лекин, унда муҳтожга зулм қилиш ва зарар етказиш рибо даражасида эмас. Маълумки, муҳтожга зулм қилиш муҳтож бўлмаган кишига зулм қилишдан оғирроқдир» (Мажмуъул-фатава: 20/341, 347).

Судхўрлик яҳудларнинг сифатларидан бўлиб, бу сифатлари уларни давомий ва абадий лаънатга дучор этган. Аллоҳ таоло айтади: «Яҳудий бўлган кимсаларнинг золимликлари ва кўп кишиларни Аллоҳ йўлидан-тўсганлари сабабли, яна манъ этилган бўлсалар-да, судхўрлик қилганлари ва одамларнинг молларини ноҳақ еганлари сабабли уларга олдин ҳалол қилинган нарсаларни ҳаром қилиб қўйдик. Ва улардан кофир бўлган кимсалар учун аламли азобни тайёрлаб қўйдик (Нисо: 160, 161).

Судхўрликнинг ҳаром қилиниши остидаги баъзи ҳикматлар:

- Унда одамларнинг молларини ноҳақ ейиш бор. Чунки, судхўр одамлардан фойда олади, бироқ бунинг муқобилида уларни фойдалантормайди.
- Унда камбағал ва муҳтожларга зарар етказиш бор. Чунки, қарзни тўлашга ожизликлари туфайли бўйинларидаги қарзлари бир неча баробар бўлиб кўпайиб бораверади.
- Унда одамлар ўртасидаги маъруфни (яъни яхшилиқни) узиш бор, қарзи ҳасана эшигини ёпиш ва камбағалнинг елкасини эзиб юборадиган фойда эвазига қарз бериш

эшигини очиш бор.

- Унда инсоният учун манфаат келтирадиган касб-хунарлар, тижоратлар ва тирикчилик йўллари йўқотиш бор. Чунки, судхўр ҳеч қандай ҳаракат ва меҳнатсиз молига мол кўшилиб боришини кўргач, меҳнат билан пул топиш йўлларидан воз кечади. Аллоҳ таоло одамларнинг тирикчиликдаги ўзаро муомала йўлини ҳар бир киши бошқа бир кишидан фойдаланиши у учун адо этадиган бир амал муқобилига ёки унинг молига тўлайдиган ҳақ эвазига қоим бўладиган қилди. Рибо бу нарсалардан холидир. Чунки, у молни бир киши тарафидан бошқа бир кишига ҳеч қандай амал ва пулдан бўлган муқобаласиз ва эвазсиз берилишидир.

Рибонинг луғавий маъноси «зиёдалик» бўлиб, шариатда махсус нарсалардаги зиёдалик маъносида истеъмол қилинади. Рибо икки қисмга: насия рибоси ва фазл рибосига бўлинади.

Насия рибосининг баёни:

Насия – «кечиктириш» маъносидаги «насъун» сўзидан олинган бўлиб, насия рибоси икки хил бўлади:

Биринчиси: Қарзни тўлашга қурби етмаган одамнинг қарзини ошириб қўйиш. Жоҳилият даврида рибонинг асли шу эди. Яъни, бир кишининг бошқа бировда маълум муҳлатга берилган қарзи бўлса, ўша муҳлат келганида, ҳақ

эгаси унга: «Қарзингни тўлайсанми ёки кейинроқ зиёдаси билан берасанми?», дер, агар тўлашга имконияти бўлмаса, муҳлатни кечиктириб, эвазига тўланажак миқдорни ошириб қўярди. Шу билан қарздорнинг зиммасида қарзи кўпайиб бораверарди. Аллоҳ таоло шу ишни ҳаром қилди ва: «Агар (қарздор) ночор бўлса, бойигунча кутинг!», деб буюрди (Бақара: 280). Қарзни тўлаш муҳлати келганда агар қарздор ночор одам бўлса, унинг қарзига қарз қўшиб қўйиш ножоиз бўлиб, беришга қодир бўлишини кутиш лозим бўлади.

Қарзини тўлаш имконияти бор одам эса уни тўлаши лозим бўлиб, бу ҳолда қарзига қарз қўйишга ҳожат қолмайди.

Иккинчиси: Фазл рибоси иллатида бир хил бўлган икки жинс(даги нарса)нинг ҳар бирининг савдосида бўлган, шу билан бирга уларнинг ҳар иккисини ёки биттасини қўлга тегишини кечиктириш билан бўлган рибо. Масалан, тиллани тиллага, кумушни кумушга, буғдойни буғдойга, арпани арпага, хурмони хурмога, тузни тузга (бирини иккинчисидан ортиқроқ қилиб) алмаштириш каби. Шунингдек, ушбу санаб ўтилганлардан бир жинсини бошқа жинсга насиёга (яъни, пулини кейинроқ беришга) сотиш ҳам шундай. Иллатда (яъни сабабда) мана шу нарсаларга шерик бўлган нарсалар ҳам уларнинг ҳукмини олади.

Фазл рибосининг баёни:

Фазл рибоси иккита нарсани бир-бирига алиштиришдаги

ортиқчаликни англатади.

Шариат соҳиби унинг олтита нарсада ҳаром эканлигига очик далил келтирган, улар: тилла, кумуш, буғдой, арпа, хурмо ва туздир. Мана шу нарсалардан бирортасини айна ўзининг жинсидаги нарсага ўртада зиёдалик билан алмаштириш ҳаромдир.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - «الذَّهَبُ بِالذَّهَبِ وَالْفِضَّةُ بِالْفِضَّةِ وَالْبُرُّ بِالْبُرِّ وَالشَّعِيرُ بِالشَّعِيرِ وَالتَّمْرُ بِالتَّمْرِ وَالْمِلْحُ بِالْمِلْحِ مِثْلًا بِمِثْلٍ يَدًا بِيَدٍ فَمَنْ زَادَ أَوْ اسْتَرَادَ فَقَدْ أَرَبَى الْآخِذُ وَالْمُعْطَى فِيهِ» «سَوَاءٌ»

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда айтилади: «Тиллани тиллага, кумушни кумушга, буғдойни буғдойга, арпани арпага, хурмони хурмога, тузни тузга бир хилда, теппа-тенг ва қўлма-қўл қилиб (алмаштирилади)» (Муслим (1587) ва Аҳмад (5/320, №27727) ривоятлари).

Ушбу ҳадис тилланинг барча турларини – зарб қилинган бўлсин ё бошқача бўлсин – бир-бирига, шунингдек, кумушнинг барча турларини бир-бирига фақат бир хилда, тенгма-тенг ва қўлма-қўл қилибгина алиштириш ё сотиш мумкинлигига далил бўлади. Худди шунга ўхшаш, буғдойни буғдойга, арпани арпага, хурмони хурмога барча турлари билан ва тузни тузга фақатгина бир хилда, тенгма-тенг ва қўлма-қил қилибгина алиштириш мумкин.

Иллатда (яъни, белги ёки сабабда) ушбу олтита нарсага

шерик бўлган бошқа нарсалар ҳам уларга қиёс қилинади ва жумхур аҳли илмлар наздида уларни ҳам ўртада зиёдалик билан алиштириш ҳаром бўлади. Бироқ, улар иллатнинг ҳаддини (чек-чегарасини) белгилашда ихтилоф қилишган.

Саҳиҳ гап шуки, иккала пул (тилла ва кумуш)даги иллат унинг баҳо-тўлов (моддаси) эканидир. Шу боис ҳозирги даврда тўлов вазифасини ўтайдиган қоғоз пуллар ҳам уларга қиёс қилинади ва жинси бир бўлган, яъни, битта давлатда босиб чиқарилган пулни бир-бирига ўртада зиёдалик билан алиштириш ҳаром бўлади.

Саҳиҳ гап шуки, олтита нарсанинг бу иккисидан бошқа турларидаги – буғдой, арпа, хурмо ва туздаги иллат кайл (сиғим ўлчови) ёки вазн (оғирлик ўлчови) ҳамда уларнинг егулик эканлигидир. Демак, мана шу иллатда уларга шерик бўлган, яъни, сиғим ёки оғирлик ўлчови билан ўлчанадиган егулик нарсаларга ҳам шу ҳукм ўтади ва уларда ҳам бир хил нарсани ортиқчаси билан алиштириш ҳаром бўлади.

Шайхулислам Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Фазл рибосининг ҳаромлигидаги иллат – унинг кайл ёки вазн билан ўлчаниши ва егулик эканидир бу Аҳмаддан ривоятдир» (Ал-фатавал-кубро: 5/391).

Бинобарин, мана шу олтита нарсага уларнинг иллатида шерик бўлган, яъни, кайл (сиғим ўлчови) билан ўлчанадиган егулик ёки вазн (оғирлик ўлчови) билан ўлчанадиган егулик ёки баҳо-тўлов илллати топилган пулга

рибо киради.

Агар мазкур иллатга жинснинг бир хиллиги ҳам қўшилса, масалан, буғдойни буғдойга алмаштирилса, унда ўртада зиёдалиқ қўшиш ва ўташ муддатини кечиктириш ҳаром бўлади. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тиллани тиллага, кумушни кумушга, буғдойни буғдойга, арпани арпага, хурмони хурмога, тузни тузга бир хилда, теппа-тенг ва қўлма-қўл қилиб (алмаштирилади)», деганлар (Муслим (1587) ва Аҳмад (5/320, №27727) ривоятлари).

Игар иллат бир бўлса-ю, жинси бошқа бўлса, буғдойни арпага алмаштириш каби, бунда ўташ муддатини кечиктириш ҳаром бўлади, ўртада зиёда қўшиб бериш жоиз бўлади. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам юқоридаги ҳадиснинг давомида шундай деганлар: «Агар бу нарсаларнинг тури ҳар хил бўлса, қўлма-қўл бўлса, қандай истасангиз, шундай сотинглар (алмаштиринглар)» (Муслим (1587), Абу Довуд (3350), Термизий (1240) Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар). «Қўлма-қўл» деганни маъноси – ҳали иккаласи бир-биридан ажралиб кетмаган ҳолда, ўша мажлиснинг ўзида берилиши лозим, деганидир.

Агар иллат ҳам, жинс ҳам ҳар хил бўлса, масалан, тиллани буғдойга, кумушни арпага алиштира, ҳар икки иш ҳам, яъни, ўртада зиёдалиқ қўшиш ҳам, тўлаш муддатини кечиктириш ҳам жоиз.

Шуни ҳам билиш керакки, кайл билан ўлчанган нарсани ўз жинсига фақат кайл билан ўлчаб алмаштирилади, вазн билан ўлчанган нарсани ўз жинсига фақат вазн билан ўлчаб алмаштирилади. Чунки, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Тиллани тиллага баробар оғирликда, кумушни кумушга баробар оғирликда, буғдойни буғдойга баробар сиғимда, арпани арпага баробар сиғимда (алмаштинглари)» (Муслим (1584) ва Аҳмад (9/3, №11062) Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоятлари). Чунки, шаръий меъёри бир-биридан фарқли бўлган нарсаларда баробарлик вужудга келмайди. Шундай экан, кайл-сиғим билан ўлчанадиган нарсани ўз жинсига ўлчамасдан, таваккалига алмаштириш, тарози билан ўлчанадиган нарсани ўз жинсига ўлчамасдан, таваккалига алмаштириш жоиз бўлмайди, чунки, бунда баробарлик маълум бўлмайди. Баробарликнинг маълум бўлмаслиги ўртада ортиқчалик борлигини билиш билан бир хилдир.

Пул алмаштириш – яъни, бир пулни иккинчи пулга сотиш масаласига келсак, бунда пулнинг жинси хоҳ бир хил бўлсин, хоҳ бошқача бўлсин, хоҳ у пул тилла ё кумуш бўлсин, хоҳ ҳозирги замонда муомалада бўлган қоғоз пуллар бўлсин, фарқсиз, тилла ва кумушнинг ҳукмини олади. Чунки, рибо иллатида, яъни, баҳо-тўлов бўлишда тилла-кумушга шерик бўлди.

Агар бир турдаги пул ўз жинсига сотилса, яъни, тиллани тиллага ёки кумушни кумушга ёки қоғоз пулни ўз

жинсидаги қоғоз пулга алмаштирилса, масалан, долларни долларга, саудий қоғоз риёлни саудий қоғоз риёлга алмаштирилса, миқдорда баробарлик ва қўлма-қўл қилиб алмаштириш лозим бўлади.

Агар бир пулни ўз жинсидан бўлмаган бошқа бир пулга алмаштирилса, масалан, саудия риёлини америка долларига ёки тиллани кумушга алмаштирилса, бунда фақат битта нарса, яъни, ўрнида қўлма-қўл қилиб алмаштириш шарт бўлади, миқдорда эса ортиқ-камлик жоиз бўлади.

Шунингдек, агар тилла тақинчоқни кумуш дирҳамларга ёки қоғоз пулга сотилса ёки кумуш тақинчоқни тиллага сотилса, бунда ҳам фақат қўлма-қўллик шарт бўлади.

Аммо, агар тилла тақинчоқни тилла пулга, кумуш тақинчоқни кумуш пулга сотилса, бунда ҳар иккала иш, яъни, ҳам баробар оғирликда бўлиши, ҳам қўлма-қўл бўлиши лозим бўлади.

Рибонинг хатари жуда катта, бундан фақат унинг ҳукмларини яхши билиш билангина сақланиш мумкин. Унинг ҳукмларини мустақил равишда билишга қодир бўлмайдиган киши аҳли илмлардан сўраб ўрганиши лозим. Бирон бир молиявий муомалага қадам қўйишдан олдин албатта унинг рибодан холи эканига ишонч ҳосил қилиш керак бўлади. Кишининг дини шу билан саломат бўлади ва Аллоҳнинг судхўрларга ваъда қилган азобидан қутулиб қолади. Одамлар қилаётган ишларга кўр-кўрона эргашиб

кетиш ярамайди. Хусусан, ҳаром-ҳариш йўллар билан тирикчилик қилишга бепарволик кучайган ҳозирги даврда бунга аҳамият бериш айниқса зарурдир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар беришларича, охирги замонда судхўрлик кўпайиб кетади, бир одам судхўрлик қилмаса ҳам, унга унинг ғубори етади (Абу Довуд (3331), Насоий (4455), Ибн Можа (2278) Аҳмад (2/494, №10410) Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Замонавий рибо муомалаларидан бири – қарздор одам қарзини тўлаш муддатида тўлашга қодир бўлмаса, унинг қарзига маълум фоиз қўшилиб туриши эвазига тўлаш муддатининг узайтирилишидир. Бу жоҳилият давридаги рибонинг айна ўзи бўлиб, мусулмонлар унинг ҳаромлигига ижмоъ-иттифоқ қилганлар. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди: «Эй мўминлар, Аллоҳдан кўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангизлар, судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз. (Яъни одамларга берган қарзларингиздан чиқадиган фойдани олмангиз.) Энди агар (фармонимизни) қилмасангиз, у ҳолда Аллоҳ ва пайғамбари томонидан бўлган урушни билиб қўйинг! Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга — золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз. Агар (қарздор) ночор бўлса, бойигунча кутинг!» (Бақара: 278-280).

Ушбу ояти каримада рибонинг мазкур тури билан шуғулланувчиларга бир неча таҳдидлар келди:

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бандаларига «Эй мўминлар!» деб иймон сифати билан хитоб қилди, сўнг: «агар чиндан мўмин бўлсангизлар», деди. Бу эса рибо билан шуғулланиш мўминларга нолайиқ эканига далолат қилади.

Аллоҳ таоло: «Аллоҳдан кўрқингиз!», деди. Бу эса рибо билан шуғулланувчи киши Аллоҳдан кўрқмаслигига ва тақво қилмаслигига далолат қилади.

Аллоҳ таоло: «судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз», деди. Рибони тарк қилишга бўлган бу буйруқ вужубни (яъни, тарк қилиш фарзлигини) ифодалайди ва рибо билан шуғулланиш Аллоҳга осий бўлиш эканига далолат қилади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло рибо билан шуғулланишни ташламаган кишига уруш эълон қилди: «Энди агар (фармонимизни) қилмасангиз, у ҳолда Аллоҳ ва пайғамбари томонидан бўлган урушни билиб қўйинг!». Яъни, билиб қўйингларки, сизлар Аллоҳ ва Расулига қарши урушга кирдингизлар.

Судхўрни золим деб аталди. Бу Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти маъносидан билинади: «дастмойнгиз ўзингизга — золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз».

Судхўрлик муомалаларидан яна бири – фойда (яъни, фоиз) эвазига қарз беришдир. Яъни, бир одам бировга қарз беришида маълум бир фоиз билан қайтаришини шарт қилиб қўяди. Рибонинг ушбу тури ҳозирда асосан банк

тизимларида қўлланилади. Яъни, банклар эҳтиёжманд кишилар билан, тижоратчилар, турли касб-хунар эгалари билан қарз шартномаси тузадилар ва уларга йиллик маълум фоиз фойда эвазига пул қарз берадилар. Белгиланган муддатда қарзни тўлашдан кечикиш ҳолатида фоиз миқдори ошиб боради ва бунда рибонинг икки тури – фазл рибоси ва насия рибоси жамланади.

Судхўрлик муомалаларидан яна бири – банкларга маълум фоиздаги фойда эвазига омонат қўйишдир. Бунда қўйилган омонат суммаси маълум муддат банкда туради ва то муддат яқунлангунича банк ундан фойдаланиб туради, эвазига омонат эгасига йиллик маълум фоиз қўшимча қўшиб беради.

Судхўрлик муомалаларидан яна бири – ийна байъидир. Бунинг маъноси шундайки, бир киши бировга бирор молни насияга сотади, сўнг ўша одамдан арзонроқ баҳода нақд пулга қайта сотиб олади. Байънинг бу тури рибога эришиш учун қилинадиган бир ҳийла деб кўрилади. Рибонинг бу туридан қайтарувчи кўплаб ҳадислар келган. Жумладан, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Агар ийна (рибо) билан савдо-сотик қилсангиз, сигирларнинг думини тутсангиз ва фақат экин-тикин билан машғул бўлиб, жиҳодни тарк қилсангиз, Аллоҳ сизларга хорликни келтириб қўяди ва то динингизга қайтмагунларингизча, уни устингиздан кўтармайди» (Абу Довуд (4362), Аҳмад (2/42, №5007) Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят

қилганлар). Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Одамларга бир замон келадики, байъда рибони ҳалол санайдилар» (Хаттобий «Ғарибул-ҳадис»да Авзойи орқали келтирган. Ибнул Қаййим «Таҳзибус-сунан»да бу ҳадисни зикр қилиб: «Бу агарчи мурсал бўлсада, у билан қувватланишга яроқлидир. Хусусан, уни қувватловчи марфуъ ҳадис ҳам келган», дейди).

Мусулмон биродар! Молиявий муомалаларингизга судхўрлик кириб қолишидан ва молларингизга рибо аралашиб қолишидан эҳтиёт бўлинг. Чунки, судхўрлик билан шуғулланиш энг катта гуноҳлардан саналади. Қай бир қавмда рибо ва зино ёйилса, улар ичида фақирлик, бедаво касалликлар ва султоннинг зулми ғолиб бўлади. Рибо молларни ҳалок қилади, баракасини ўчиради.

Аллоҳ таоло судхўрлик билан шуғулланувчиларга қаттиқ азобларни ваъда қилган, судхўрликни энг ҳабис ишлардан ва гуноҳи кабиралардан санаган, судхўрнинг дунё ва охиратдаги уқубатини баён қилган ва уни Аллоҳу Расулига қарши урушга кирувчи деб эътибор қилган. Судхўрликнинг дунёдаги уқубати – у молнинг баракасини ўчиради ва уни завол ва талафотга дучор этади. Қанча-қанча катта пул-молларнинг ёниб ё чўкиб йўқ бўлиб кетганига, уларнинг эгалари синиб, камбағаллашиб қолганига гувоҳ бўлинади.

Мабодо судхўрлик билан топилган моллар эгаларининг

қўлида йўқ бўлмай турган тақдирда ҳам, барибир уларнинг баракаси бўлмайди, ундан деярли фойдалана олмайдилар, аксинча, уларнинг оғирлиги доим эзиб туради, бўйинларида уларнинг ҳисоб-китоби бор ва азобини тотадилар.

Судхўрни Аллоҳ ҳам, бандалар ҳам ёмон кўради. Чунки, у олади-ю, бермайди, жамғаради-ю, тарқатмайди, инфоқ-эҳсон қилмайдиган бахил, хасис, курумсоқдир. Қалблар ундан нафратланади, жамият уни тарк қилади. Бу унинг шу дунёда кўрадиган азобидир. Охиратдаги азоби эса Аллоҳ таоло баён қилганидек, қаттиқроқ ва боқийроқдир.

Асллар (кўчмас мулк) байъига доир аҳкомлар ҳақидаги боб

Асллар, яъни кўчмас мулклар – ҳовли-жойлар, ер-мулклар, дарахтлар ва уларга тааллуқли бўлган нарсалар сотилгач, мазкур аслларга тобеъ бўлганлари (яъни, одатда улардан ажралмайдиган ва уларнинг бир қисми ҳисобланадиганлари) харидорнинг мулкига айланади, тобеъ бўлмаганлари эса сотувчининг мулкида қолади. Бу нарсаларни билиш билан икки тараф ўртасида юзага келиши мумкин бўлган низолар олди олинади ва ҳар икки тараф ўзига тегишли бўлган ва бўлмаган нарсаларни билиб олади. Чунки, динимиз биз учун манфаат ёки зарар бўлган нарсалардан ҳеч нарсани қолдирмай баён қилиб берган. Агар бу дин татбиқ қилинса ва унинг аҳкомлари ҳаётга

кўчса, низо ва хусуматларга ўрин қолмас эди.

Биз ҳозир сўз юритмоқчи бўлган мавзу ҳам шулар жумласидандир. Инсон баъзан ўзининг мол-мулкидан биронтасини сотади, шунда бу нарсага тегишли бўлган, унга тобеълар, унинг қўшимчалари ва унинг ичидаги қулайлик воситалари ёки ўша нарсага бириккан ё ундан ажралган ҳолда ўсиб-кўпайиб турган нарсалар масаласи ўртага чиқади, сотувчи ва харидор ўртасида бу нарсалардан қай бирига қайсилари ҳақли бўлишлари хусусида келишмовчилик келиб чиқади. Ана шу каби ихтилофларга барҳам бериш учун фуқаҳолар ислом фикҳида «кўчмас мулк ва ҳосиллар савдоси» деган бобни тартиблаганлар.

Агар биров бир ҳовли сотса, байъ унинг биноси-ю томини ўз ичига олади. Чунки, булар ҳовли деган ном остига дохилдир. Ундан ташқари, бу байъ ўша ҳовлига бириккан ва унинг манфаатига хизмат қиладиган нарсаларга, масалан, ўрнатиб қўйилган эшиклар, зинапоялар, маҳкамлаб қўйилган токчаларга, шу уйга тегишли бўлган лифт, электр ўтказгич қурилмалар, ёритиш анжомлари, ер остига ёки томга ўрнатилган сув сақловчи мосламалар, сув тақсимлаш учун тортилган қувурлар, ҳаво совутгич ёки сув иситгич асбобларга, шунингдек, ушбу ҳовлида бўлган дарахтлар, зироатлар, унда ўрнатилган соябонларга ҳам умумий бўлади.

Шу ҳовлининг ери остида бўлган қаттиқ маъдан-кон ҳам

харидорнинг ҳаққига айланади.

Аммо, ҳовлига қўйиб қўйилган, бироқ унга бирикмаган нарсалар, масалан, ёғочлар, арқонлар, идишлар, гилам ва тўшамалар, шунингдек, унинг ерига сақлаш учун кўмиб қўйилган тошлар, хазиналар ва шу каби нарсалар байъ остига кирмайди. Чунки, улар ҳовлидан ажралган нарсалар бўлиб, ҳовли номи остига кирмайди. Фақатгина шу ҳовлига тегишли бўлган калитлар, агарчи ундан ажралган бўлса ҳам, унга тобеъ бўлади.

Агар ер сотса, шу ерга бириккан ва шу ерда давомий қоладиган кўчат ва бинолар ҳам байъ остига киради.

Агар боғ сотса, шу боғнинг ери ҳам, дарахтлари ҳам, деворлари ҳам, унинг ичида бўлган шийпон ва хоналар ҳам байъ остига киради.

Агар бир марта йиғиштириб олинадиган буғдой, арпа каби экин экиб қўйилган ерни сотса, экинлар сотувчининг ҳаққи бўлади ва байъ остига кирмайди.

Агар сотилган ерда вақти-вақти билан ўриб туриладиган ўт ёки давомий йиғиб-териб туриладиган бодринг, бақлажон каби экинлар бўлса, сотилган пайтда пишиб-етилиб турган ҳосили сотувчининг ҳаққи бўлади, ерда қолган экин эса ерга қўшилиб харидорнинг мулкига айланади.

Юқорида айтиб ўтилган тафсилотларнинг ҳаммаси қачонки, сотувчи билан харидор ўртасида келишиб олинган

шарт бўлмаган ҳолларга тегишли.

Аммо, агар ўрталарида ушбу нарсалар улардан бирига тегиши ҳақида шарт бўлса, унга амал қилиш лозим бўлади. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмонлар ўз шартлари устидадирлар», деганлар (Абу Довуд (3594) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан, Термизий (1352) Амр ибн Авф розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Агар чанглатилган хурмо дарахтини сотса, унинг ҳосили сотувчининг ҳаққи бўлади. Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қай бир киши хурмони чанглатилганидан кейин сотса, унинг ҳосили сотган одамники бўлади, фақат қачонки сотиб олган одам (уни ўзига бўлишини) шарт қилган бўлса (харидорники бўлади)», деганлар (Бухорий (2379) ва Муслим (1543) Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар). Меваси кўзга кўриниб қолганидан кейин сотилган ток, тут, анор дарахтлари ҳам ушбу ҳукмда хурмо билан бир хил, яъни, сотувчининг ҳаққи бўлади. Аммо, хурмони чангитишдан олдин ёки узум ва шу кабиларни меваси кўзга кўринишидан олдин сотилган бўлса, унинг ҳосили харидорники бўлади. Чунки, юқоридаги хурмо ҳақида айтилган ҳадиси шариф маъноси шуни тақозо қилади ва бошқа дарахтлар хурмога қиёс қилинади.

Бу айтиб ўтилган ечимлар Ислом шариатининг нақадар комил шариат эканини, унинг одамларнинг муаммоларини

қандай ҳал қилиб беришини ва ҳеч кимга зулм қилмаган ҳолда ҳар бир ҳақдорга ўз ҳаққини беришини кўрсатади. Қандай бир муаммо бўлмасин, шариатимизда унга қониқарли ечимлар мавжудки, уларни бандаларининг манфаатлари нимада, зарарлари нимада эканини яхши билувчи улуғ ҳикмат соҳиби бўлган Аллоҳ таоло тузиб бергандир.

Аллоҳ таоло айтади: «Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳоқимларга бўйсунингиз! Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз,— агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз — у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир» (Нисо: 59).

Фақат Аллоҳ ва Расулининг ҳукмигина одамлар ўртасида юзага келадиган низоларга барҳам беришга ва манфаатларни рўёбга чиқариб, мўминларнинг дилларини қаноатлантиришга қодирдир.

Аммо, одамлар томонидан тузилган тузумлар худди инсонларнинг ўзларига ўхшаган қосир, уларга хоҳиш-ҳаволар ва низолар аралашиб кетган. Аллоҳ таоло айтганидек: «Агар Ҳақиқат — Қуръон уларнинг ҳавои нафсларига эргашса эди, албатта осмонлар, ер ва улардаги бор жонзот бузилиб-ҳалок бўлган бўлур эди» (Муъминун: 71). Аллоҳ ва Расулининг ҳукмини башар қонунларига

алмаштираётган ақлар қуриб кетсин, ҳалокатга дучор бўлсин! «Жоҳилият ҳукмини истайдиларми?! Иймонлари комил бўлган қавм учун Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ҳукм қилувчи ким бор?!» (Моида: 50).

Аллоҳ таолодан Ўз динига нусрат беришини ва калимасини олий қилишини ҳамда мусулмонларни душманлар макридан Ўзи ҳимоя қилишини сўраймиз. У эшитувчи ва ижобат қилувчи Зотдир.

Мева ҳосили савдосига тегишли ҳукмлар ҳақидаги боб

Мева ҳосили деганда хурмо ва бошқа мевали дарахтлар ҳосили тушунилади.

Агар мева ҳосилининг ўзи – дарахтидан ташқари – сотилса, пишиб-етилишидан олдин сотиш дуруст бўлмайди. Чунки, «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳосилни салоҳи (етилиши) кўзга кўринишидан олдин сотишдан қайтардилар, сотувчини ҳам, харидорни ҳам (бундан) қайтардилар» (Бухорий (2194) ва Муслим (1534) Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар). У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам молни ботил йўл билан ейиш бўлиб қолмаслиги учун сотувчини мева ҳосилининг етилиши кўзга кўринмасидан туриб сотишдан қайтардилар, сотиб олувчини эса молни ботил билан ейишга ёрдамчи бўлиб

қолмаслик учун сотиб олишдан қайтардилар. «Саҳиҳайн»да келганки:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ ، رَضِيََ اللَّهُ عَنْهُ ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى عَنْ بَيْعِ الثَّمَارِ حَتَّى تُرْهَى لَهُ وَمَا تُرْهَى قَالَ حَتَّى تَحْمَرَ {أَوْ يَصْفَرَّ} .

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мева ҳосилини то ранг олмагунича сотишдан қайтардилар. (Анас розияллоҳу анҳудан:) «Ранг олиши қандай бўлади?», деб сўралди. «Қизаради ё сарғаяди», дедилар» (Бухорий (2197) ва Муслим (1555) Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Ҳар иккала ҳадисдаги қайтариқ байънинг фосидлигини ва дуруст эмаслигини тақозо қилади.

Шунингдек, бошоқли экинларни дони қотмасидан туриб сотиш жоиз бўлмайди. Чунки, Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда:

عَنْ ابْنِ عُمَرَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - نَهَى عَنْ بَيْعِ النَّخْلِ حَتَّى يَزُهُوَ وَ عَنِ السُّنْبُلِ حَتَّى يَبْيَضَّ وَيَأْمَنَ الْعَاهَةَ نَهَى الْبَائِعَ وَالْمُشْتَرِيَ

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хурмони ранг олишидан олдин, бошоқни оқармасидан ва бало-офатдан омон қолмасидан туриб байъ қилишдан қайтардилар, сотувчини ҳам, олувчини ҳам (бундан) қайтардилар» (Муслим (1535) ривояти). Ушбу ҳадис далолатига кўра, экиннинг етилиши кўзга кўринмадан туриб сотиш ман

қилинган. Унинг етилиши оқариши ва қотиши ҳамда офатдан омон чиққани маълум бўлиши билан билинади.

Мева ҳосилини ранг олишидан олдин, бошоқли экинларнинг дони қотмасидан туриб сотишдан қайтарилишдаги ҳикмат шуки, ушбу экинлар кўпинча шу даврда офатларга ва талафотга дучор бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек: «Нима дейсиз, агар Аллоҳ ҳосилни ман қилиб қўйса, сизлардан бирингиз биродарининг молини нима эвазига олади?!» (Бухорий (2197) ва Муслим (1555) Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар). Бошоқли экин ҳақида: «... ҳатто оқармагунича ва офатдан омон бўлмагунича», дедилар. Бунда одамлар учун раҳм-шафқат, уларнинг молларини асраш, айрим ҳолларда ўзаро адоват ва нафратга олиб келувчи низонинг олдини олиш бордир.

Шундан биз мусулмоннинг молининг ҳурмати қай даражада эканини билиб оламиз. Зотан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Нима дейсиз, агар Аллоҳ ҳосилни ман қилиб қўйса, сизлардан бирингиз биродарининг молини нима эвазига олади?!», дедилар. Ушбу сўзларда одамларнинг моллари ҳар турли хийлалар билан қўлга киритишга ҳаракат қиладиган кишилар учун танбеҳ ва қайтариқ бор. Ундан ташқари бу ҳадисда мусулмон кишини ўз молини асрашга ва уни зое қилмасликка ундаш бор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам харидорни ҳосилнинг етилиши кўзга кўринмасдан

туриб ва офатдан омон чиққани билинмасидан туриб сотиб олишдан қайтардилар. Чунки, сотиб олганидан сўнг ҳосил офатга дучор бўлиб, талафотга учраса, унинг моли зое бўлади ва сотувчидан молини қайтариб олиши қийин ёки имконсиз иш бўлади.

Шунингдек, бу ҳадисдан ҳукмнинг ғолибо (яъни, аксарият) ҳолатга боғланганини билиб оламиз. Чунки, аксарият ҳолатларда мева ҳосилига унинг етилиши кўзга кўринишидан олдин офат ва талафот етади, шу боис уни сотиш мумкин бўлмади. Аксар ҳолларда етилиши кўзга кўринганидан кейин ҳосил офат ва талафотдан омон қолади, шу боис уни сотишга рухсат берилди.

Ҳадисдан шу ҳам маълум бўладики, киши оқибати ишончли бўлмаган олди-берди йўллари билан ўз молини хатарга қўйиши ва зоеликка кўндаланг қилиши жоиз бўлмайди.

Юқорида биз айтиб ўтган масала, яъни, ҳосилни унинг етилиши кўзга кўринмасдан туриб сотиб бўлмаслиги уни ўз аслларидан (яъни, дарахтидан) алоҳида сотиб олиш ва (то йиғим-терим пайтигача дарахтида) қолдириш шарти бўлган ҳолга тегишлидир.

Аммо, агар аслларига тобеъ бўлса ёки қолдириш шарти бўлмаса, у ҳолда сотиш жоиз бўлади. Бу эса фуқаҳолар раҳимаҳумуллоҳ зикр қилган учта суратда бўлади:

Биринчи сурат: Агар ҳосил етилиши кўзга кўринишидан

олдин ўз асллари, яъни дарахти билан бирга сотилса, бундай қилиш дуруст бўлади ва ҳосил (байъга) тобеъ бўлади. Шунингдек, бошоқли экинни ҳали кўклик пайтида ерига қўшиб сотса, бу ҳам жоиз бўлади ва кўк экин (байъга) тобеъ бўлади.

Иккинчи сурат: Агар мева ҳосили етилиши кўзга кўринишидан олдин ўша дарахтнинг эгасига ёки кўк экин ўша ернинг эгасига сотилса, бу ҳам жоиздир. Чунки, у уларни аслнинг эгасига сотган бўлади ва байъ саҳиҳ бўлади. Бироқ, бу сурат хусусида ихтилофлар бор бўлиб, баъзи уламолар уни етилиши кўзга кўринмаган ҳосилни сотишдан қайтариш остига киради, дейдилар.

Учинчи сурат: Мева ҳосилини етилиши кўзга кўринишидан олдин ва бошоқли экинни дони қотмасидан туриб сотиш (ўша дарахт ёки экинни) дарҳол кесиб ташлаш шарти билан ва уларни кесиш билан фойда ҳосил бўладиган ҳолатда жоиз. Чунки, уларнинг савдосидан қайтариш уларга талафот ёки офат етиши хавфи борлиги учун эди. Дарҳол кесиб ташланадиган ҳолатда бу хавф бўлмайди.

Аммо, агар уларни кесиш билан фойда ҳосил бўлмаса, байъи дуруст бўлмайди. Чунки, бу бузғунчилик ва молни зое қилиш бўлади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам молни зое қилишдан қайтарганлар (Бухорий (2408) ва Муслим (593) Муғийра ибн Шуъба розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Уламоларнинг сўзлари ичидан саҳиҳроғига биноан, бир неча бор узиб-териб олинадиган йўнғичқа, тарра, бақлажон ва бошқа сабзавотларнинг ҳозирги ва келажакдаги йиғим-теримларини байъ қилиш жоиз бўлади.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Саҳиҳ гап шуки, бу нарса Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қайтариқлари остига кирмаган, балки ҳозирги йиғим-теримни ҳам, келгусидаги то полиз экини қуриб кетгунича бўладиган йиғим-теримини ҳам байъ қилиш саҳиҳ бўлади. Чунки, ҳожат шуни тақозо қилади, полиз экинини унинг аслларидан (яъни еридан) алоҳида байъ қилиш жоиздир» (Ал-фатавал-кубро: 5/392).

Аллома Ибнул Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Фақатгина то етилиши кўзга кўрингунча сотишни кечиктириш мумкин бўлган мева ҳосилларининг байъидан наҳий қилинди, полиз экинлари бу наҳий остига кирмади» (Иъламул-муваққиъийн: 2/31).

Офат етган ҳосилнинг байъини бекор қилиш ҳақидаги боб

Агар ҳосил етилиши кўзга кўринганидан кейин, яъни, сотиш жоиз бўлгач сотилган бўлса, кейин бирон самовий офат етиб талафотга учраса – самовий офат деб инсонниг алоқаси йўқ бўлган шамол, жазирама, сувсизлик, ёмғир,

дўл, чигиртка кабиларга айтилади – шу офатлар етиб, ҳосилни талафотга учратган бўлса, ушбу ҳосил сотилган-у, бироқ ҳали харидор унга эга бўлишга улгурмасидан талафотга учраган бўлса, харидор уни сотувчига қайтариб беради ва у учун тўлаган пулини қайтариб олади. Чунки, Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича:

عَنْ جَابِرٍ، «أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَمَرَ بِوَضْعِ الْجَوَارِحِ» رواه مسلم.

«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам офат етган ҳосилни кўйишга (яъни, байъини бекор қилишга) буюрдилар» (Муслим (1554) ривояти).

Ушбу ҳадис далолатига кўра, талафот етган ҳосил сотувчининг мулкидан саналади ва у ўша ҳосил учун харидор берган пулга ҳақли бўлмайди. Агар ҳосилнинг ҳаммаси талафотга учраган бўлса, харидорга ҳамма пулини қайтариб беради, агар бир қисми талафотга учраган бўлса, ўша қисмига тегишли пулни қайтариб беради.

Бу ҳолда байъ ҳосилнинг етилиши кўзга кўринганидан кейинин бўлганми, олдин бўлганми, фарқсиздир. Чунки, ҳадис умумий келди. Ундан ташқари бошқа ҳадис ҳам борки:

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ رَأَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَوْ بَعْتَ مِنْ أَخِيكَ ثَمْرًا، فَأَصَابَتْهُ جَائِحَةٌ، فَلَا يَجِلُّ لَكَ أَنْ تَأْخُذَ مِنْهُ شَيْئًا، بِمِ تَأْخُذُ مَالَ أَخِيكَ

«بَغَيْرِ حَقٍّ؟»

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Биродаринга мева сотсангу унга офат етса, сен учун ундан бирон нарсани (ҳақни) олишинг ҳалол бўлмайди. Биродаринг молини нима эвазига ноҳақ оласан?!» (Бухорий (2197) ва Муслим (1555) Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Агар оз миқдорда талафот етган бўлса, у харидорнинг зиммасига бўлади, сотувчининг масъулиятдан бўлмайди. Чунки, бу одатда бўлиб турадиган ҳолат саналади ва уни офат деб номланмайди, ундан сақланишнинг имкони ҳам йўқ бўлади. Масалан, қушлар еб кетиши, ерга тўкилиб кетиши ва ҳоказолар. Баъзи уламолар буни учдан бирдан камига чеклаганлар. Тўғрироғи, бу билан чекланмайди, балки бу урфга кўра билинади. Чунки, чеклаш далилга муҳтождир.

Уламолар раҳимаҳумуллоҳ офат етган ҳосилни сотувчининг зиммасига қўйишларига сабаб – дарахт шохида тургизиб сотилган ҳосилнинг қабзи тўла бўлмаган қабз (қабул қилиш)дир ва харидор гўёки уни ҳали қабз қилмаган бўлади.

Бу айтилган ҳукмлар самовий офат етиши туфайли талафотга учраган ҳосил ҳақида эди.

Аммо, энди одамзотнинг феъли туфайли, масалан, ёнғин

сабабли талафотга учраган бўлса, бундай ҳолда харидор ихтиёрли бўлади. Яъни, хоҳласа, байъни бузиб, сотувчидан ўзи тўлаган пулни қайтариб беришини талаб қилади, сотувчи эса талафот етказган шахсдан талафот зарарини тўлашини талаб қилади. Ёки харидор байъни бузмайди ва талафот етказган шахсдан етказган талафоти зарарини тўлашини талаб қилади.

Хурмодан бошқа мева ҳосилининг етилиши ва сотиш жоиз бўлишининг аломати ўша меванинг дарахтига қараб турлича бўлади.

Узумнинг етилиши унга сув югуриб, маза кириши билан бўлади. Чунки, Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича:

عَنْ أَنَسٍ، «أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى عَنْ بَيْعِ الْعِنَبِ حَتَّى يَسْوَدَ ...»

«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам узумни қораймасидан туриб сотишдан қайтардилар» (Абу Довуд (3371), Термизий (1228), Ибн Можа (2217), Аҳмад (3/221, №13314) ривоятлари).

Олма, анор, тарвуз, ўрик, шафтоли, ёнғоқ каби меваларнинг етилиши ва сотишга яроқли бўлиши уларга маза кириши ва ейиш мумкин бўлишидир. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мевани хушхўр бўлишидан илгари сотишдан қайтарганлар (Бухорий (2196) ва Муслим (1536)

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Тарра (бодринг) кабиларнинг етилиши уларни одатда ейиладиган бўлишидир.

Доннинг етилиши аломати – қотиши ва оқаришидир. Чунки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам доннинг қотишини уни сотиш дуруст бўлишига чегара қилганлар (Юқорида Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадис).

Сотилган молга тобеъ бўладиган ва тобеъ бўлмайдиган нарсаларга доир боб

Айрим нарсалар бўладигани, улар агар сотувчи истисно қилмаган бўлса, сотилган молга қўшилиб харидорнинг мулкига ўтади. Жумладан:

Биров бир қул ёки от-улов сотган бўлса, қулнинг эғнидаги одатий кийими, шунингдек, от-уловга тақилган юган, тизгин, тақа кабилар ҳам мутлақ байъ остига киради, чунки, одат шунга жорий бўлган. Одатда сотилган нарсага қўшиб бериш жорий бўлмаган ва сотилган молнинг унга эҳтиёжи бўлмайдиган нарсалар, масалан, қулнинг мол-мулки, эғнидаги зийнат кийими унга қўшилмайди.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «...وَمَنْ ابْتِئَاعَ عَبْدًا وَآلَهُ مَالًا، فَمَالُهُ لِلَّذِي بَاعَهُ، إِلَّا أَنْ يَشْتَرِطَ الْمُبْتَاعُ»

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким қул сотса,

унинг моли сотган одамгадир, фақат харидор шарт қилса (бундан мустасно)», деганлар (Бухорий (2379) ва Муслим (1543) Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилганлар).

Ҳадис далолатига кўра, қул сотилса, байъга унинг моли кўшилмайди. Чунки, байъ қул устида бўлади, мол эса алоҳида нарсадир. Бу гўё иккита қули бор одам улардан бирини сотгандек гапдир. Чунки, қул ҳам, унинг моли ҳам хожаники, қулни сотгач, моли қолаверади.

Агар харидор қул билан бирга унинг моли ҳам байъ остига киришини шарт қилса, унинг моли ҳам байъ остига киради. Чунки, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам юқоридаги ҳадисда: «фақат харидор шарт қилса (бундан мустасно)», дедилар.

Саламга доир ҳукмлар ҳақидаги боб

Салам ёки салаф – пулини нақд тўлаш, молни эса кейинроқ олиш кўринишидаги байъ бўлиб, уламолар унга: «Ўша заҳотиёқ бериладиган тўлов эвазига зиммадаги сифати маълум нарсага тузилган ақд-битим» деб таъриф берганлар.

Муомаланинг бу тури Қуръон, Суннат ва ижмоъ билан жоиздир.

Аллоҳ таоло айтади: «Эй мўминлар, бир-бирларингиз билан қарз муомаласини қилсангиз, ёзиб қўйинглар!» (Бақара:

282).

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: «أَشْهَدُ أَنْ سَلَفَ الْمَضْمُونِ إِلَى أَجَلٍ قَدْ أَحَلَّهُ اللَّهُ،
وَأَذِنَ فِيهِ»

Ибн Аббос розияллоху анхумо: «Гувоҳлик бераманки, маълум муддатга кафолатланган салафни (яъни пулини аввалдан тўлашни) Аллоҳ таоло ҳалол қилган ва унга изн берган», деди, сўнг юқоридаги оятни ўқиди (Абдурраззоқ (8/5, №14064), Тафсир Ибн Жарир (3/116) Ҳоким (2/314) Байҳақий (6/18) ривоятлари).

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، قَالَ: قَدِمَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
الْمَدِينَةَ، وَهُمْ يُسَلِفُونَ بِالتَّمْرِ السَّنَتَيْنِ وَالثَّلَاثَ، فَقَالَ: «مَنْ أَسْلَفَ فِي تَمْرٍ —
فِي شَيْءٍ —، فَلْيُسَلِفْ فِي كَيْلٍ مَعْلُومٍ، وَوَزْنٍ مَعْلُومٍ، إِلَى أَجَلٍ مَعْلُومٍ»

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Мадинага келганларида Мадина аҳли хурмо ҳосилини бир йил, икки йил, уч йил (олдиндан пулини тўлаб) салаф қилишарди. У зот: «Ким хурмода – бошқа лафзда: бир нарсада – салаф қилса (яъни, пулини олдиндан берса), маълум кайл, маълум вазнда, маълум муддатгача салаф қилсин», дедилар (Бухорий (2239) ва Муслим (1604) Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилганлар). Ушбу ҳадис салам байъи мазкур шартлар билан жоизлигига далил бўлади.

Ибнул Мунзир ва бошқалар унинг жоизлигига уламолар ижмоъ қилганларини айтганлар (Ал-ижмаъ: 45-с).

Одамларнинг ҳожатлари шуни тақозо қилади. Чунки, ақд

(савдо битими) тузаётганлардан бири пулини олдиндан олиши билан фойдаланса, иккинчиси мол баҳосининг арзонлиги билан фойда олади.

Салам байъи дуруст саналиши учун унда байънинг шартларидан ташқари яна бир неча хос шартлар шарт қилинади:

Биринчи шарт: Салам қилинадиган молнинг сифатлари аниқ бўлиши. Чунки, сифатлари аниқ бўлмаган нарсалар кўпинча бошқача бўлиб чиқади ва икки томон ўртасида низо келтириб чиқаради. Шунинг учун сифатларида фарқли бўладиган сабзавотлар, терилар, ҳар турли идишлар ва жавоҳирларда салам байъи дуруст бўлмайди.

Иккинчи шарт: Салам қилинадиган нарсанинг жинси ва навини зикр қилиш. Яъни, масалан, жинс деганда буғдойни, нав деганда унинг қандай навли эканини (тури, сорти) тушунилади.

Учинчи шарт: Салам қилинадиган молнинг сиғим ёки оғирлик ёки узунлик ўлчовида ўлчанадиган миқдорини айтиш. Чунки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким хурмода – бошқа лафзда: бир нарсада – салаф қилса (яъни, пулини олдиндан берса), маълум кайл, маълум оғирликда, маълум муддатгача салаф қилсин», дедилар (Бухорий (2239) ва Муслим (1604) Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар). Чунки, агар салам қилинадиган молнинг миқдори аниқ бўлмаса, уни тўла-тўкис қабул қилиб олиш

имкони бўлмайди.

Тўртинчи шарт: Маълум муддатни айтиш. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «маълум муддатгача», деганлар. Аллоҳ таоло: «Эй мўминлар, бир-бирларингиз билан қарз муомаласини қилсангиз, ёзиб қўйинглар!», деди (Бақара: 282). Ояти карима ва ҳадиси шариф салам байъида муддат белгилаш ва муҳлатнинг ҳар икки тараф биладиган ҳад-чегарасини тайин қилиш шартлигига далил бўлади.

Бешинчи шарт: Салам қилинган (яъни, пули олдиндан тўлаб қўйилган) нарса муддат келганда аксарият ҳолларда топилиши шарт қилинади. Агар салам қилинган мол берилиш муддати келганда топилмайдиган бўлса, яъни, масалан, рутоб (янги пишган хўл хурмо) ва узумни қиш пайтида беришга салам қилинса, салам байъи дуруст бўлмайди.

Олтинчи шарт: Миқдори аниқ бўлган тўловни ақд-битим тузилган ўриннинг ўзида тўла миқдорда олиши. Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким ҳурмода – бошқа лафзда: бир нарсада – салаф қилса (яъни, пулини олдиндан берса), маълум кайл, маълум оғирликда, маълум муддатгача салаф қилсин», дедилар (Бухорий (2239) ва Муслим (1604) Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар). Салаф қилсин дегани – пулини олдиндан берсин, деганидир.

Имом Шофеъий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Чунки, салаф байъини қилаётган кишисидан ажралгунига қадар пулини тўлаб қўймаса, буни салаф байъи дейилмайди» (Заркаший «Шарҳ»ида (4/14) нақл қилган).

Чунки, агар тўловини ўрнида олмаса, у қарзни қарзга байъ қилиш бўлиб қолади, бу эса жоиз бўлмайди.

Еттинчи шарт: Салам қилинаётган нарса муайян нарса бўлмаслиги, балки зиммадаги қарз бўлиб қолиши. Шундай экан, дарахт ёки ҳовлини салам қилиш жоиз бўлмайди. Чунки, муайян бўлган нарса берилиш вақти келгунича талафотга учрашдан холи бўлмайди, у ҳолда мақсуд йўққа чиқади.

Салам қилинган молни – имкони бўлса – ўша ақд-битим тузилган ўринда берилади. Агар имкони бўлмаса, яъни масалан, саҳрода ёки денгизда ақд тузган бўлсалар, молни топшириш ўрни айтилиши шарт.

Агар ҳар икки тараф молни топшириш ўрнига келишиб олсалар, бу жоиз бўлади. Акс ҳолда ақд тузилган ўринга қайтадилар.

Саламга доир ҳукмлардан:

Салам қилинган молни қўлга келмасидан туриб сотиб юбориш жоиз бўлмайди. Чунки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бир егулик сотиб олган бўлса, уни тўла қилиб олмагунича сотмасин», деганлар (Бухорий (2126) ва

Муслим (1525) Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилганлар). Бир лафзда: «... ҳатто уни кўлига олмағунича» (Бухорий (2136) ва Муслим (30/1525) ривоятлари), имом Муслимда: «... ҳатто ўлчаб олмағунича» (31/1525).

Уни ҳавола қилиш (яъни, бошқа бировнинг зиммасига ўтказиб қўйиш) ҳам дуруст бўлмайди. Чунки, ҳавола қилиш муқаррар қарздан бошқада дуруст бўлмайди, салам эса бекор бўлиб кетиши ҳам мумкин бўлган нарсадир.

Агар салам қилинган нарса муҳлати келганда бўлмай қолса, яъни, масалан, бирон мева ҳосилини салам қилинган бўлса-ю, ўша дарахт шу йили ҳосил қилмаса, салам эгаси то ўша ҳосил бўлғунича кутиши ёки байъни бекор қилиб, пулини қайтариб олиши ўртасида ихтиёрлидир. Чунки, ақд зоил бўлса, тўловни қайтариш фарз бўлади. Агар ўша тўланган тўлов йўқ бўлиб кетган бўлса, унинг ўрнини тўлайди, валлоҳу аълам.

Бу турдаги муомаланинг мубоҳ бўлиши шариати исломиянинг қулайлиги ва бағрикенглигидандир. Чунки, бу хилдаги муомалада одамларга қулайлик ва енгиллик яратиб бериш, шу билан бирга рибо ва бошқа харом-ҳариш йўллардан четланган ҳолда уларнинг манфаатларини рўёбга чиқариб бериш ҳосил бўлади. Бунинг учун Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

Қарзга доир аҳкомлар ҳақидаги боб

Қарзнинг луғавий маъноси – узиш ва кесишдир, чунки, қарз берувчи қарз олувчига ўз молидан узиб беради.

Шаръий таърифи эса – молни ундан фойдаланиб, кейин ўрнига қайтариб берадиган одамга бериш, демакдир.

У меҳр-мурувват турларидан бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни «маниҳа» (саховат, марҳамат) деб атаганлар (Бухорий (2629-2634) ва Муслим (1019-1020) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Қарз бериш мустаҳаб ва савоби улуғ ишлардан.

عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ، أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: «مَا مِنْ مُسْلِمٍ يُقْرِضُ مُسْلِمًا قَرْضًا مَرَّةً إِلَّا كَانَ كَصَدَقَتِهَا مَرَّةً»

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Қай бир мусулмон бир мусулмонга икки марта қарз берса, унга бир марта садақа қилгандек бўлади» (Ибн Можа (2430) Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).

Айтишларича, қарз бериш садақа қилишдан кўра афзалроқ. Чунки, фақат муҳтож одамгина қарз сўрайди.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ نَفَسَ عَنْ مُؤْمِنٍ كُرْبَةً مِنْ كُرْبَةِ الدُّنْيَا، نَفَسَ اللَّهُ عَنْهُ كُرْبَةً مِنْ كُرْبَةِ يَوْمِ الْقِيَامَةِ»

Саҳиҳ ҳадисда айтилади: «Ким бир мўминдан дунё ғамларидан бир ғамни аритса, Аллоҳ ундан қиёмат кунининг ғамларидан бир ғамни аритади» (Муслим (2699))

Абу Хурайра розияллоху анхудан, Бухорий (2442) Ибн Умар розияллоху анхумодан шу маънода ривоят қилганлар).

Қарз бериш маъруф амалдир, бу билан мусулмон кишининг қийинчилигига барҳам берилади, ҳожатини ўталади.

Қарз сўраш макруҳ бўлган сўраш (тиланиш) турига кирмайди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳам қарз олганлар (Бухорий (2630) ва Муслим (1771) Анас розияллоху анхудан ривоят қилганлар).

Қарз саҳиҳ-яроқли бўлиши учун қарз берувчи кишининг молни ихтиёрий бера оладиган кишилардан бўлиши шарт қилинади, яъни, масалан, етимнинг валийси етимнинг молдан қарз бериши дуруст бўлмайди.

Шунингдек, қарзга берилажак мол кейин унинг бадали эгасига қайтарилиши мумкин бўлиши учун унинг миқдори ва сифатини билиш шарт қилинади. Қарзга олинган мол қарздорнинг зиммасидаги бировнинг ҳаққи бўлиб қолади ва имкони бўлиши билан, кечиктирмасдан уни эгасига қайтариши фарз бўлади.

Қарз берувчи қарз олувчига берган қарзига қўшимча тўлов беришини шарт қилиши ҳаром бўлади. Уламолар ижмоъларига кўра, қарзга қўшимчани шарт қилиш ва уни олиш рибо бўлади. Ҳозирги пайтда банкларнинг фойда эвазига қарз беришлари очик рибодир. Хоҳ у истеъмолга оид қарз бўлсин, хоҳ уларнинг ибораси билан айтганда,

ривожлантиришга (тараққиётга) оид қарз бўлсин, фарқсиздир. Қарз берувчи – хоҳ банк бўлсин, хоҳ шахс бўлсин, хоҳ ширкат (компания) бўлсин – берган қарзига шартлашилган қўшимчани олиши жоиз эмас. Бу қўшимчани қандай ном билан номламасинлар, хоҳ, фойда деб, хоҳ совға деб, хоҳ уй-жойда яшаб туриш деб, хоҳ машинани миниб туриш деб номланган бўлмасин, модомики, шу қўшимча ёки шу ҳадя ёки шу фойдаланиш шартлашиш орқали келган бўлса, мумкин бўлмайди.

Ҳадисда келганки: «Фойда олиб келган ҳар қандай қарз рибодир» (Байҳақий (5/350) Фазола ибн Убайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا أَقْرَضَ أَحَدُكُمْ قَرْضًا، فَأَهْدَى لَهُ، أَوْ حَمَلَهُ عَلَى الدَّابَّةِ، فَلَا يَرْكَبُهَا وَلَا يَقْبَلُهُ، إِلَّا أَنْ يَكُونَ جَرَى بَيْنَهُ وَبَيْنَهُ قَبْلَ ذَلِكَ»

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган марфуъ ҳадисда айтилади: «Сизлардан бирингиз қарз берган бўлса, сўнг (қарз олган киши) унга ҳадя берса, уни қабул қилмасин ёки уловга миндирса, уни минмасин! Фақат ўрталарида илгаридан жорий бўлиб келган иш бўлса (майли)» (Ибн Можа (2432) ривояти). Бу ҳадиснинг бошқа кўплаб шоҳидлари (яъни, қўллаб-қувватловчилари) ҳам бор.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ سَلَامٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: «إِنَّكَ بِأَرْضِ الرَّبِّ بِهَا فَاشِ، إِذَا كَانَ لَكَ عَلَى رَجُلٍ حَقٌّ، فَأَهْدَى إِلَيْكَ حِمْلَ تَيْنٍ، أَوْ حِمْلَ شَعِيرٍ، أَوْ

«جَمَلَ قَتٍ، فَلَا تَأْخُذْهُ فَإِنَّهُ رِيًّا»

Абдуллоҳ ибн Салом розияллоху анҳу айтади: «Агар сенинг бир кишида ҳаққинг бўлса, у сенга бир кўтарим сомон ё бир кўтарим арпа ё бир кўтарим йўнғичқа ҳадя қилса, уни олмагин. Чунки, у рибодир» (Бухорий (3814) ривояти). Бу сўз ҳам марфуъ ҳадис ҳукмида бўлади. Бинобарин, қарз берган киши қарздоридан на ҳадя, на бошқа бирон фойдаланишни – агар шу нарса берган қарзи туфайли бўлса – қабул қилиши жоиз бўлмайди. Чунки, қарз муҳтож кишига мурувват ақди-битимидир ва Аллоҳга қурбат (яқинлик) ҳосил қилишдир. Агар унда зиёдаликни шарт қилса ёки қасд қилса ва шунга интилса, қарзни ўз ўрнидан, яъни, қарз сўровчининг ҳожатини чиқариб, Аллоҳга қурбат ҳосил қилишдан қарздордан фойдаланишга айлантирган бўлади, у ҳолда бу иш қарз бўлмай қолади.

Мусулмон киши бунга ҳушёр қараши ва эҳтиёт бўлиши, қарз беришида ҳам, бошқа солиҳ ишларида ҳам ниятини холис қилиши лозим. Чунки, қарздан мурод моддий ўсиш эмас, маънавий ўсишдир. У муҳтожнинг ҳожатини раво қилиш ва дастмояни яна қайтариб олиш билан Аллоҳга қурбат ҳосил қилишдир. Агар қарз беришдан мақсад шу бўлсагина, Аллоҳ молга барака ва покиза ўсиб-кўпайишни туширади.

Шуни яхши билиб олиш керакки, қарздордан олиш мумкин бўлмайдиган зиёдалик шарт қилиб қўйилган зиёдаликдир.

Масалан: «Мен сенга шунча миқдорда қарз бераман, шарти шуки, сен уни шунча қўшимчаси билан қайтарасан» ёки «ҳовлингдан ёки дўконингдан менга жой берасан» ёки «менга фалон нарсани ҳадя қиласан» деб шарт қилинган қарздир.

Ёки оғзаки айтилмаса ҳам, кўпайтириб олишга қасд қилиш ёки шунга интилиш ҳаракатлари ҳам мамнуъ ва қайтарилгандир.

Аммо, агар қарз олган киши ўзи хоҳлаб ва кўнглидан чиқариб, қарз берган кишининг шартисиз, қасдисиз ва интилишисиз, бирон нарса қўшиб берса, уни олишнинг зарари йўқ. Чунки, бу қарзни чиройли адо этиш жумласидан саналади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бировдан туя қарзга олиб, кейин олганларидан яхшироғини қайтариб бердилар ва:

«فَإِنَّ خَيْرَ كُمْ أَحْسَنُكُمْ قَضَاءً»

«Яхшиларингиз (қарзини) чиройлироқ адо қилувчиларингиздир», дедилар (Бухорий (2306) ва Муслим (1601) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар). Бу эса урф-одатда ва шариатда мақтовли бўлган улуғ ахлоқлар жумласидан бўлиб, фойда олиб келадиган қарз жумласидан саналмайди. Чунки, бу қарз берувчи томонидан шарт қилинмаган ва қасд қилинмаган, балки, қарздор томонидан қилинган ихтиёрий иш эди.

Шунингдек, агар қарздор қарз берувчига ундан қарз олишидан олдин ҳам қилиб юрган одатий бир инъом-эҳсонини қилса, уни бундай қилишга ундан олган қарзи ундамаган бўлса, унинг берганини олишнинг зарари йўқ.

Қарздор зиммасидаги қарзини адо қилишга, имкони бўлганидан сўнг уни кўп чўзмасдан ва кечиктирмасдан эгасига қайтаришга ҳаракат қилиши лозим. Чунки, Аллоҳ таоло: «Эҳсон-яхшиликнинг жазоси-мукофоти фақат яхшиликдир», дейди (Раҳмон: 60).

Баъзи одамлар умуман ҳақ-ҳуқуқларга, хусусан қарз ишига жуда бепарво қарайдилар. Бунинг оқибатида эса жуда кўп одамлар бировларга қарз бериш ва муҳтожларга енгиллик яратиб беришдан тўхталиб қоладилар. Шундан кейин муҳтожлар рибовий-судхўр банкларга боришга ва улар билан Аллоҳ таоло ҳаром қилган муомалаларни қилишга мажбур бўлишади, чунки улар қарзи ҳасана берадиган одамни топишолмайди. Қарз берувчилар эса қарзни чиройли адо қиладиган одамни топишолмайди. Шундай қилиб, одамлар ўртасида яхшилик ва мурувват кўтарилиб кетади.

Гаровга доир аҳкомлар ҳақидаги боб

Гаров – ундан ёки унинг пулидан қарзни тўлатиб олиш

мумкин бўлган бир нарса билан қарзга кафолат ҳосил қилишдир, яъни, қарзига эваз сифатида бирон нарсани қўйиб туришдир.

Гаров қўйиш Қуръон, Суннат ва ижмоъ билан жоиздир.

Аллоҳ таоло айтади: «Агар сафарда бўлсангиз ва котиб топа олмасангиз (берилган нарса эвазига бирон нарсани) гаров олинг!» (Бақара: 283).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам совутлари гаровда бўлган ҳолда вафот этдилар (Бухорий (2915) ва Муслим (1603) Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилганлар).

Уламолар сафарда гаровнинг жоизлигига ижмоъ қилганлар, жумҳур уламо унга муқимликда ҳам рухсат берганлар.

Унинг машруъ бўлишидаги ҳикмат – молларни сақлаш ва зое бўлишдан асраб қолишдир.

Аллоҳ таоло қарз муомаласини ёзиб қўйиш билан мустаҳкамлаб қўйишга буюрди: «Эй мўминлар, бир-бирларингиз билан қарз муомаласини қилсангиз, ёзиб қўйинглар!... Агар сафарда бўлсангиз ва котиб топа олмасангиз (берилган нарса эвазига бирон нарсани) гаров олинг!» (Бақара: 282-283).

Бу Аллоҳнинг бандаларига бўлган раҳматиданки, У зот уларни яхшиликлари бўлган ишларга йўллайди.

Гаров тўғри бўлиши учун унинг миқдори, жинси ва сифати

билиниши, шунингдек, гаровга қўювчи киши гаровга қўйилган нарсанинг эгаси бўлиши ёки эгаси томонидан бунга изн берилган одам бўлиши шарт қилинади.

Бир киши ўзининг молини бировнинг қарзи эвазига гаровга қўйиши ҳам жоиз бўлади.

Гаровга қўйилган мол сотиш мумкин бўлган нарса бўлиши шарт қилинади, чунки, у билан қарзни тўлаш имконияти бўлиши керак.

Гаровни шарт қилиш ақднинг ичида ҳам, ундан кейин ҳам саҳиҳ бўлади. Чунки, Аллоҳ таоло: «Агар сафарда бўлсангиз ва котиб топа олмасангиз (берилган нарса эвазига бирон нарсани) гаров олинг!», деди (Бақара: 283), Аллоҳ таоло бу билан гаровни китобатнинг (яъни ёзиб қўйишнинг) ўрнига қўйди, китобат эса ҳақ лозим бўлганидан кейин бўлади.

Гаровга қўйиш фақат гаровга қўювчи шахс тарафидан лозим бўлади, чунки, бундаги улуш (ҳақ) бошқаникидир, у гаровга олувчи томонидан лозим бўлмайди, у буни бекор қилиши мумкин, чунки бундаги улуш (ҳақ) уникидир.

Бир киши бошқа биров билан ўртада шериклик бўлган нарсанинг ўзига тегишли қисмини гаровга қўйиши жоиз бўлади, чунки, қарзни тўлаш пайти келганида ўзининг улушини сотиб, шу билан қарзини тўлаши жоиз бўлади.

Сотиб олинган (байъ қилинган) молни унинг баҳосига

гаровга қўйиш мумкин. Чунки, унинг баҳоси зиммадаги қарздор. Байъ қилинган мол хариддорнинг мулкидир, уни гаровга қўйиши жоиз. Масалан, насиёга ёки нақд бўлса ҳам ҳали қўлга келмаган бир ҳовли-жой ёки автомашина сотиб олган бўлса, то пулини тўғрилаб бергунча унинг ўзини гаровга қўйиб туриши мумкин.

Ҳар иккала тарафнинг, яъни, гаровга қўювчининг ҳам, гаровга олувчининг ҳам гаровга қўйилган молдан фойдаланиши фақат иккинчи тарафнинг рухсати билангина амалга ошади. Чунки, агар унинг изнисиз тасарруф қилса, унинг ҳаққини зое қилган бўлади. Чунки, гаровга қўювчининг тасарруф қилиши билан гаровга олувчининг ишонч ҳаққига путур етади, гаровга олувчининг тасарруф қилиши эса бировнинг мулкни тасарруф қилиш бўлиб қолади.

Аммо, гаровдан фойдаланиш ўрталаридаги келишувга қараб бўлади, агар уни ижарага беришга ё бошқа ишга келишиб олган бўлсалар жоиз, агар келишиб олмаган бўлсалар, то гаров ечилмагунча мол ўртада ишлатилмай туради.

Гаровга қўювчи гаровга қўйилган молга қараб, хабар олиб туришига ва унинг ислоҳи учун зарур бўлган ишларни адо этиб туришига, масалан, дарахтни суғориб, чанглатиб, дорилаб туришига имконият яратиб берилади. Чунки, бу гаровга қўйилган молнинг манфаати учундир.

Гаровга қўйилган нарсанинг муттасил (яъни, ўзидан ажралмаган ҳолда баҳоси) ўсиб-кўпайиб туриши, масалан, семириши ва бирон иш-ҳунарни ўрганиши, шунингдек мунфасил (яъни, ундан алоҳида бўлган) ҳолда ўсиб-кўпайиши, масалан, болалаша, ҳосил бериши, юнги унинг ўзига қўшилиб, улар ҳам гаров сифатида туради ва қарзни ўташ учун уларни ҳам қўшиб сотилади. Унга тегишли ва алоқадор бўлган бошқа нарсалар ҳам шундай. Шунингдек, унга нисбатан бирон жинойт қилинса, жинойтнинг хуни ҳам гаровга қўшилади, чунки, у ўшанинг бир қисмидан бадалдир.

Гаровнинг таъминоти, яъни, емиши, иморати ва бошқа нарсалар гаровга қўювчининг зиммасида бўлади. Чунки, Саид ибн Мусаййиб Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Гаров уни гаровга қўйган кишидан тўсилмайди, фойдаси ҳам унга, зарари ҳам унинг зиммасига», деганлар (Муснадуш-Шофеъий (148-с), Суануд-Дорақутний (3/32, №125), Байҳақий (6/39) ривоятлари). Чунки, гаровга қўйилган нарса гаровга қўювчининг мулкидир, нафақаси ҳам унинг зиммасида бўлади. Гаровга қўйилган молни сақлаб туриш учун қўйилган омбор ҳақи ва кўрикчи ҳақи ҳам гаровга қўювчининг зиммасида бўлади. Чунки, бу унга инфоқ қилиш зимнига киради. Гаровга қўйилган чорва ҳайвонларини боқиш харажати ҳам гаровга қўйган кишининг зиммасида бўлади.

Агар гаровнинг бир қисмига талафот етиб, бир қисми қолган бўлса, қолгани барча қарзга гаров бўлиб туради. Чунки, қарз гаровнинг барча қисмларига тааллуқли эди, унинг бир қисмига талафот етгач, қолган қисми барча қарзга гаров бўлиб қолади.

Агар қарзнинг бир қисмини тўласа, то қолганини ҳам тўламагунича гаров ечилмай туради.

Агар эвазига гаров қўйилган қарзни тўлаш вақти келса, қарздор худди бошқа гаровсиз қарзни тўлаши лозим бўлганидек, уни ҳам тўлаб қўйиши лозим бўлади. Чунки, бу ўрталаридаги ақд-битимнинг талабидир. Аллоҳ таоло айтади: «Омонат қўйилган киши омонатини адо қилсин ва Парвардигори — Аллоҳдан кўрқсин!» (Бақара: 283), «У қарздан бирон нарсани камайтирмасин» (Бақара: 282). Агар қарзини тўлашдан бўйин товласа, у ноҳақ чўзиб юрган одам сифатида кўрилади ва ҳоким уни қарзини тўлаб қўйишга мажбурлайди. Агар кўнмаса, то қарзини тўламагунича ёки гаровни сотиб, унинг қийматини қарзига бермагунича уни қамаб, таъзирини беради. Бунга ҳам кўнмаса, ҳоким унинг гаровини сотиб, унинг қийматидан қарзини тўлайди. Чунки, у қарздорнинг зиммасига фарз бўлган ҳақ эди, у кўнмаганидан сўнг ҳоким унинг ўрнига шу ишни қилади. Гаров ўзи қарзни тўлаш вақти келганида сотилиши учун қўйилган қарз учун бир васиқа (ишончли нарса) эди. Энди уни сотиб, қарзига берилганидан ташқари бирон нарса ортиб қолса, у эгасининг мулки бўлиб қолади ва эгасига

кайтарилади. Чунки, у унинг мулкидир.

Агар гаровга қўйилган нарса қарзни тўлашга етмаса, қарзнинг қолган қисми гаровга қўйганнинг зиммасида қолади ва уни тўлаши лозим бўлади.

Гаровга тааллуқли ҳукмлардан бири шуки, агар гаровга қўйилган нарса нафақага эҳтиёжи бўлган жонивор бўлса ва у гаровга олган кишининг қўлида бўлса, шариат соҳиби бўлган ҳикматли зот унга ўша ҳайвонни, агар миниладиган бўлса, миниб туришга ва нафақасини бериб туришга, агар соғин ҳайвон бўлса, соғиб ичиб туришга ва нафақасини бериб туришга рухсат берган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الرَّهْنُ يُرْكَبُ بِنَفَقَتِهِ، إِذَا كَانَ مَرْهُونًا، وَلَبِنُ الدَّيْرِ يُشْرَبُ بِنَفَقَتِهِ، إِذَا كَانَ مَرْهُونًا، وَعَلَى الذِّي يَرْكَبُ وَيَشْرَبُ النَّفَقَةُ»

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Миниладиган ҳайвон агар гаровга қўйилган бўлса, нафақаси билан минилади, соғин ҳайвон гаровга қўйилган бўлса, сути нафақаси билан ичиб турилади, нафақаси миниб ва ичиб турган кишининг зиммасидадир» (Бухорий (2512) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган). Яъни, уловни миниб турган ва сутини соғиб ичиб турган кишига ундан фойдалангани эвазига нафақа фарз бўлади, бу иккала манфаатнинг нафақага ярашасидан ортиқчаси унинг эгасига бўлади.

Имом Ибнул Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Ҳадис ҳамда шариатнинг қоида ва усуллари далолатига кўра, гаровга қўйилган ҳайвоннинг Аллоҳ учун ўзига яраша ҳурмати бор. Моликнинг унда эгадорлик ҳаққи бор, гаровга олувчининг эса васиқа ҳаққи бор. Агар унинг қўлида бўлса-ю, минмаса ва соғиб ичмаса, унинг фойдаси бекор кетади. Шундай экан, гаровга олувчи уни миниб ва сутини соғиб ичиб фойдаланиб туриши ва эвазига нафақасини қилиб туриши адолат ҳамда қиёснинг, шунингдек, гаровга қўювчи ва гаровга олувчининг манфаати тақозосидир. Агар гаровга олувчи ундан фойдаланиб турса ва эвазига нафақа қилиб турса, бунда ҳар икки маслаҳат ва ҳар икки ҳақни жамлаш ҳосил бўлади» (Иъламул-муваққиъийн: 2/42).

Баъзи фуқаҳолар раҳимахумуллоҳ гаровни икки қисмга – таъминотга муҳтож бўладиган ва таъминотга муҳтож бўлмайдиганга бўлганлар.

Таъминотга муҳтож бўлгани ўзи икки қисмга бўлинади:

1) Миналадиган ва соғиладиган. Бунинг ҳукми юқорида ўтди.

2) Минилмайдиган ва соғилмайдиган, қул ва чўри каби. Гаровга олувчи киши бу турдаги гаровдан унинг эгасининг изнисиз фойдаланиши мумкин эмас. Агар эгаси унинг нафақасини бериб туриш ва шунинг эвазига фойдаланиб туришга изн берган бўлса, жоиз бўлади.

Иккинчи қисм, яъни, таъминотга муҳтож бўлмайдигани – ҳовли-жой, мато ва шу кабилардир. Гаровга олувчи бу турдаги гаровдан ҳам эгасининг изнисиз фойдаланиши мумкин эмас. Агар гаров қарз муқобилига бўлса, қарз берувчи киши ундан фойдаланиши жоиз бўлмайди, чунки, бу фойда олиб келган қарзга айланиб, рибо бўлиб қолади.

Кафолатга доир аҳкомлар ҳақидаги боб

Қарзлар учун шаръий ишонч воситаларидан яна бири кафолатдир.

Кафолатнинг шаръий маъноси – бошқа бировнинг зиммасига фарз бўлган нарсани – у нарса ўша кишининг зиммасида ҳам қолгани ҳолда – бошқа биров уни ўзига лозим тутиши (яъни, ўз бўйнига олиши)дир, баъзан энди фарз бўладиган нарсани ҳам лозим тутишдир. Масалан: «Фалончига берган нарсангга мен кафилман», дейди.

Кафолат Қуръон, Суннат ва ижмоъ билан жоиздир.

Аллоҳ таоло айтади: «Уни келтирган кишига бир туя юк (мукофотдир). Мен шунга кафилман» (Юсуф: 72).

Имом Термизий марфуъан ривоят қилган ҳадисда айтилади:

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ قَالَ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ فِي الْخُطْبَةِ عَامَ حَجَّةِ الْوَدَاعِ: «وَالزَّعِيمُ غَارِمٌ»

«Заъим (яъни, кафил) зиммасидаги мажбуриятни

базарувчидир», (Термизий (1265), Абу Довуд (3565) Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан, Ибн Можа (2405) Абу Умома розияллоху анхудан ривоят қилганлар).

Уламолар кафолатнинг жоизлигига ижмоъ қилганлар.

Ҳожат шуни тақозо қилади, балки зарурат шунга чорлайди. Бу яхшилик ва тақво устида ҳамкорлик қилишга, мусулмон кишининг ҳожатини раво қилишга ва ғамини аритишга киради.

Унинг тўғри бўлиши учун кафолатга олувчи киши тасарруф қилишга ҳақли одам бўлиши шарт қилинади. Чунки, кафолат – молни бўйнига олиш демакдир. Ёш боланинг ва ақлсиз кишининг кафолати яроқли саналмайди.

Шунингдек, унинг розилиги ҳам шарт қилинади. Агар кафолатга олишга мажбурланса, унинг кафолати яроқли бўлмайди. Чунки, кафолат – бир ҳақни ихтиёрий равишда ўзи бўйнига олишдир.

Кафолат – кафолатга олинаётган кишига мурувват қилиш ва ёрдам кўрсатиш ақди-битимидир. Шундай бўлгач, унга эваз олиш жоиз бўлмайди. Чунки, кафолатга эваз олиш фойда олиб келган қарз мисоли бўлиб қолади. Кафолатга олган киши кафолатга олинган одамнинг қарзини тўлаши талаб қилинса, уни тўлаши лозим бўлади. Агар уни тўласа, кейин кафолатига олган кишисидан уни қарз сифатида қайтариб олади. Демак, бу фойда олиб келган қарзга айланган

бўлади. Бундай ишдан узоқлашиш ва кафолатга олишдан фақат ёрдам ва мурувватни қасд қилиш, муҳтож одамдан фойдаланиб қолиш ва уни эзишни қасд қилмаслик лозимҚ.

Кафолат «Мен кафилман», «Мен бўйнимга олувчиман», «Мен заъимман (кафилман)» деган лафзлар билан, шунингдек: «Мен сенинг қарзингни бўйнимга олдим» ёки «Мен уни кафиллигимга олдим» ёки «У менинг зиммамга» каби кафолат маъноларини ўз ичига олган ҳар қандай лафз билан саҳиҳ бўлади. Чунки, шариат соҳиби бунинг учун муайян бир иборани белгилаб бермаган, бунда урфга қаралади.

Ҳақдор киши ўзи истаган кишидан, яъни, хоҳ кафилдан, хоҳ кафолатга олинган кишидан ҳаққини талаб қилишга ҳақлидир. Чунки, унинг ҳаққи ҳар иккисининг зиммасида собит бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кафил зиммасидаги мажбуриятни бажарувчидир», деганлар (Термизий (1265), Абу Довуд (3565) Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан, Ибн Можа (2405) Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Баъзи уламоларнинг фикрларига кўра, ҳақдор кафолатга олинган кишидан ҳаққини талаб қилиб олиши имконсиз бўлгандагина кафилдан талаб қилиши мумкин.

Чунки, кафолат фаръ-иккинчи даражалидир, асл-асоснинг имкони бўлмаган ҳолдагина фаръга муурожаат қилинади, кафолат ҳам худди гаров каби ҳаққи ишончли қилиб

қўйишдир, гаровга қўювчидан ҳақни олиш имконсиз бўлган ҳолдагина гаровдан олинади.

Кафолатга олинган киши тургани ҳолда ҳақни кафилдан талаб қилиш одамлар наздида ҳам яхши иш эмас. Чунки, одамлар ичида маълум урф шуки, қачонки, кафолатга олинган шахсдан ҳақни талаб қилиш имконсиз бўлса ёки у ҳақни тўлашдан ожиз бўлса, шундагина кафилдан талаб қилинади. Имом Ибнул Қаййим шу маънодаги сўзни зикр қилиб: «Кўриб турганингиздек, мана шу сўз кучлидир», дейди (Иъламул-муваққиъийн: 3/399).

Кафолатга доир масалалардан:

Кафолатга олинган шахс қарзини тўлаганидан кейингина кафолатга олувчининг зиммасидан кафиллик хориж (соқит) бўлади. Чунки, кафилнинг зиммаси кафолатга олинувчининг зиммасидан фаръ ва унга тобеъдир, кафиллик васиқадир, асл соқит бўлгач, васиқа ҳам кетади.

Кафил бир нечта бўлиши, яъни, битта ҳаққа икки ва ундан ортиқ кишининг кафолати жоиздир. Улардан ҳар бири битта ҳақнинг ҳаммасига кафил бўладими ёки бир қисмига кафил бўладими фарқсиз, улардан бирининг зиммаси иккинчисининг зиммаси хориж бўлганидан кейингина хориж бўлади, ҳаммаларининг кафилликлари кафолатга олинган шахснинг хориж бўлиши билан хориж бўлади.

Кафолатнинг яроқли бўлиши учун кафил ўзи томонидан

кафолатга олинаётган шахсни таниши шарт қилинмайди, у: «Ким сендан қарздор бўлса, мен кафилман», деса, саҳиҳ бўлади.

Кафолатга олувчи киши кафолат талаб қилувчини таниши ҳам шарт қилинмайди. Чунки, кафолат учун кафолатга олинаётган шахснинг ҳам, кафолат сўровчининг ҳам розилиги шарт эмас. Демак, уларни таниш ҳам шарт қилинмайди.

Маълумнинг кафолати ҳам, номаълумнинг кафолати ҳам – агар уни маълумга таъвил қилинса – саҳиҳ бўлади. Чунки, Аллоҳ таоло айтади: «Уни келтирган кишига бир туя юк (мукофотдир). Мен шунга кафилман» (Юсуф: 72). Бир туя юкнинг миқдори номаълум, лекин, уни маълумга таъвил қилинади. Оят унинг жоизлигига далил бўлди.

Байъ қилинган нарсанинг уҳдасини (яъни, урдасидан чиқишни, жавобгарлигини) кафолатга олиш дурустдир. Яъни, сотилган нарса сотувчидан бошқанинг ҳаққи экани маълум бўлса, унинг баҳосига (пулига) кафил бўлади.

Бир шахснинг зиммасига вожиб бўлган қарз ва шу кабиларнинг кафолатини олиш жоиздир.

Ҳаволага доир аҳкомлар ҳақидаги боб

Ҳавола луғатда «айланиш» маъносидаги «тахаввул» сўзидан олинган бўлиб, қарзни бировнинг зиммасидан

бошқа бировнинг зиммасига ўтиши маъносини англатади. Шу туфайли фуқаҳолар ҳам унга: «қарзни бир зиммадан бошқа зиммага ўтиши» деб таъриф берганлар.

У суннат ва ижмоъ далили билан жоиздир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «...
«وَمَنْ أَتْبَعَ عَلَىٰ مَلِيٍّ فَلْيَتَّبِعْ»

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биронтангиз (тўлашга қодир бўлган) бойга эргаштирилса, эргашсин» (яъни бойга ҳавола қилинса, ҳаволани қабул қилсин), деганлар (Бухорий (2287) ва Муслим (1564) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар). Бир лафзда: «Қай бир кишининг ҳаққини бойга ҳавола қилинса, унинг ҳаволасини қабул қилсин» (Аҳмад (2/463), №9973), Байҳақий «Кубро»да (6/70) ривоятлари).

Бир қанча уламолар ҳаволанинг собитлигига ижмоъ борлигини айтганлар

Бунда одамларга мурувват кўрсатиш, уларнинг муомалаот йўлларини енгиллаштириш, бағрикенглик, ҳожатларини барор қилишда, қарзларини ўташда ва роҳатларини бажо келтиришда ҳамкорлик қилиш бордир.

Айримлар ҳаволанинг қиёсга мувофиқ келмаслигини, чунки қарзни қарзга сотиш бўлиб қолишини айтганлар. Қарзни қарзга сотиш ман қилинган, бироқ, бу ҳаволада қиёсдан ташқари жоиздир, дейдилар. Аллома Ибнул

Қаййим буни рад этган ва ҳаволанинг қиёсга мувофиқ жорий бўлишини, чунки, у ҳақни ўтаб қўйиш жинсидан эканини, байъ жинсидан эмаслигини баён қилган.

У айтади: «Агарда қарзни қарзга байъ қилиш бўлганда ҳам шариат соҳиби на лафзи билан, на лафзининг маъноси билан бундан қайтарди, балки шориънинг қоидалари унинг жоизлигини тақозо этади. Зеро, ҳавола қарзни кўчишини ва ҳавола қилувчининг зиммасидан ҳавола қилинувчининг зиммасига ўтишини тақозо қилади» (Иъламул-муваққиъийн: 2/9).

Ҳавола бир неча шартлар билан саҳиҳ бўлади:

Биринчи шарт: Ҳавола қилинган шахснинг зиммасида ўрнашган қарз эвазига бўлиши. Чунки, ҳаволанинг тақозоси – ҳавола қилинаётган киши зиммасига қарзни лозим қилишдир. Агар қарз бўйнига ўрнашган бўлмаса, у соқит бўлишга нишона бўлади ва унга ҳавола қилиб бўлмайди. Байъ қилинган молнинг пулига хиёр муддати ичида ҳавола қилиш мумкин эмас, ўғилдан отасига отанинг розилигисиз ҳавола қилиш ҳам мумкин эмас.

Иккинчи шарт: Ҳавола қилинаётган ва унга ҳавола этилаётган қарзларнинг ҳар иккиси бир-бирига тўғри келиши, яъни, бир жинсдан бўлмоғи керак, дирҳамларни дирҳамларга ҳавола қилиш каби.

Васфда ҳам бир хил бўлиши керак, масалан, зарб қилинган

дирхамларни зарб қилинган дирхамларга, саудия пулини айни саудия пулига ҳавола қилиш каби.

Вақтда ҳам бир хил, яъни, нақд ва насияликда бир-бирига тўғри келиши лозим. Агар иккала қарздан бирининг тўлов вақти келган, иккинчиси муддатли бўлса ёки бирининг тўлов вақти бир ойдан кейин, иккинчисининг тўлов вақти икки ойдан кейин бўлса, ҳавола саҳиҳ бўлмайди.

Иккала қарзнинг миқдори ҳам бир хил бўлмоғи шарт. Яъни, масалан, юз сўмни тўқсон сўмга ҳавола этиб бўлмайди. Чунки, бу худди қарзга ўхшаган қулайлик яратиб бериш битимидир. Агар ўртада ортиқ-камлик жоиз бўлганида, ўзининг мавзусидан – яъни, қулайлик яратиб беришдан – чиқиб, зиёдалиқ талаб қилишга ўтиб қолган бўлар эди. Бундай қилиш эса худди қарзда жоиз бўлмагани каби жоиз эмас. Лекин, зиммасидаги қарзнинг бир қисмини ҳавола қилса ёки унинг зиммасидаги қарздан бир қисмига ҳавола қилса, бу нарса жоиз бўлади ва қарзнинг қолган қисми ўз ҳолича эгаси зиммасида қолади.

Учинчи шарт: Ҳавола қилувчининг розилиги. Чунки, ҳақ унинг зиммасидадир. Шундай экан, у зиммасидаги ҳақни албатта ҳавола йўли билан тўлаши лозим эмас. Унга ҳавола қилинаётган кишининг розилиги эса шарт эмас. Агар ҳавола бой ҳамда тўлашни чўзиб юрмайдиган кишига қилинаётган бўлса, ҳақдорнинг розилиги ҳам шарт эмас. Балки, ҳақдор бу ҳаволани қабул қилишга мажбур бўлади

ва ҳаққини у ҳавола қилинган шахсдан талаб қилиши керак бўлади. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَطْلُ الْغَنِيِّ ظُلْمٌ، فَإِذَا أَتَبَعَ أَحَدُكُمْ عَلَى مَلِيٍّ فَلْيَتَّبِعْ»

«Бойнинг (қарзни тўлашни) пайсалга солиши зулмдир, биронтангиз (тўлашга қодир бўлган) бойга эргаштирилса, эргашсин» (яъни бойга ҳавола қилинса, ҳаволани қабул қилсин), деганлар (Бухорий (2287) ва Муслим (1564) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар). Бир лафзда: «Қай бир кишининг ҳаққини бойга ҳавола қилинса, унинг ҳаволасини қабул қилсин» (Аҳмад (2/463), №9973), Байҳақий «Кубро»да (6/70) ривоятлари).

Бойдан мурод – тўлашга қодир ва пайсалга солиш билан танилмаган кишидир. Агар ҳавола қилинаётган киши бой бўлмаса, ҳақдор унга ҳавола қилинишни қабул қилишга мажбур эмас. Чунки, бунда унга нисбатан зарар бор.

Шу муносабат билан, зиммаларида одамларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бўлган ва уларни тўлаб қўйишга қодир кишиларга насиҳатимиз шуки, ҳақларни ўз эгаларига ёки ҳавола қилинган кишиларга адо қилиш билан зиммаларини хориж қилишга шошилсинлар, пайсалга солиш ва ғирромлик қилиш билан ўз обрўларига путур етказмасинлар. Кўпинча ҳақ эгаларидан уларга ўз ҳақларини кечиктириш билан ва қарздорларнинг ўз қарзларини шаръий узрсиз тўламасликлари оқибатида

етказилаётган зулмлар хусусда шикоятлар эшитамиз. Шунингдек, бойларнинг уларга ҳавола қилинган қарзларни тўлашни пайсалга солишлари ва ҳақдорларни қийнашларини, бунинг оқибатида ҳавола дегани одамлар ундан қочадиган бир шарпага айланиб қолганини эшитамиз.

Агар ҳавола ўзининг мазкур шартлари жамланган саҳиҳ ҳолида бўлса, ҳақ ҳавола қилувчининг зиммасидан ҳавола қилинаётган кишининг зиммасига кўчиб ўтади ва ҳавола қилувчининг зиммаси бу ҳақдан хориж бўлади. Чунки, ҳаволанинг маъноси – ҳақнинг бир зиммадан иккинчи зиммага кўчиши, демакдир. Шундан кейин ҳақдор ҳаққини ҳавола қилувчи кишидан талаб қилиши жоиз бўлмайди, чунки унинг ҳаққи бошқа одам зиммасига кўчиб ўтган бўлади. У энди ўз талабини ҳавола қилинувчи кишига қаратиши, уни ундан ундириши ёки у билан бирон хил тўлов шаклига келишиб олиши лозим бўлади.

Шариатга мувофиқ бўлган ҳавола саҳиҳ-дуруст тўлов ва маршрут йўлдир. Уни тўғри ишлатилганда, ундан чиройли фойдаланилганда ва алдову ғирромликка йўл қўйилмаганда, одамлар учун кўп қулайликлар вужудга келади.

Ваколатга доир аҳкомлар ҳақидаги боб

Ваколат лугатда «топшириш» маъносини англатади, истилоҳда эса бир киши ўзига ўхшаган тасарруфи жоиз (яъни, тасарруф қилишга лаёқатли) бир кишини ноиблик мумкин бўладиган ишларда ўзидан ноиб (вакил) қилиши, маъносида ишлатилади.

Ваколат Қуръон, Суннат ва ижмоъ билан жоиздир.

Аллоҳ таоло айтади:

«Энди бир кишини мана шу пулингиз билан шаҳарга жўнатинглар, у энг сара, покиза таомларни танлаб, сизларга ундан ризқ, насиба олиб келсин... дейишди» (Каҳф: 19).

«(Юсуф) деди: Мени шу Ернинг хазиналари устига қўйгин» (Юсуф: 55).

«Албатта, садақалар (яъни, закотлар) ... уни йиғувчиларга ...» (Тавба: 60).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Урва ибн ал-Жаъд розияллоҳу анҳуни қўй сотиб олишга вакил қилганлар (Бухорий (3642) Урва ал-Бориқийдан ривояти), Маймуна розияллоҳу анҳога уйланишларида Абу Рофиъ розияллоҳу анҳуни вакил қилганлар (Термизий (841) ва Аҳмад (6/392, №27197) ривоятлари), закот йиғиш учун закотчиларни юборардилар.

Ал-Муваффақ ва бошқалар ваколатнинг жоизлигига уммат ижмоъ қилганини айтганлар.

Уни зарурат ҳам тақозо қилади, чунки, ҳар ким ҳам ўзи муҳтож бўладиган ишларнинг ҳаммасини бир ўзи қилиш имконига эга бўлмайди (Ал-муғний: 5/51).

Ваколат ақди нима билан амалга ошади:

Ваколат ақди изнга далолат қилувчи: «Сен шундай қилгин» ёки «Сенга шу ишни қилишингга изн бердим» деганга ўхшаган ҳар қандай сўз билан амалга ошади.

Ваколатни дарҳол қабул қилиш ҳам, қабул қилишни англатувчи ҳар қандай сўз ё иш билан кейинроқ қабул қилиш ҳам дуруст бўлади. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вакилларининг қабули у зот уларни вакил қилганларидан кейинроқ ҳам амалга ошарди.

Ваколат вақтинчалик бўлиши, шунингдек, бирон шартга боғлиқ бўлиши мумкин, масалан: «Сен менга бир ойлик вакилсан» ёки «Ҳовли-жойимнинг ижара муддати тамом бўлганидан кейин уни сотиб юбор» деганга ўхшаган.

Вакилни аниқ тайин қилиш эътиборлидир, «Мана бу иккисидан бирини вакил қилдим» дейиш билан ёки ўзи танимайдиган кишини вакил қилиш билан ваколат ақди амалга ошмайди.

Қандай ишларда ваколат дуруст бўлади:

Одамларнинг ҳақ-ҳуқуқларига таллуқли бўлган ишлардан ниёбат (бировни ўзига вакил ва ўринбосар қилиш) мумкин бўладиган ҳар қандай битим тузиш ва уни бузиш ишида

ваколат дуруст бўлади.

Битим тузиш – сотиб олиш, сотиш, ижарага бериш, қарз бериш, музораба (шериклик иш қилиш) кабилардир.

Битимни бузиш – талоқ, хуль (аёл кишининг талаби билан никоҳ бузилиши), озод қилиш, бўшатиб юбориш кабилардир.

Ниёбатни қабул қиладиган Аллоҳнинг ҳақ-ҳуқуқлари бўлган ҳар қандай ибодатларда ваколат дуруст бўлади. Масалан, садақаларни тарқатиш, закот чиқариш, назр, каффорат, ҳаж, умра каби ибодатларда ваколат дуруст. Чунки, булар ҳақида далиллар келган.

Ниёбатни қабул қилмайдиган Аллоҳнинг ҳақ-ҳуқуқларида эса ваколат дуруст бўлмайди. Улар асосан баданий ибодатлардир, намоз, рўза, таҳорат каби. Чунки, булар ҳар бир кишининг баданига тааллуқли ибодатлардир.

Ҳад (шаръий жазо)ни исботлаш ва уни ижро қилишда ваколат дуруст бўлади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам : «Эй Унайс, ўша аёл олдига боргин, агар (зино қилганини) бўйнига олса, уни тошбўрон қил», деганлар (Бухорий (2314) ва Муслим (1697) Абу Ҳурайра ва Зайд ибн Холид ал-Жуханий розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар).

Вакил ўзига топширилган ишни бошқа бировга топшириши мумкин эмас, фақат бир неча масалада мумкин:

Вакил қилувчининг ўзи: «Истасанг, бировни вакил қил» ёки «истаганингни қил» деб, бунга изн берган бўлса.

Ваколати топширилган иш унга ўхшаганлар қиладиган иш бўлмаса, яъни, у бундай ишни қилишни ўзига эп кўрмайдиган катта одамлардан бўлса.

Ўзи вакил қилинган ишни адо этишга кучи етмаса.

Ўзи вакил қилинган ишни яхши бажара олмаса.

Мана шу ҳолатларда у ишончли бир кишини вакил қилиши жоиз бўлади, чунки, унга ишончли бўлмаган одамни вакил қилишга изн берилмаган.

Ваколат икки тарафдан жоиз ақд бўлиб, вакил қилувчи тарафидан изн, вакил тарафидан эса фойда келтириш, иккаласи ҳам бунга мажбур бўлмайдилар, ҳар иккиси истаган пайтларида уни бекор қилиши мумкин.

Ваколатни бекор қилувчи ишлар:

Ваколат иккала тарафдан бирининг уни бекор қилиши ёки вафоти ёки ақлдан озиб қолиши билан бекор бўлади. Чунки, ваколат ҳаёт ва ақлга суянади, улар бўлмаса, у яроқли бўлмайди.

Ваколат вакил қилувчининг вакилни бўшатиши билан ҳам бекор бўлади.....

Вакил қилиш ва вакил бўлиш жоиз бўладиган ишлар:

Ким бир ишда тасарруф қила олса, унда вакил қилиши ва вакил бўлиши мумкин. Кимнинг тасарруфи яроқли бўлмаса, унинг ноиби ҳам (яроқсиз бўлишга) лойиқроқ.

Ким сотиш ёки сотиб олишга вакил қилинган бўлса ўзидан сотиб олмайди ва ўзининг нарсасини сотмайди. Чунки, байъдаги урф – бошқа биров билан байъ қилишдир. Акс ҳолда унга бирон тухмат (айблов) етиб қолиши мумкин. Шунингдек, ўзининг фарзандидан, отасидан, аёлидан ва унга гувоҳликлари қабул қилинмайдиган бошқа кишилардан байъ қилиши дуруст бўлмайди. Чунки, бу ҳолда ҳам унга тухмат (айблов) етиб қолиши мумкин.

Вакил қилувчига ва вакилга тааллуқли тасарруфлар ҳақидаги боб:

Тўловни амалга ошириш, сотиб олинган молни олиш, айби бўлса қайтариб юбориш каби ақд ҳуқуқлари вакил қилувчига тааллуқлидир.

Байъга вакил қилинган киши молни топширади, вакил қилувчининг изнисиз ёки изнга далолат қилувчи бирон қарина (белги)сиз тўлов баҳосини қабул қилиб олмайди, яъни, масалан бир ўринда сотган бўлсаки, ўша жойнинг ўзида пулини олмаса, у зое бўлиб кетиши мумкин бўлса, мана шу нарса изнга қарина бўлади. Сотиб олишга вакил бўлган киши тўловни амалга оширади, чунки, бу унинг ваколатидан ва ҳуқуқидан саналади....

Вакилнинг бўйнига юкланадиган ва юкланмайдиган жавобгарликлар:

Вакил омонатдордир, унинг бепарволигисиз ва тажовузисиз талафотга учраган молнинг кафолати (жавобгарлиги) унга юкланмайди. Агар бепарволик қилган бўлса ёки ҳаддидан ошган бўлса ёки ундан молни талаб қилинганда узрсиз уни топширмаган бўлса, у уни тўлаши лозим бўлади.

Байъ ва ижарада вакил қилинган вакилнинг тўловни ва ижара ҳақини қабул қилиб олгани ва улар унинг қўлида талафотга учрагани ҳақидаги сўзи қабул қилинади. Унинг тўлов ва ижара ҳақининг миқдори ҳақидаги сўзи ҳам қабул қилинади, валлоҳу аълам.

Ҳажрга оид аҳкомлар ҳақидаги боб

Ислом молларни асраш ва одамларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш учун келган. Шунинг учун ҳам у инсонларнинг мол-мулкларини ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида айрим ҳажрга (яъни, тасарруфдан тўсилишга) лойиқ бўлган кишиларни ҳажр қилишни машруъ қилди.

Ҳажр луғатда «ман қилиш, тўсиш» маъноларини англатади. Ҳаромни ҳам ҳижр дейилади, чунки ундан ман қилинган. Ҳижр шу маънода Қуръони каримда ҳам келган: «Ва (фаришталар уларга) дерлар: (Ҳар қандай хушхабар сизлар

учун) бутунлай ҳаромдир» (Фурқон: 22).

Ақлни ҳам ҳижр дейилган. Аллоҳ таоло айтади: «Мана шу (қасам ичилган нарсаларда) ақл эгаси учун (етарли) қасам бордир?!» (Вал-фажр: 5). Чунки, ақл ўз эгасини қабих ва оқибати зарарли ишларни қилишдан тўсади.

Ҳажрнинг шариатдаги маъноси – бир инсонни ўз мол-мулкини тасарруф қилишдан тўсиш ва ман қилишдир.

Ҳажрга Қуръони каримдан далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидир: «(Қўл остингиздаги) ақлсиз кимсаларга (яъни ёш, нодон етимларга) Аллоҳ сизлар учун турмуш воситаси қилиб қўйган молларингизни (яъни қўлларингиздаги уларнинг молларини) бериб қўймангиз, балки уларни ўша моллардан едириб-кийдилинг ва уларга яхши сўзлар билан муомала қилинг! Етимларни то балоғат ёшига етгунларича имтиҳон қилиб (текшириб) туринглар. Агар уларнинг эс-ҳушлари жойида эканини кўрсангиз, молларини ўзларига топширинглар» (Нисо: 5, 6). Ушбу икки оят ақлсиз кишиларни ва етимларни ўз молларини зое қилиб юбормасликлари учун уларни тасарруф қилишдан ҳажр қилиш – ман қилиш лозимлигига, молларининг тасарруфи уларга фақат ақл-ҳушларини таниганларидан кейин берилишига далил бўлди.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзи саҳобани қарзларини тўлаши учун ҳажр қилиб қўйганлар (Дорақутний (4/230, №95), Ҳоким (2/67) Каъб ибн Молик

розияллоху анхудан ривоят қилганлар).

Ҳажр икки турлидир:

1) Бир инсонни бошқа бировлар насибасини сақлаб қолиш учун ҳажр қилиб қўйиш. Масалан, муфлис (яъни, қашшоқлашиб қолган) кишини унга қарз берган кишилар насибасини сақлаш учун ҳажр қилиш, меросхўрлари насибасини сақлаш учун беморни ўз молининг учдан биридан ортиқчасини васият қилишидан ҳажр қилиш каби.

2) Бир инсонни ўзига фойда бўлиши учун ва моли зое бўлиб, йўқ бўлиб кетмаслиги учун ҳажр қилиб қўйиш. Сағир, ақлсиз ва мажнун кишини ҳажр қилишга ўхшаган. Бунга далил: «(Қўл остингиздаги) ақлсиз кимсаларга (яъни ёш, нодон етимларга) Аллоҳ сизлар учун турмуш воситаси қилиб қўйган молларингизни (яъни қўлларингиздаги уларнинг молларини) бериб қўймангиз» (Нисо: 5) оятидир. Оятдаги ақлсиз кимсалардан мурод – ёш болалар ва аёллардир, уларга молларини бўлар-бўлмасга берилмайди, деган фикр ҳам айтилган. Улардан мурод – ақлдан бегоналар, мажнунлар ва ёш болалардир, уларга молларини зое қилиб қўймасликлари учун берилмайди, деган фикр ҳам айтилган. Оятда хитоб қилинган кишилар уларни назорат қилиб турувчи ва молларини асраб турувчи кишилардир.

Биринчи тур: бир инсонни бошқанинг насибаси учун ҳажр қилиш:

Бундан мурод – муфлисни ҳажр қилишдир. Муфлис – зиммасида тўлов муддати келган қарзлари бор бўлган, бироқ мавжуд моли бунга имкон бермайдиган киши бўлиб, қарз эгаларига зиён етмаслиги учун уни молини тасарруф қилишдан ман қилинади.

Аммо, қарзидан бирон нарсани тўлашга қурби етмайдиган камбағал қарздордан қарзни талаб қилинмайди, балки унинг қодир бўлишини кутилади: «Агар (қарздор) ночор бўлса, бойигунча кутинг!» (Бақара: 280).

Камбағал ва ночор қарздорни бойигунча кутишнинг фазли ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қилганлар: «Ким Аллоҳ уни Ўз соясида соялантиришини истаса, ночор кишига енгиллик берсин» (Табароний «Кабир»да (1/304, №899) Асъад ибн Зурора розияллоҳу анҳудан ривоят қилган, Муслимда ҳам (3006) шу маънода Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадис бор).

Ночорнинг бойишини кутишдан кўра ҳам афзалроғи унинг қарзини бутунлай кечиб юборишдир. Аллоҳ таоло айтади: «Агар билсангизлар (берган қарзингизни) садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир» (Бақара: 280).

Аммо, бир киши қарзини тўлашга қодир бўлса, унга ҳажр қилиш жоиз эмас, чунки, бунга ҳожат йўқ. Қарз эгалари талаб қилишса, уни қарзини тўлаб қўйишга буюрилади. Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бойнинг

(қарзни тўлашни) пайсалга солиши зулмдир», деганлар (Бухорий (2287) ва Муслим (1564) Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилганлар). Яъни, қарзини тўлашга қодир одамнинг тўлашни чўзиб юриши зулмдир, чунки, у ўз зиммасида фарз бўлган одамларнинг ҳақ-ҳуқуқларини адо этишни пайсалга солиб юрган бўлади. Агар қарзларини ўтаб қўйишдан бош тортса, уни қамокқа олинади.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ким қарзини тўлашга қодир бўлгани ҳолда бундан бош тортса, уни уриш ва қамаш орқали қарзини ўташга мажбур қилинади, бунга Молик, Шофеъий ва бошқа имомларнинг асҳоблари далил олиб келганлар... Мен бу масалада низо борлигини билмайман» (Ал-фатавал-кубро: 5/397).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тоғиб турган (яъни қарзини тўлашга қодир бўлиб турган) одамнинг чўзиб юриши унинг обрў-номуси (тўкилиши)ни ва жазога тортилишини ҳалол қилади», деганлар (Абу Довуд (3628), Насоий (4689), Ибн Можа (2427), Аҳмад (4/388, №19456) Шарид ибн Сувайд ас-Сақафий розияллоху анхудан ривоят қилганлар).

Обрў-номуси тўкилиши унинг устидан шикоят қилиш, жазога тортилиши эса ҳибсга олиниши билан бўлади. Зиммасидаги ҳақни адо қилишни пайсалга солиб юрган киши қамалиш ва таъзир берилиш жазосига лойиқ бўлади, то қарзини ўтаб қўймагунича бу жазо такрорланиб туради.

Агар пайсалга солишда қаттиқ турса, ҳоким аралашади ва унинг молини сотиб, ундан қарзларини тўлайди. Чунки, бу ҳолда ҳоким унинг ўрнини босади ва бу билан ҳақдорлардан зиёни кетказади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Бировга) зарар етказиш ҳам, (ўзига) зарар бериш ҳам йўқдир», деганлар (Ибн Можа (2340), Аҳмад (5/326, №22778) Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Юқорида ўтгани каби, қарздор икки ҳолатдан бирида бўлади:

Моли зиммасидаги қарздан кўпроқ бўлади. Бу ҳолда уни молида ҳажр қилинмайди, балки қарз эгаси талаб қилса, уни қарзини тўлашга буюрилади. Агар бош тортса, то тўламагунича ҳибсга олиниб, таъзир берилади. Агар ҳибс ва таъзирга сабр қилса ва қарзни тўлашдан бош тортаверса, ҳоким аралашади ва унинг молидан қарзини тўлатади, агар керак бўлса, бунинг учун зарур миқдорда унинг молидан сотдиради.

Моли зиммасидаги тўлаш муддати келган қарздан озроқ бўлади. Бундай одамни агар ҳақдорлар талаб қилсалар, уларга зиён етмаслиги учун молини тасарруф қилишдан тўсиб қўйилади. Каъб ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтилганидек: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муозга ҳажр қилдилар ва унинг молини сотдилар» (Доракутний (4/230, №95), Ҳоким

(2/67) ривоят қилган ва саҳиҳ санаган). Ибнут-Таллоъ: «Бу собит ҳадисдир», деган (Ат-талхисул-хабир: 3/37).

Шу ҳолатда унга ҳажр қилинган, буни эълон қилинади ва одамларга унинг ҳажр қилинганини билдириб қўйилади, токи улар билмасдан у билан молиявий муомала қилиб, моллари зое бўлиб қолмасин.

Ҳажр қилинган кишига тўртта ҳукм тааллуқ топади:

Биринчи ҳукм: Бу ҳақдорларнинг унинг ҳажр қилинишидан олдин мавжуд бўлган молидаги ҳақларига ва ҳажр қилингандан кейин мерос, жиноятнинг жаримаси, ҳадя, васият ва шу қабила билан вужудга келган молидаги ҳақларига тааллуқли бўлиб, бу молларига ҳам худди ҳажрдан аввалги молларига етганидек ҳажр етади. Молида ҳажр қилинган кишининг ҳажрдан кейинги ҳеч бир тасарруфи яроқли саналмайди, молидан бирон нарсани бировга беришга қарор қилиши дуруст саналмайди, чунки, унинг мулкида ҳақдорларнинг ҳақлари тааллуқ топган бўлиб, унинг бу қарори мақбул бўлмайди. Ва ҳатто ҳажр қилинишидан олдин ҳам унинг ўз молида ҳақдорларга бирон зиён етадиган тасарруф қилиши ҳаром эди.

Имом Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Агар қарзлари ҳамма молини қамраб олган бўлса, қарз эгаларига зарар етказадиган шаклда молини табарруъ қилиши (яъни бериб юбориши) дуруст бўлмайди, хоҳ ҳоким унга ҳажр қилган бўлсин, хоҳ ҳажр қилган бўлмасин, фарқсиз. Бу Моликнинг

мазҳаби ва шайхимиз (шайхулислом Ибн Таймия) ихтиёр қилган фикрдир. Саҳиҳ гап шудир, мазҳабнинг усулига шундан бошқаси лойиқ ҳам эмас, балки бу шариат усули ва қоидалари тақозосидир. Чунки, ҳақдорларнинг ҳаққи унинг молига тааллуқ топгандир, шу туфайли ҳоким унга ҳажр қилади. Агар ҳақдорларнинг ҳаққи тааллуқ топмаганида, ҳоким унга ҳажр қилиши мумкин бўлмасди. У худди ўлим тўшагида ётган беморнинг молига ворисларнинг ҳаққи тааллуқ топгач, шариат унга молининг учдан бирдан ортиқчасини васият қилишдан ман қилгани кабидир. Чунки, молини табарруъ қилиб юборишида ворисларининг ҳаққини бекор қилиш ҳосил бўларди. Энди бу қарздорнинг ҳам ўз молини табарруъ қилишида ҳақдорларнинг ҳаққини бекор қилиш ҳосил бўлади. Шариат бунинг учун келмаган, балки у ҳақ эгаларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва уларни зое бўлишга олиб борадиган йўллари тўсиш учун келган» (Иъламул-муваққиъийн: 4/8-9).

Иккинчи ҳукм: Кимда-ким унга ҳажр қилинишидан аввал сотган ё қарзга берган ё ижарага берган молининг айни ўзини топса, уни муфлисдан қайтариб олиб қўйиши мумкин. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким матосини муфлис бўлган одамда топса, у ўшанга ҳақлироқдир», деганлар (Бухорий (2402) ва Муслим (1559) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Фуқаҳолар – раҳимаҳумуллоҳ – сўзларига кўра, ҳажр

килинган муфлиснинг кўлида ўзига қарашли молни топган киши уни қайтариб олиши учун олти шарт топилиши лозим:

Муфлис то у ўша молини қайтариб олгунига қадар ҳаёт бўлиши. Чунки, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: «Агар (муфлис) вафот этса, матонинг эгаси (бошқа) ҳақдорларга ўхшаган (яъни, ўшалар қаторида) бўлади», деганлар (Абу Довуд (3520) Абу Бакр ибн Абдуррахмондан мурсал ҳолда ривоят қилган).

Ўша матонинг тўлов ҳаққи тўлалигича муфлиснинг зиммасида қолган бўлиши. Агар мол эгаси молнинг пулидан бир қисмини олган бўлса, уни қайтариб олишга ҳаққи бўлмайди.

Матонинг ҳамаси тўлалигича муфлиснинг кўли остида қолган бўлиши. Агар матосининг бир қисминигина топса, уни қайтариб ололмайди. Чунки, у молнинг айинини топмади, балки бир қисминигина топди.

Мато ўз ҳолича турган бўлиши, унинг сифатига бирон ўзгариш етган бўлмаслиги.

Матога бошқа бировнинг ҳаққи тааллуқ топмаган бўлиши, яъни, муфлис уни гаровга қўйган ё шунга ўхшаган бирон ишга аралаштириб қўйган бўлмаслиги.

Молга семириш ва шу каби бирон зиёдалиқ етмаган бўлиши.

Мазкур шартлар топилган тақдирдагина мол эгаси уни муфлис деб эълон қилинган шахсдан қайтариб олиши мумкин бўлади.

Учинчи ҳукм: Унга ҳажр қилингандан кейин то ҳажр ечилмагунича ҳақдорларнинг ундан молларини талаб қилишлари кесилиши. Ким унга ана шу давр оралиғида бирон нарсани сотган ёки қарзга берган бўлса, уни энди ундан ҳажр ечилганидан кейин талаб қилади.

Тўртинчи ҳукм: Ҳоким унинг молини сотади ва пулини тўлов муддати келган қарз эгаларининг қарзлари миқдорига қараб тақсимлайди. Чунки, унга нисбатан қилинган ҳажрдан мурод шудир. Буни кечиктиришда уларга нисбатан пайсалга солиш ва зулм ҳосил бўлади.

Ҳоким муфлисга зарурий даражада уй-жой ва бошқа таъминотларини қолдиради.

Аммо, ҳали тўлов муддати келмаган қарз муфлислик сабабли муҳлати келган бўлиб қолмайди ва муҳлати келган қарзлар қаторига қўшилиб қолмайди. Чунки, муддат муфлиснинг ҳаққидир, у унинг бошқа ҳуқуқлари каби соқит бўлмайди ва зиммасида қолаверади.

Унинг молини муҳлати келган қарз эгаларига бўлиб берилганидан кейин шу билан қарзи тўланган бўлса, ҳокимнинг ҳукмисиз ҳам ундан ҳажр ечилади. Чунки, ҳажрни тақозо қилувчи сабаб кетди.

Агар муҳлати келган қарзлари бу билан битмаса, ундан ҳажр фақат ҳокимнинг ҳукми билангина ечилиши мумкин.

Ҳажрнинг иккинчи тури:

У бир инсонга ўзининг фойдаси учун, молини зое қилишдан сақлаб қолиш учун ҳажр қилишдир. Чунки, бу дин раҳмат динидир, у инсонлар учун манфаат бор бўлган бирон нарсани қолдирмасдан, уни қилишга тарғиб қилади, инсонлар учун зарар бўлган ҳар қандай ишдан огоҳлантиради.

Шу жумладан, тасарруф қилиш лаёқатига эга ва мубоҳ йўл билан ҳалол-поқ касб қилишга лойиқ бўлган кишига кенг имконият очиб қўйди. Чунки, бу билан шахсга ҳам, жамиятга ҳам манфаат келади.

Аммо, агар инсон ёши кичиклиги, ақлсизлиги ёки эсидан айрилгани туфайли касб талаб қилишга ва тижорат қилишга лаёқатли бўлмаса, Ислом уни тасарруфдан ман қилади ва унга молини авайлаб-асрайдиган ва ўстириб-кўпайтирадиган бир васийни белгилайди. Юқоридаги монеъликлар кетганидан сўнг васий унга молини тўла-тўқис топширади.

Аллоҳ таоло айтади: «(Қўл остингиздаги) ақлсиз кимсаларга (яъни ёш, нодон етимларга) Аллоҳ сизлар учун турмуш воситаси қилиб қўйган молларингизни (яъни қўлларингиздаги уларнинг молларини) бериб қўймангиз,

балки уларни ўша моллардан едириб-кийдиринг ва уларга яхши сўзлар билан муомала қилинг! Етимларни то балоғат ёшига етгунларича имтиҳон қилиб (текшириб) туринглар. Агар уларнинг эс-ҳушлари жойида эканини кўрсангиз, молларини ўзларига топширинглар» (Нисо: 5, 6).

Ҳажрнинг бу тури зиммага ҳам, молга ҳам умумийдир, бу турдаги ҳажрга тушган киши ўз молини сотиш, эҳсон қилиш ва бошқа шу каби тасарруфларга ҳақли бўлмайди. Қарз, кафолат кабиларни ўз зиммасига ҳам олмайди. Чунки, бу одамларнинг молларини зое бўлишга олиб келиши мумкин.

Ақлсиз бўлмаган кишилар улар билан тасарруф қилишлари дуруст бўлмайди. Яъни, у (ҳажр қилинган киши) молини уларга олди-сотди ё қарз ё омонат каби йўллар билан берган бўлса, (бу битими яроқли бўлмайди). Уларга берган нарсасини агар ўша нарсанинг айни ўзи турган бўлса, қайтариб олади.

Агар уларнинг қўлларида талафотга учраган бўлса ёки улар уни йўқ қилиб юборган бўлсалар, у бекорга кетган бўлади ва тўлашга мажбурланмайдилар. Чунки, у ўз ихтиёри билан уни уларга бериши ва уларни бунга эга қилиб қўйиши билан бу борада бепарволик қилган бўлади.

Сағирлик ё шу каби сабаблар билан ҳажр қилинган киши бирон жон ёки молга нисбатан жиноят қилиб қўйса, у бунга зомин (яъни жавобгар) бўлади ва жиноятига яраша жазони

олади.

Фикҳий қоида борки, талафот етказишнинг жавобгарлигида аҳл (лойиқ, қобил) одам ҳам, бошқаси ҳам бирдек баробар бўлади.

Аллома Ибнул Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Норасида, мажнун, ухлаб қолган одам ўзи талафот етказган молга зомин бўлади, бу – уммат манфаатлари шу билан тўла-тўқис руёбга чиқадиган умумий қонун-қоидалардандир. Агар қўллари қилган жиноятларга зомин бўлмаганларида эди, бир-бирларининг молларига талафот етказишар ва қасддан эмас, билмай қилганлик даъвосини қилган бўлишарди» (Иъламул-муваққиъийн: 2/172).

Гўдак боладан ҳажр икки иш билан зоил-йўқ бўлади:

Биринчи иш: Балоғат ёшига етиши билан, бу эса бир неча аломатлар билан билинади:

Уйқуда ё уйғоқ ҳолида маний (уруғ суви, сперма) тўқиши билан. Аллоҳ таоло айтади: «Қачон гўдакларингиз ҳулумга (яъни балоғатга) етсалар, бас улар ҳам худди улардан илгари (балоғатга етганлар) каби изн сўрасинлар! (Нур: 59). Ҳулум ёки эҳтилом деб бола уйқусида маний тўқишига айтилади.

Таносил аъзоси атрофида дағал тук ўсиши.

Ўн беш ёшга етиши. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳумо айтадилар: «Ухуд куни мен Набий соллаллоху

алайҳи ва салламга рўпара қилиндим, ўшанда 14 ёшда эдим, у зот менга (урушга киришга) ижозат бермадилар. Хандак куни рўпара қилинган эдим, ижозат бердилар, унда 15 ёшга кирган эдим» (Бухорий (2664) ва Муслим (1868) ривоятлари). Ушбу ҳадис ўн беш ёшга етиш балоғатга етиш эканига далолат қилади. Бошқа бир ривоятда ижозат бермасликларининг сабаби қилиб: «Мени балоғатга етган деб кўрмадилар», дейилган (Доракутний (4/115, №40), Байҳақий (6/55) ривоятлари).

Қиз боланинг балоғатга етишининг ўғил боладан фарқли яна бир белгиси – ҳайздир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ таоло ҳайз кўрувчи (яъни, балоғатга етган аёл)нинг рўмолсиз ўқиган намозини қабул қилмайди», деганлар (Абу Довуд (641) ва Термизий (377) ривояти, Термизий саҳиҳ санаган).

Иккинчи иш: Эс-ҳушини таниши билан, яъни, молни ишлатишга салоҳиятли бўлиш билан. Аллоҳ таоло айтади: «Етимларни то балоғат ёшига етгунларича имтиҳон қилиб (текшириб) туринглар. Агар уларнинг эс-ҳушлари жойида эканини кўрсангиз, молларини ўзларига топширинглар» (Нисо: 6). Боланинг эсини топганини билиш учун уни имтиҳон қилиб, текшириб турилади, яъни молининг тасарруфидан бир қисмини унга топшириб кўрилади, агар бир неча марта тасарруф қилиб, катта зиёнга йўл қўймаса ва молини ҳаромга ёки бефойда ишга сарфламаса, шу унинг

эсини топганига далил бўлади.

Мажнундан ҳажр икки иш билан йўқ бўлади:

Жунуни кетиши ва ақлининг қайтиб келиши билан.

Ёш бола ҳаққида айтиб ўтганимиз каби эс-хушини топган бўлиши билан.

Ақлсиз-аҳмоқ одамдан ҳажр ундан ақлсизлик кетиши ва молиявий тасарруфларида эс-ҳушлилик билан сифатланиши билан кетади.

Ҳар учаласининг (яъни, ёш бола, мажнун ва ақлсиз кишининг) молини ҳажр пайтида отаси – агар эс-ҳушли ва адолатли бўлса – унга меҳр-шафқати комил деб кўрилгани учун бошқариб туради, отадан кейин унинг васийси бошқаради, чунки у унинг ноиб саналади.

Уларнинг молларини бошқариб турган кишилар фақат уларнинг фойдасини кўзлаб тасарруф қилишлари лозим. Аллоҳ таоло айтади: «Етимнинг молига то вояга етгунича фақат энг чиройли йўл билан яқинлашингиз!» (Анъом: 152). Яъни, етимнинг молини фақат уларга манфат келтирадиган ва ўстириб-кўпайтириб турадиган ишларда ишлатинглар. Ояти карима гарчи, етимнинг моли ҳақида нас (далил-ҳужжат) келтирган бўлса-да, у етимнинг молига қиёсан мажнун ва ақлсиз кишининг молига ҳам умумий бўлади.

Етим ва унга ўхшашларнинг молини бошқариб турган киши

уни авайлаб-асраши, беътибор ташлаб қўймаслиги ёки уни зулм билан емаслиги лозим бўлади. Аллоҳ таоло айтади: «Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шак-шубҳасиз қоринларига олов еган бўлурлар. Ва албатта дўзахга киражаклар!» (Нисо: 10).

Аллоҳ таоло етимларни ўз қафолатида тутиб турган кишиларга уларнинг болалари ҳам бировларнинг қафолати остида бўлиб қолиши мумкинлигини эсда тутишни васият (тавсия) қилади ва уларнинг болаларига яхшилик қилинишини қанчалик истасалар, улар ҳам ўз қафолатлари остидаги бировларнинг етимларига шунчалик яхшилик қилишлари лозимлигини айтади: «(Бировнинг ўлимига ҳозир бўлган) кишиларнинг ўзлари ожиз-нотавон фарзандларини қолдириб вафот қилиб кетсалар, улардан хавотир олганлари каби (ўзгаларнинг етимлари ҳаққидан ҳам) кўрқсинлар. Бас, Аллоҳдан кўрқиб (ўлим олдидаги кишига) ҳақ сўзни айтсинлар!» (Нисо: 9).

Улар (яъни, етим-есир ва ақлсиз кишилар) ўз молларини асраб-авайлаш ва ўстириб-кўпайтиришга қодир бўлмаганлари туфайли ҳам Аллоҳ таоло улар ўрнига молларини бошқариб турадиган ва уларнинг манфаатларини кўзлаб иш қиладиган кишиларни – валийларни қилиб қўйди. У валийларга ўз бошқарувлари асносида амал қилишлари лозим бўлган йўл-йўриқларни белгилаб берди, валийларга ақли қосирлар молларини зое қилиб қўймасликлари учун уларнинг қўлларига молларини

топшириб қўймасликка амр этди:

«(Қўл остингиздаги) ақлсиз кимсаларга (яъни ёш, нодон етимларга) Аллоҳ сизлар учун турмуш воситаси қилиб қўйган молларингизни (яъни қўлларингиздаги уларнинг молларини) бериб қўймангиз» (Нисо: 5).

Ҳофиз Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ айтади: «Аллоҳ таоло ақлсиз кишиларга одамлар учун турмуш воситаси қилиб қўйган, яъни уларга тирикчилик сабаби қилиб қўйган молларни тасарруф қилиш имкониятини бериб қўйишдан қайтаради, ақлсиз кишиларга ҳажр қилиш мана шундан олинади» (Тафсир Ибн Касир: 1/453).

Аллоҳ таоло ақли қосир ва нодон кимсаларга молларини бериб қўйишдан қайтариши ва уларни эс-ҳушли кишилар назорати остига қилиши билан бир қаторда ўша бошқарувчиларни ҳам у молларни фақат ўстириб-қўпайтирадиган ва манфаат ҳосил бўладиган ўринларда тасарруф қилишга буюради: «Етимнинг молига то вояга етгунича фақат энг чиройли йўл билан яқинлашингиз!» (Анъом: 152). Яъни, етимнинг молини фақат унга яхшилик ва манфаат олиб келувчи ишларда тасарруф қилинглари.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Аллоҳ таоло: «Етимнинг молига то вояга етгунича фақат энг чиройли йўл билан яқинлашингиз!» (Анъом: 152) ва «Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган

кимсалар ҳеч шак-шубҳасиз қоринларига олов еган бўлурлар» (Нисо: 10) оятларини нозил қилганидан сўнг етимни кафолатига олган киши унинг емак-ичмагини ўзининг емак-ичмагидан алоҳида қиладиган бўлди, бирон нарса ортиб қолса, уни етимнинг ўзи еб-ичиши учун олиб қўяр, шунда у нарса айниб ҳам қолар эди. Улар бундан қийналиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бу ҳақда айтдилар. Шунда Аллоҳ таоло: «Сиздан етимларнинг (моллари) ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Уларни ислоҳ қилиш яхшидир. Агар (молларингизни) уларнинг (моллари) билан қўшиб юборсангиз (зарари йўқ). Зеро, улар биродарларингиздир: Аллоҳ ким бузғунчи, ким ўнгловчи — ислоҳ қилувчи эканини билади. Агар истаса, сизларни машаққатга солган бўлур эди. Албатта Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир» (Бақара: 220) оятини нозил қилди. Шундан сўнг улар етимларнинг емак-ичмакларини ўзларининг емак-ичмакларига аралаштирадиган бўлдилар» (Абу Довуд (2871), Ҳоким (2/113), Ибн Жарир тафсирида (2/369) Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар).

Етимларнинг молларини яхши тасарруф қилиш жумласига уларни ўсиб-қўпайиб турадиган тижоратга қўйиш ҳам киради. Валийси уни тижоратга ишлатиши ёки тижорат қиладиган одамга музорабага (шерикликка) бериши мумкин. Оиша розияллоҳу анҳо Муҳаммад ибн Абу Бакр розияллоҳу анҳумнинг молининг бир қисмини тижоратга

берганлар (Абдурраззоқ (4/66, №6983) ривояти). Умар розияллоху анху: «Етимларнинг молларини (кўпайтиришга) касд қилинлар, уларни садақа (яъни, закот) еб-битирмасин», деганлар (Абдурраззоқ (4/68, №6988), Ибн Аби Шайба (2/379, №10117), Дорақутний (2/410), Байҳақий (6/2) ривоятлари).

Етимнинг валийси унинг молидан ўзига яхшилик билан сарфлаб туради.

Шайхулислам Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Етимни икром қилиш, унинг кўнглига шодлик бахш этиш, ундан хўрликни даф қилиш мустаҳабдир. Сеник кўнглига малҳам бўлиш у учун энг катта манфаатлардан саналади» («Хошиятур-равзил-мурбий» соҳиби ундан нақл қилган: 5/194).

Агар етим бой бўлса, валийси унга ўзининг пулидан қурбонлик сотиб олиши керак, чунки бу кун хурсандчилик ва еб-ичиш кунидир. Валийси унинг таълим-тарбияси учун ҳам ўзининг пулидан сарф қилиши мумкин. Чунки, бу ҳам унинг манфаатларидан саналади.

Агар етимнинг валийси камбағал бўлса, у етимнинг молига қилаётган хизмати эвазига ойлик маош чиқариб ейиши мумкин. Аллоҳ таоло айтади: «(Етимни оталиққа олган киши) агар бой бўлса, (етимнинг молидан) парҳез қилсин. Бордию камбағал бўлса, яхшилик билан (яъни қилган хизматига яраша) олиб есин» (Нисо: 6). Демак, етимнинг

молини бошқариб турган киши нафақага муҳтож бўлса, унинг молидан яхшилик билан ейиши мумкин.

Имом Ибн Касир раҳимахуллоҳ айтади: «Бу оят етимга қараб, уни ислоҳ қилиб турган киши агар муҳтож бўлса унинг молидан ейиши ҳақида нозил бўлган. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Бу оят: «(Етимни оталиққа олган киши) агар бой бўлса, (етимнинг молидан) парҳез қилсин. Бордию камбағал бўлса, яхшилик билан (яъни қилган хизматига яраша) олиб есин» (Нисо: 6) етимнинг валийси ҳақида нозил бўлди»» (Тафсир Ибн Касир: 1/428).

Фуқаҳолар сўзларига кўра, у икки ишнинг озроғини, яъни ўзига ўхшаган кишилар оладиган миқдорда маош ёки ўзининг эҳтиёжига яраша олиши мумкин.

Бир киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ҳузуримда етим бор, унинг моли бор, менинг молим йўқ, унинг молидан есам бўладими?», деб сўради. У зот: «Етимнингнинг молидан исроф қилмаган ҳолда егин», деб жавоб бердилар (Абу Довуд (2672), Насоий (3668), Ибн Можа (2718), (Аҳмад (2/186, №6747) Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар).

Етимнинг молидан Аллоҳ таоло рухсат берган ана шу миқдордан ортиқчасини олиб ейиш мумкин эмас. Бундай қилувчиларга Аллоҳ таоло қаттиқ азоб ваъдасини берган:

«У молларни исроф қилиб ва (эгалари) катта бўлиб қолмасин, деб шошилиб еб қўйманглар» (Нисо: 6).

«Ва уларнинг молларини ўзингизнинг молингизга қўшиб емангиз! Зеро, бу катта гуноҳ бўлган ишдир» (Нисо: 2).

«Етимларнинг молларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар ҳеч шак-шубҳасиз қоринларига олов еган бўлурлар. Ва албатта дўзахга киражаклар!» (Нисо: 10).

Имом Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ айтади: «Яъни, етимларнинг молларини сабабсиз есалар, қиёмат куни қоринларида гуриллаб ёнадиган ўтни еган бўладилар» (Тафсир Ибн Касир: 1/595).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Еттита ҳалок қилувчи (гуноҳлар)дан сақланинглар!», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, улар қайсилар?», деб сўрадилар. «Аллоҳга ширк келтириш, сеҳргарлик, ноҳақ одам ўлдириш, судхўрлик, етимнинг молини ейиш, жанг пайтида ортга қочиш, покиза ва фаҳшдан беҳабар мўмина аёлларни бузуқлик билан тухматлаш», дедилар (Бухорий (2766) ва Муслим (89) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар).

Сўнг Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло етимлар етимлик ёшидан ўтиб, молларини тасарруф қилишга лаёқатли бўлганларидан кейин уларга молларини тўла-тўқис ҳолда қайтариб беришни буюрди:

«(Вояга етганларидан кейин қўл остингиздаги) етимларга молларини берингиз» (Нисо: 2).

«Етимларни то балоғат ёшига етгунларича имтиҳон қилиб (текшириб) туринглар. Агар уларнинг эс-ҳушлари жойида эканини кўрсангиз, молларини ўзларига топширинглар» (Нисо: 6).

«Мол-мулкларини ўзларига қайтарганингизда эса гувоҳ келтиринглар. Аллоҳнинг Ўзи етарли ҳисоб-китоб қилувчидир» (Нисо: 6).

Яъни, Аллоҳ таолонинг ўзи валийлар етимларга қандай караганларига ва молларини топширган пайтда тўла-тўқис қайтардиларми ёки нуқсонли қилибми, мана шуларнинг ҳаммасига гувоҳ ва ҳисоб-китоб қилувчи бўлишга кифоя қилади.

Сулҳга доир аҳкомлар ҳақидаги боб

Сулҳ луғатда «низони бартараф этиш» маъносидадир. Шаръий истилоҳда эса «икки низолашаётган томон ўртасида ислоҳга олиб борувчи битимга эришиш» маъносида қўлланилади.

У ғоят фойдали битимлардан, шунинг учун ҳам зарурат тақозо қилгудек бўлса, унда бироз ёлғон ишлатишга ҳам рухсат берилади.

Сулҳнинг машруълигига Қуръон, Суннат ва ижмоъдан далиллар бор.

Аллоҳ таоло айтади:

«Сулҳ (ажралиб кетишдан) яхшироқдир» (Нисо: 128).

«(Эй мўминлар), агар мўминлардан бўлган икки тоифа (бир-бирлари билан) урушиб қолсалар дарҳол уларнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар! Энди агар улардан бирови иккинчисининг устига тажовуз қилса, то (тажовузкор тоифа) Аллоҳнинг амрига қайтгунича сизлар тажовуз қилган (тоифа) билан урушинглар! Энди агар у (тоифа тажовузкорликдан) қайтса, сизлар дарҳол уларнинг ўртасини адолат билан ўнглаб қўйинглар. (Мудом) адолат қилинглари! Зеро Аллоҳ адолат қилувчиларни суюр» (Ҳужурот: 9).

«Уларнинг кўп махфий суҳбатларидан — агар садақа беришга ё бирон яхшилик қилишга ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрган бўлмасалар — ҳеч қандай фойда йўқдир. Ким Аллоҳ ризосини истаб бу ишларни қилса, унга улуғ мукофот беражакмиз» (Нисо: 114).

«Аллоҳдан кўрқингиз ва ўз ораларингизни ўнгангиз!» (Анфол: 1).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Мусулмонлар ўртасида сулҳ жоиздир, ҳаромни ҳалол қилиб берадиган ва ҳалолни ҳаром қилиб берадиган сулҳ

бундан мустасно» (Термизий (1356), Ибн Можа (2353) Амр ибн Авф розияллоху анхудан, Аҳмад (2/366, №8784) Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилганлар).

У зот соллаллоху алайҳи ва саллам ўзлари одамлар ўртасини ислоҳ қилиб қўярдилар (Қубо аҳли орасини ислоҳ қилишлари (Бухорий (2693) ва Муслим (1675), Рубаййиъ бинт Назр бир жориянинг тишини синдириб қўйганида ўрталарини ислоҳ қилиб қўйганлари (Бухорий: 2703) бунга мисол бўлади).

Жоиз саналувчи сулҳ – Аллоҳ ва Расули буюрган одилона сулҳ бўлиб, у билан аввало Аллоҳнинг розилиги, сўнг жанжаллашувчи томонларни рози қилиш кўзланган бўлади.

Одамлар ўртасини ислоҳ қилувчи киши воқеаларни яхши билган ва зиммасидаги вазифани таниган, адолатни қасд қилган одам бўлиши зарур. Одамлар ўртасини тузатувчи кишининг фазилати кундузлари рўзадор, тунларни ибодат билан ўтказувчи кишининг фазилатидан ортиқдир. Аммо, агар сулҳ адолатдан холи бўлса, зулмга ва ҳақни поймол қилишга айланади. Қудратли золим билан заиф мазлум ўртасини золимни рози қиладиган ва унга зулм қилишга имкон яратиб берадиган, заифнинг ҳаққини топтайдиган ва унга ўз ҳаққига етишига имкон бермайдиган суратда сулҳга келтириш каби.

Сулҳ махлуқларнинг (яъни бандаларнинг) бир-бирларига нисбатан бўлган, кечиб юбориш ёки ўрнига эваз талаб

килишни қабул қиладиган ҳақ-ҳуқуқларида бўлади. Аммо, Аллоҳ таолонинг ҳақ-ҳуқуқларига, масалан, закот ёки шаръий жазоларни ижро этиш кабиларга сулҳ аралашмайди. Чунки, уларни комил адо этишнинг ўзи сулҳдир.

Одамлар ўртасидаги сулҳ беш турли бўлади:

Мусулмонлар ва улар билан урушаётганлар ўртасидаги сулҳ;

Мусулмонлар ичидаги адолат аҳли билан тажовуз аҳли ўртасидаги сулҳ;

Ажралиб кетиш хавфи бўлган эр-хотин ўртасидаги сулҳ;

Икки жанжаллашувчи томон ўртасидаги молиявий бўлмаган масаладаги сулҳ;

Икки жанжаллашувчи томон ўртасидаги молиявий масаладаги сулҳ. Биз бу ерда айни шу турдаги сулҳ ҳақида сўз юритамиз. Сулҳнинг ушбу тури икки қисмга бўлинади:

Биринчиси: Иқрорликдан келиб чиққан сулҳ;

Иккинчиси: Инкордан келиб чиққан сулҳ.

Биринчи тури, яъни иқрорликдан келиб чиққан сулҳ икки турли: ҳақнинг жинсига тушадиган нав ва ҳақнинг жинсидан бошқасига тушадиган нав.

Жинсига тушадигани мисоли шуки, маълум қарз ё

молиявий мулкнинг ўз қўлида эканига иқдор бўлади, шунда қарзнинг бир қисмини беришга ва қолганини соқит бўлишига сулҳга келишади ёки ҳалиги молиявий мулкнинг бир қисмини ҳадя қилиб, бир қисмини олишга сулҳ қилади.

Сулҳнинг бу тури қачонки, иқдор пайтида шарт қилинмаса, яъни, зиммасида ҳақ (қарз) бўлган киши: «Менга шунчасини беришинг шарти билан ёки шунча эваз беришинг шарти билан иқдор бўламан», деб айтмаган бўлса, ёки ҳақдор киши: «Менга шунча беришинг шарти билдан сендан кечаман ё ҳадя қиламан», деб айтмаган бўлса, шундагина саҳиҳ-яроқли бўлади. Аммо, сулҳ юқоридаги каби шарт билан бўлса, саҳиҳ бўлмайди, чунки, ҳақ эгаси ҳаққининг ҳаммасини талаб қилишга ҳақлидир.

Сулҳнинг бу тури саҳиҳ бўлиши учун унинг (яъни ҳақдорнинг) ҳаққини шусиз (яъни шу сулҳсиз) ҳам ман қилмаслиги шарт қилинади. Чунки, бу бировнинг молини ботил йўл билан ейиш бўлади ва бу ҳаромдир. Қолаверса, зиммасида ҳақ бўлган киши уни ўз эгасига ҳеч қандай қайд ва шартсиз бериши лозим бўлади.

Сулҳнинг бу тури саҳиҳ бўлиши учун яна ҳақ эгаси табарруъ қилишга (ихтиёрий бериб юбориш-садақа қилишга) яроқли кишилардан бўлиши шарт қилинади. Агар у табарруъ қилишга яроқли кишилардан бўлмаса, саҳиҳ бўлмайди. Яъни, масалан, етимнинг ёки мажнуннинг молига валий бўлса, чунки, бу табарруъдир, у эса бунга

молик бўлмайди.

Хулоса шуки, сулҳнинг бу тури жоиз бўлади, бироқ шартли шуки, аввало зиммасида ҳақ бўлган одам уни мана шу сулҳсиз ҳам адо қилиши мумкин бўлиши керак, қолаверса, ҳақ эгаси табарруъ қилишга яроқли киши бўлиши керак. Мана шу шартлар тўла бўлса, бу турдаги сулҳга келишиш жоиз бўлади. Чунки, бу ҳолда у табарруъ (яъни ихтиёрий садақа) бобидан бўлади, инсон ўзининг ҳаққидан баъзисини соқит қилишга ҳам, ҳаммасини тўла қилиб олишга ҳам ҳақлидир. Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жобирнинг ҳақдорлари билан сўзлашиб, ундан бир қисмини енгиллатишга кўндирганлар (Бухорий (2127) унинг отаси – Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳаром розияллоҳу анҳунинг қарзи ҳақидаги ҳикояда келтирган).

Иқрордан келиб чиққан сулҳнинг иккинчи тури – ҳақнинг ўрнига унинг жинсидан бўлмаган нарса билан сулҳлашиш. Яъни, масалан, бирон қарз ёки нарсани эътироф қилади, сўнг ўша нарсанинг ўрнига унинг жинсидан бўлмаган бошқа нарсани эваз қилиб олишга сулҳ тузади (келишади).

Агар бир пулга унинг жинсидаги бошқа пул билан сулҳлашса, бу унга саррофлик ҳукмлари жорий бўладиган саррофлик бўлади.

Агар пулга пулдан бошқа нарса билан сулҳлашса, бу байъ деб эътибор қилинади ва унга байънинг ҳукмлари жорий

бўлади.

Агар унга бир манфаат билан, масалан, ҳовли жойида яшаб туриши билан сулҳлашса, у ижара саналалди ва унга ижара ҳукмлари жорий бўлади.

Агар пулдан бошқа нарсага бирон мол билан сулҳлашса, бу байъ бўлади.

Иккинчи тури: инкордан келиб чиққан сулҳ. Унинг маъноси – бир киши бошқа бировга унда бўлган бир мулк ёки қарзни даъво қилади, шунда жавобгарликка тортилаётган киши даъво қилинаётган нарсани билмаган ҳолда сукут қилади. Сўнг даъвогар бирон нақд ёки насия мол эвазига даъвосидан (кечишга) сулҳ қилади. Бу ҳолатдаги сулҳ аксарият аҳли илмлар наздида саҳиҳдир. Чунки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмонлар ўртасида сулҳ жоиздир, ҳаромни ҳалол қилиб берадиган ва ҳалолни ҳаром қилиб берадиган сулҳ бундан мустасно», деганлар (Термизий (1356), Ибн Можа (2353) Амр ибн Авф розияллоҳу анҳудан, Аҳмад (2/366, №8784) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар, Термизий саҳиҳ, ҳасан, Ҳоким саҳиҳ санаган).

Умар розияллоҳу анҳу Абу Мусо розияллоҳу анҳуга шу ҳадисни ёзиб юборган, шу эътиборлар учун у ҳужжат қилинишга яроқли бўлган (Доракутний (4/206, №15), Байҳақий (10/150) ривоятлари).

Ушбу турдаги сулҳнинг жавобгарликка тортилаётган кишига фойдаси – у шу билан ўзини даъводан ва қасамдан қутқариб қолади. Даъвогарга фойдаси – ўзини хужжат келтириш мажбуриятдан қутқаради ва даъво қилаётган ҳаққининг кечикиши олдини олади.

Инкордан келиб чиққан сулҳ даъвогарнинг ҳаққида байъ ҳукмида бўлади. Чунки, у уни ўзининг молидан эваз деб эътиқод қилади, бинобарин унга ўзи эътиқод қилган нарсанинг ҳукми лозим келади. Жавобгарликка тортилаётган шахс гўё ундан сотиб олгандек бўлади, у томонидан ҳам бунга байънинг ҳукмлари киради, айб сабабли қайтариб бериш ва шафеълик билан олиш каби.

Ушбу сулҳнинг жавобгарликка тортилаётган шахс ҳаққидаги ҳукми – ўзига қарши кўзғатилган даъводан покланишидир. Чунки, у қасамдан қутулиш, ўзидан зарарни кетказиш, хусуматга барҳам бериш ҳамда хусуматлашиш ва тубанлашишдан ўзини сақлаш учун молни берган бўлади. Чунки, обрў-эътиборли инсонлар бундай хусуматлардан ўзларини юқори тутишади ва бу улар учун оғир бўлади, шунинг учун зиммаларини ундан поклаш учун молни берадилар. Агар сулҳлашган нарсада айб топса, ўша сабабли қайтариб беришга ва шафеълик билан олинишга ҳақли бўлмайди. Чунки, у уни бирон нарсадан эваз деб эътиқод қилмайди.

Инкор сулҳида сулҳлашаётган томонлардан бири ёлғон

гапирса, масалан, даъвогар ёлғон сўзлаб, ўзиники эмаслигини аниқ билган нарсани даъво қилса, ёки инкор қилувчи ўзидан даъво қилинаётган нарса ҳақиқатдан унинг зиммасида бор эканини билиб туриб инкор қилса ва ўзини шу инкори билан ёлғон айтаётганини билса, агар даъвогар ёки даъвога торилаётган шахс томонидан шу каби ёлғон содир бўлса, улардан қай бири ёлғон айтаётган бўлса, ўшаниси ҳаққида сулҳ ботинан ботил бўлади, чунки, у ҳақни билиб турибди, уни ўз эгасига етказишга қодир, ўзининг қилаётган ҳатти-ҳаракатида ўзини ҳақли деб эътиқод қилмаяпти. Бу одамнинг мана шу сулҳ орқали етишган нарсаси у учун ҳаромдир. Чунки, у уни зулм ва тажовуз билан қўлга киритди, ҳақ ўрнига эваз қилиб эмас. Аллоҳ таоло айтади: «Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ — ҳаром йўллар билан емангиз!» (Бақара: 188). Бу сулҳ гарчи одамлар кўзида улар ҳолатнинг ботинини билмаганлари сабабли саҳиҳ бўлиб кўринса ҳам, аслида еру осмонлардаги ҳеч нарса ундан махфий қолмайдиган Зот ҳузурида ҳақиқатни заррача ўзгартира олмайди. Мусулмон киши бундай суитасарруф ва ботил ҳийла қилишдан ўзини сақлаши лозим бўлади.

Инкор сулҳига доир масалалардан яна бири шуки, агар бирон киши инкор қилувчининг ўрнига унинг изнисиз сулҳ қилса, бу сулҳ яроқли бўлади. Чунки, у бегона шахс бу иши билан даъвога тортилаётган одамнинг зиммасини хориж қилишни ва ундан хусуматни олиб ташлашни қасд қилган

бўлади. У бу иши билан гўё унинг зиммасидаги қарзини тўлаб қўйгандек бўлади. Лекин, у ўзи берган нарсдан бирон нарсани ундан талаб қилмайди. Чунки, у берган нарсасини қайтариб олишга ҳақли эмас, уни табарруъ-эҳсон қилди.

Ноаниқ ҳақ хусусида ҳам сулҳ қилиш саҳиҳ бўлади. Бу ҳақ улардан ҳар бири учун иккинчисининг зиммасида бўлсин ёки бировиники бўлсин, фарқсиз. Бу ноаниқ нарсани билиш имконсиз бўлса. Масалан, ўрталаридаги узок давр ўтиб кетган ҳақ бўлса, ҳар иккиси ҳам ўзининг зиммасидаги ҳақни аниқ билмаса (бу сулҳ яроқли бўлади). Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки киши ўз ўрталарида бўлган жуда эски мерослари ҳақида низолашиб келганларида: «Қуръа ташланглар ва ҳақни талаб қилинглар, бирингиз иккинчингизни ҳалол қилсин (яъни, зиммасини хориж қилсин)», деганлар (Абу Довуд (3584), Аҳмад (6/320, №26717) Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилганлар). Чунки, бу ҳақни соқит қилишдир, шу боис зарурат учун ва молнинг зое бўлишига ёки зиммада қолишига олиб келмаслиги учун ноаниқ нарсада ҳам саҳиҳ бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уларни бир-бирини ҳалол қилиб қўйишга буюришлари зиммани поклаш учун эҳтиёт йўлини тутишга ва махлуқнинг (яъни, банданинг) ҳаққи улуғлигига далолат қилади.

Шаръан белгиланган ёки ундан кўпроқ ёки озроқ дия (хун

пули)даги қасос хусусида сулҳга келишиш дуруст бўлади. Чунки, мол тайин топмаган, унинг муқобилида эваз воқеъ бўлмайди.

Ҳадларда (яъни, жинойтга бериладиган жазоларда) сулҳга келишиш дуруст бўлмайди. Чунки, ҳадлар зажр (яъни, тийиб қўйиш) учун машруъ бўлган ва улар Аллоҳ таолонинг ҳамда жамиятнинг ҳаққидир. Бу ҳақда сулҳга келишиш шу ҳақни ботил қилиб қўяди ва жамият унинг фойдасидан маҳрум бўлади ҳамда бузғунчи ва тажовузкорлар учун йўл кенг очиб қўйилган бўлади.

Қўшничилик ва йўлларга доир аҳкомлар ҳақидаги боб

Қўшничилик ва йўлларга доир аҳкомлар жуда муҳим бўлгани учун фуқаҳолар бу мавзуларга ҳам алоҳида аҳамият берганлар.

Гоҳо қўшнилар ўртасида охир-оқибат адоват ва низога етиб бормаслиги учун ҳал қилиниши ва барҳам берилиши лозим бўлган муаммолар пайдо бўлади.

Уларнинг ечими бир неча йўллар билан бўлади. Жумладан:

- Улар ўртасида адолат ва фойдани рўёбга чиқарадиган сулҳни ижро қилиш;
- Агар қўшни ўз қўшнисининг еридан ёки майдонидан сув

ўтказишга муҳтож бўлса ва бунинг учун бирон эваз-тўловга келишиб олсалар, бу сулҳ жоиз бўлади, чунки, бу эҳтиёж тақозосидир.

Агар бу эваз-тўлов унинг ер эгасининг мулкида қолавериши билан бирга ундан фойдаланиб туриш муқобилига бўлса, бу ақдни ижара деб жэътибор қилинади, агар эгасининг мулкидан чиқса, байъ деб эътибор қилинади.

- Агар қўшни ўз қўшнисининг мулкидан йўлакка муҳтож бўлса ва буни байъ йўли билан ёки сулҳ йўли билан бунга (пул) сарфласа, жоиз бўлади, чунки эҳтиёж шуни талаб қилади.

Ер эгаси қўшнисининг ҳожатмандлигидан фойдаланиб қолиши ва уни ортиқча тўлов билан қийнаши, ёки уни ўша йўлакдан фойдаланишдан ман қилиши, қўшнисининг манфаатларига халал етказиши керак эмас. Агар бировнинг дарахтининг шохи қўшнисиникига ўтиб кетган бўлса, дарахт эгаси ўша шохни кесиб ташлаш ёки бошқа томонга буриш билан йўқ қилиши ва бировнинг мулкини бўшатиб қўйиши лозим. Агар шох эгаси бундай қилишдан бош тортса, шох уникага ўтиб турган қўшни юқоридаги йўллар билан унинг зарарини кетказишга ҳақли бўлади. Чунки, бу бировнинг мулкини босиб олиш манзилатида бўлиб, имкон қадар енгил йўл билан уни даф қилишга ҳақли бўлади. Агар шохнинг қолаверишига келишиб олсалар, бу ҳам жоиз, бирон тўлов эвазига бўладими ё унинг ҳосили ўртада

бўлишига келишиб оладиларми, фарқсиз.

- Илдизнинг ҳукми ҳам агар қўшнининг мулкига ўтиб қолган бўлса, шохнинг ҳукми билан бир хил.

- Инсон ўзининг мулкида қўшнисига зарар келтирадиган бирон ишни қилиши жоиз эмас. Яъни, масалан, ҳаммом, новвойхона, ошхона, чойхона каби зарари ўтиб турадиган бинолар, шунингдек, шовқин-сурони ва ҳаракати билан уни безовта қиладиган корхона қуриши ёки қўшнисининг уйига қаратиб деразалар очиши жоиз эмас.

- Агар қўшни билан ўрталарида муштарак (шериклик) девор бўлса, унинг изнисиз ундан дарича очиши ёки унга қозик қоқиши мумкин эмас. Ўртадаги шериклик деворга ёки қўшнисининг девори устига ёғоч ўрнатиши мумкин эмас, фақат жуда зарур бўлган ҳолларда, шусиз устини ёпиш имкони бўлмаса ва девор ўша ёғочнинг оғирлигини бемалол кўтара олса, шундагина ёғоч қўйишга рухсат берилади. Чунки, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Қўшни қўшнисини унинг деворига ёғочини ўрнатишидан ман қилмасин», деганларини ривоят қилгач: «Нима бўлдики, сизларни бундан юз ўгираётганингизни кўрмоқдаман?! Аллоҳга қасамки, мен буни сизларнинг елкангизга ортаман», дедилар (Бухорий (2463) ва Муслим (1609) ривоятлари). Демак, ушбу ҳадис далил бўладики, қўшни қўшнисини унинг деворига ёғоч ўрнатишидан ман қилиши мумкин эмас, агар

кўнмаса, ҳоким уни мажбурлайди. Чунки, бу қўшничилик ҳукми билан қўшнига собит бўлган ҳақдир.

Йўлларга тааллуқли бўлган ҳукмлар:

- Мусулмонларнинг юрадиган йўлларини тўсиб-торайтириш жоиз бўлмайди, балки йўлни очиб қўйиш ва ундан озорларни бартараф қилиш лозим бўлади, чунки бу нарса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганларидек, иймондандир (Бухорий (9) ва Муслим (35) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан шу мазмунда ривоят қилганлар).

- Киши ўзининг мулкида йўлни торайтириб қўядиган нарсани пайдо қилиши жоиз эмас. Масалан, йўлнинг устини ёпиб, ундан ўтувчи карвон ва юкларнинг ўтишини қийинлаштириш ёки ўтиришга мўлжалланган супача (скамейка) ўрнатиши каби.

- Ўткинчиларнинг йўлига от-улови ёки автомашинаси учун турар жой қилиб олиши мумкин эмас, чунки бу йўлни торайтириб, ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ҳеч ким мусулмонларнинг йўлига биносининг бирон қисмини чиқариб қўйиши мумкин эмас, ҳатто девор қилаётган пайтда унинг кўча томони сувоғининг қалинлигини ҳам ҳисобга олиш лозим» (Мажмуъул-фатава: 30/10).

- Йўлга дарахт экиш, бино қуриш, ўра қазиш, ўтин тахлаб

қўйиш, унда ҳайвон бўғизлаш, ахлат ва чиқиндиларни ташлаш ва шу каби йўловчиларга зарар етказувчи ишларни қилиш мумкин эмас.

Маҳаллий ҳукумат идоралари ва шаҳар тартибига масъул бўлган шахслар бундай ишларнинг олдини олишлари ва қонунбузарларни қаттиқ жазога тортишлари лозим бўлади. Ҳозирда бу муҳим ишга бепарволик билан қаралиши оқибатида жуда кўпчилик одамлар йўлларни ўз шахсий манфаатлари учун банд қиладиган бўлиб кетганлар, уларга ўз машиналарини тўхтатиб қўйишади, тош, ғишт, темир, цемент каби қурилиш ашёларини тўкиб қўйишади, чуқурлар қазишади ва ҳоказо.

Баъзи одамлар эса чиқинди ва ахлатларини шундоққина йўл устига чиқариб тўкишади ва мусулмонларга зарар етишига лоқайдлик билан қарашади.

Буларнинг ҳаммаси Аллоҳ ва Расули ҳаром қилган ишлардир.

Аллоҳ таоло айтади: «Мўмин ва мўминаларга (озорни лозим қиладиган) бирон гуноҳ қилмасаларда озор берадиган кимсалар ҳам бўҳтон ва очик гуноҳни ўз устларига олибдилар» (Ахзоб: 58).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмон – мусулмонлар унинг тилидан ва қўлидан саломат бўлган кишидир», деганлар (Бухорий (10) ва Муслим (40)

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар).

Яна айтганлар: «Иймон етмишдан ортиқ бўлакдир, афзали «Ла илаҳа иллаллоҳ» дейиш, энг қуйи бўлаги йўлдан озорни четлатиш, ҳаё ҳам иймоннинг бир бўлагидир» (Бухорий (9) ва Муслим (35) Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар).

Мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини эҳтиром қилишга ва уларга озор етказишдан тийилишга чорловчи бундан бошқа ҳам кўплаб ҳадислар бор бўлиб, мусулмонларнинг йўлларини торайтириш ва уларга тўсиқлар ўрнатиш уларга етадиган азиятларнинг энг катталаридан саналади.

Шафъеликка оид ҳукмлар ҳақидаги боб

Шуфъа – шафъелик луғатда «жуфтлик» маъносига «шафъ» сўзидан олингандир, чунки, шафъ шафъелиги билан байъ қилинган нарсани ўзининг мулкига қўшиб олади.

Шафъелик саҳиҳ суннат билан собит бўлиб, Аллоҳ таоло уни шерикликка тааллуқли бўлган мафсада-ёмонлик олдини олиш учун машруъ қилган.

Имом Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Шариатнинг гўзаллиги, адолатпарварлиги ва бандаларнинг манфаатларини рўёбга чиқариб бериши жумласига унинг

шафъеликни олиб келгани ҳам киради... Зеро, шариат соҳибининг ҳикмати мукаллафлардан имкон қадар зарарни кўтаришни тақозо этади... Шерикчилик кўп ҳолларда зарарнинг ўчоғи бўлганидан, бу зарар баъзан тақсимот йўли билан, баъзан шерикларнинг ўз улушини алоҳида қилиб олиши билан, баъзан шафъелик билан кўтарилади... Агар ўзининг улушини сотмоқчи бўлса, шериги унга бошқалардан кўра ҳақлироқ бўлади... Ундан шерикликнинг зарари кетади, сотувчи ҳам зарарланмайди, чунки у тўлов воситасида ўзининг ҳаққига эришган бўлади. Бу энг катта адолат ва ҳукмлар ичида ақлга, фитратга ва бандаларнинг манфаатларига энг мувофиқ келувчи гўзал ҳукмдир» (Иъламул-муваққиъийн: 2/139).

Шундан маълум бўладики, шафъеликни соқит қилиш учун ҳийла қилиш шариат соҳиби қасд қилган ушбу маънога зид ва қарама-қаршидир.

Шафъелик арабларда жоҳилият даврида ҳам маъруф эди. Бир киши агар ҳовлисини ёки боғини сотмоқчи бўлса, кўшниси ҳамда сотаётган нарчасида унга шерик ва соҳиб бўлган киши келиб, унга шафъ ва унга энг лойиқ киши бўларди. Бу ишни шуфъа деб, уни талаб қилиб келгани эса «шофиъ» деб аталарди.

Фуқаҳолар истилоҳида шуфъа (шафъелик) – шерик ўз шеригининг ҳиссасини молиявий эваз муқобилига унинг қўлига ўтган кишидан қайтариб олишга ҳақли бўлишидир.

Шафеъ сотаётган шеригининг улушини ботинда ақд-битим қарор топган баҳога олади.

Сотиб олувчи шафеъ бўлинган бўлакни шафеъга ботинда келишиб олган баҳосига бериши фарз бўлади. Чунки, Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинишича: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бўлинмаган ҳар бир нарсада шафеъликни ҳукм қилдилар. Агар чегаралар тушган ва йўллар ажралган бўлса, шуфъа йўқдир» (Бухорий (2214), Муслим шу маънода (1608), Аҳмад (3/372, №14999) ривоятлари).

Ушбу ҳадисда шафеъликнинг шерикка собит бўлишига ва шафеълик фақат ер-мулкда бўлишига, ундан бошқа нарсаларда, матолар, ҳайвонлар ва шу кабиларда бўлмаслигига далил бордир. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «То шеригига эълон қилмағунича сотиши ҳалол бўлмайди», дедилар (Жобир розияллоху анхунинг Муслим ривоятидаги ҳадиси (1608)). Ушбу ҳадис киши ер-мулкни то шеригига таклиф қилмағунича сотиши мумкин эмаслигига далил бўлади.

Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Шариат соҳиби шерикка ўз улушини то шеригига эълон қилмағунича сотишини ҳаром қилди. Агар эълон қилмай сотиб юборса, шериги унга ҳақлироқ бўлади. Агар шериги сотишига изн берса ва: «Менинг олиш мақсадим йўқ», деса, сотилганидан кейин талаб қилишга ҳақли бўлмайди. Бу Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳукмлари тақозосидир, бунга ҳеч қандай муориз (зид) бўлувчи ҳукм йўқдир ва бу қатъан тўғри ҳукмдир» (Иъламул-муваққиҳийн: 2/140).

Ибнул Қаййим айтган бу фикр, яъни, шафеънинг байъдан олдин соқит қилиши билан шафеълик соқит бўлади, деган гап ушбу масаладаги икки сўзнинг биридир. Иккинчи сўз – жумҳурнинг сўзи – шуки, бу билан шафеълик соқит бўлмайди ва сотишга изн беришнинг ўзиёқ уни ботил қилмайди, валлоҳу аълам.

Шафеълик шаръий ҳақ-ҳуқуқдир, уни эҳтиром қилиш вожиб, уни соқит қилиш учун ҳийла қилиш ҳаром. Чунки, шуфъа шерикдан зарарни даф қилиш учун машруъ бўлган. Агар уни соқит қилиш учун ҳийла ишлатилса, унга зарар етади ва унинг шаръий ҳаққига тажовуз қилинган бўлади. Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ айтади: «Уни ботил қилишда ҳеч қандай ҳийла жоиз эмас, мусулмоннинг ҳаққини ботил қилиш мумкин эмас» (Ибн Қудома, Ал-муғний: 7/485). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Яҳудлар қилган ишни қилиб, озгина ҳийла билан Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳалол қилиб олманглар» (Ибн Батта «Ибтолул-ҳиял»да (24-б) ривоят қилган, Ибн Касир «Тафсир»да келтириб, иснодини яхши санаган).

Шафеъликни соқит қилиш учун қилинадиган ҳийлалардан бири – ўз улушини бировга ҳадя қилгандек кўрсатиб, аслида уни сотиб юборишдир.

Шафъеликни соқит қилиш учун қилинадиган ҳийлалардан яна бири – шерик тўлашга қодир бўлмаслиги учун зоҳирда баҳони кўтариб қўйишдир.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Шафъеликни соқит қилиш учун қилинадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар ботилдир» (Мухтасарул-фатавал-мисрия: 362-б).

«Ибора ўзгаргани билан ақдларнинг ҳақиқатлари ўзгармайди» (Иъламул-муваққиъийн: 3/299).

Шафъелик мавзуси – бўлиш иши жорий бўлмаган ердир, ундаги дарахт ва бинолар ҳам унга тобеъ бўлади. Агар ер бўлинган бўлса, лекин қўшнилари ўртасида шериклик йўл, сув (ариқ) каби нарсалар қолган бўлса, уламолар сўзларининг саҳиҳроғига кўра, шафъелик қолади. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар чегаралар тушган ва йўллар ажралган бўлса, шуфъа йўқдир», деганлар (Бухорий (2214), Муслим шу маънода (1608), Аҳмад (3/372, №14999) ривоятлари). Бунинг маъноси шуки, агар чегаралар тушмаган бўлса ва йўллар бўлинмаган бўлса, шафъелик қолаверади.

Ибнул Қаййим раҳимахуллоҳ айтади: «Қўшнилари ўртасидаги шафъеликдаги энг тўғри сўз шудир ва бу Басра аҳлнинг сўзидир ва шайхулислом Ибн Таймиянинг ихтиёридир» (Иъламул-муваққиъийн: 2/150).

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Мулкдаги ҳақлардан бир ҳақда, яъни, сувда, йўлда ва шу кабиларда шериклик бўлиши билан кўшничилик шафеълиги собит бўлади, Аҳад бунга насс келтирган» (Ал-фатавал-кубро: 5/422). Ибн Уқайл, Абу Муҳаммад ва бошқалар шу фикрни танлаганлар. Ҳорисий айтади: «Мана шу фикрга қайтиш тайинлидир, унда ҳадислар ўртаси жамланган, яъни, кўшничилик қачонки, йўл ва шу кабиларда шерикли бўлсагина, шафеъликни тақозо қилади, чунки, шафеъликнинг машруъ бўлиши зарарни даф қилиш учун бўлган, зарар эса кўп ҳолларда эга бўлинган мулкда ёки йўл ва шу кабиларда аралашиб кетиш ҳолатларида келиб чиқади».

Шафеълик байъни билган заҳоти талаб қилиш билан собит бўлади. Агар байъни билган вақтида талаб қилмаса, шафеълик соқит бўлади. Агар байъни билмаса, гарчи бир неча йил ўтиб кетса ҳам, унинг шафеълиги сақланиб туради. Ибн Ҳубайра айтади: «Уламолар иттифоқларига кўра, агар шафеъ ғойиб бўлса, қайтиб келганидан сўнг шафеълик қилишга ҳақли бўлади» (Ихтилафу аймматил-уламаъ: 2/22).

Шерикларга шафеълик мулклари миқдорига қараб бўлади. Чунки, шафеълик у сабабли мулкка эга бўлинадиган ҳақдир, шу боис шафеълик мулкларнинг миқдорига қараб бўлди. Агар шериклардан биронтаси ундан воз кечса, бошқаси унинг ҳаммасини олиши ёки ҳаммасини тарк

қилиши керак. Чунки, бир қисмини олишда харидорга зарар
етказиш ҳосил бўлади.